VATAN TUYG‘USI HAR NARSADAN USTUN

O‘ZBEKISTON “MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

35 (407) ● 2016 йил 1 сентябрь, пайшанба ● Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизнинг қарийб 40 нафарини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади

Тошкент вилоятида айни пайтда 1,4 мингдан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд

Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантириш дастурига мувофиқ сайёҳликнинг янги тур ва йўналишлари ривож топмоқда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Мамлакатимизнинг кўп асрлик тарихида мутлақо янги саҳифа очган, эл-юртимизни мустабид тузум кишанларидан озод қилиб, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлини очиб берган Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрами билан барчангизни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклайман.

Қадрли дўстлар!

Барчамизга аёнки, мустақиллик ҳеч қайси халқ, ҳеч қайси миллат тарихида осонлик билан қўлга киритилган эмас. Бу ҳақиқатни чуқур англайдиган халқимиз шу курашда фидойилик кўрсатган, қурбон бўлган ота-боболаримизнинг хотирасини қалбида абадий сақлайди.

Айни шу кунларда ўзини оқламаган эски тузумдан янги тизимга ўтиш даврини эслар эканмиз, бошимиздан кечирган машаққатли кунлар ва оғир синовлар беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Айниқса, собиқ тузум асоратлари туфайли республикамизда аҳвол нақадар хатарли тус олганини аввало таъминот масаласи бутунлай издан чиқиб, халқимизни боқиш учун бор-йўғи бир ҳафта-ўн кунга етадиган ун захираси қолгани, тартиб-интизом бўшашиб, турли қўпорувчи ва ғаламис кучлар бош кўтариб, юртимиз деярли жар ёқасига келиб қолгани мисолида тасаввур қилиш қийин эмас.

Ана шундай ўта таҳликали вазиятда ҳам биз ўз танлаган йўлимиздан — мустақиллик йўлидан қайтмадик. Чунки биз яхши тушунардик — ҳаёт-мамотимиз ҳал бўлаётган айни шундай дамларда қийинчилик ва тўсиқлар олдида бўш келиш — бу ҳозирги ва келажак авлодлар олдида хиёнат қилиш билан баробар бўлур эди.

Айни шу пайтларда халқимиз ўзининг қатъияти ва матонатини амалда намойиш этиб, Ўзбекистонимизнинг ёруғ ва буюк келажагига ишончини йўқотгани йўқ ва иншоолло, ҳеч қачон йўқотмайди.

Ҳақиқатан ҳам, мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ, аҳволимиз қандай оғир ва хавф-хатарли бўлмасин, ҳар қадамда пайдо бўлаётган тўсиқ ва ғовларни, турли муаммоларни ечиш билан банд бўлишдан қатъи назар, мамлакатимизнинг бугунги куни ва истиқболига жавоб берадиган, чуқур ўйланган стратегиямиз устида ишимизни тўхтатганимиз йўқ.

Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларга эришишда — эркин, демократик давлат қуриш, бозор иқтисодиётига ўтиш, фуқаролик жамиятини барпо этишда, мамлакатимизни тараққий топган давлатлар қаторига кўтариш йўлида шошма-шошарлик ва палапартиш ишларга йўл қўймадик, жаҳондаги илғор тажрибаларни ўрганиб, лекин кимдандир кўр-кўрона нусха олганимиз йўқ. Бу борада чуқур маънога эга бўлган “Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун” деган ғоя асосида эл-юртимизга хос хусусиятлар, шарт-шароитларга мос бўлган, халқаро майдонда “ўзбек модели” деб тан олинган, узоқни кўзлаган йўлни ўзимизга маъқул топдик ва уни амалга оширишга киришдик.

Биз танлаган йўл — машҳур беш принципга асосланган тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканини, оғир синовлардан ўтиб, мамлакатимиз ривожи учун мустаҳкам замин бўлиб қолганини ҳаётимизнинг ўзи исботлаб бермоқда. Бунинг тасдиғини мустақилликка эришганимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб энг ўткир ва ҳал қилувчи масала — замон талабига жавоб берадиган янги авлод кадрларини тайёрлаш вазифаси мисолида яққол кузатиш мумкин.

Агарки биз 19 йил олдин эски қолип ва асоратлардан воз кечиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурини қабул қилиб, таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартирмасак, бунинг учун давлатимиз ва бутун жамоатчилигимизнинг куч ва имкониятларини сафарбар этмасак, бугунги аҳволимиз қай даражада бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ҳеч иккиланмасдан айтишга барча асосларимиз бор — ҳозирги кунда лицей ва коллежларни, олий ўқув юртларини битириб чиқаётган, ҳаётга янгича қарайдиган минг-минглаб ёшларимиз биз учун, келажагимиз учун тоғдек таянч бўлиб, мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислоҳотларнинг ташаббускори ва ижрочиси бўлиб майдонга чиқмоқда.

Ватанимизнинг келажаги ва тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган бундай янги авлодни тарбиялашга қаратилган дастурларни ўз вақтида қабул қилганимиз ва давлат сиёсати даражасига кўтарганимиз янги жамият қуришимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

> 2-бет.

Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйилди

Халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигини катта кўтаринкилик билан байрам қилмоқда. Бу буюк сана юртдошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор, сурур бағишламоқда. Жорий йилда энг улуғ, энг азиз айёмимиз мамлакатимиз бўйлаб “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” деган эзгу ғоя асосида нишонланмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан 31 август куни ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу мақсадларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига тантанали равишда гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар номидан ҳарбий оркестр садолари остида Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбарлар қўйилди.

Мустақиллик, тинчлик ва тараққиёт. Бу улуғ тушунчалар доимо ёнма-ёндир. Халқимизнинг тарихий ютуғи — Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда бу ҳақиқат яна бир бор ўз ифодасини топмоқда.

> 2-бет.

Миллий ғурур

Ишончга муносиб бўлиш бахти

Мусиқанинг бетакрор жозибаси ҳар қандай инсонни ўзига ром этади. Майин ва ёқимли куй қалбларга ҳарорат, руҳиятга қувват, шуурга тиниқлик бахш этади. Унга мафтун бўлган киши қалбини энг гўзал ва беғубор, олижаноб туйғулар бир умр тарк этмайди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Нодира Дадамуҳамедова буни яхши англайди.

Мамлакатимизда навқирон авлодни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказиш, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топтириш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ушбу йўналишларда узоқни кўзлаб амалга оширилган изчил ислоҳотларнинг юксак самаралари бугун мустақиллик фарзандлари — ёшларимиз мисолида яққол намоён бўлмоқда.

> 6-бет.

Партия лойиҳаси — амалда

Истиқлолнинг янги авлоди: ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз!

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши шу мавзуда тадбир ташкил этди

Юртимизда навқирон авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Мамлакатимиз ёшларининг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча шароит ва имконият яратилган. Бунёд этилган замонавий таълим муассасалари ва спорт иншоотлари ёшлар камолотига хизмат қилмоқда. Ўз навбатида, бунга жавобан ёшларимиз барча соҳада ўз иқтидор ва салоҳиятларини намоён этаётир. Бу, албатта, истиқлолнинг халқимизга берган энг катта туҳфаси, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик самарасидир. Шу боис осуда ҳаётимизни асраш, ёшларга истиқлол берган имкониятлар моҳиятини янада кенгроқ тушунтириш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир.

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши, ЎзФА Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда халқаро Амир Темур жамоат фонди ҳамкорлигида “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида мустақиллигимизнинг 25 йиллик шодиёнасига бағишлаб ўтказилган — “Истиқлолнинг янги авлоди: Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз!” мавзусидаги давра суҳбатида шулар ҳақида сўз борди.

> 3-бет.

Муносабат

Темир йўлни иқтисодчилар мамлакатнинг қон томирига қиёс қилишади. Шу боис ҳам Ангрен-Пап электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннелининг ишга туширилишини нафақат водий аҳли, балки барча юртдошларимиз қувонч билан қарши олди. Мамлакатимизда энди яхлит, мустақил ва замонавий темир йўл тизими яратилди. Улкан стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга мазкур лойиҳа мамлакатимизнинг коммуникация ва транспорт соҳасидаги салоҳиятини яна бир бор намойиш этди. Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик шодиёналари арафасида — 27 август куни илк бор пойтахтдан Андижонга поездда йўл олган юртдошларимиз юз-кўзидаги ҳайрат ва қувонч, қалбидаги ғурур ва ифтихорни ифодалашга сўз ҳам ожиздай. Бу тарихий воқеани асрий орзуларнинг ижобати, ҳақиқатга айланган афсона, деб таърифлаш мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг намойиши

Бунёдкорлик — халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган қадрият. Депутат сифатида сайловчилар билан ўтказган учрашувларимиз, олис қишлоқ одамлари билан суҳбатларда бунга қайта-қайта ишонч ҳосил қиламиз. Уларнинг кўзларидаги бунёдкорлик иштиёқи ва меҳнатсеварлик ана шундай мўъжизалар яратишга қодир.

> 2-бет.

MILLIY TIKLANISH
35 (407) 2016 йил 1 сентябрь, пайшанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Тарихан қисқа даврда Ўзбекистон илгариги ўзини боқишга, ўзини ҳимоя қилишга қурби етмаган, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ғоят ачинарли аҳволга тушиб қолган қолоқ республикадан бугунги кунда тез ва барқарор суръатлар билан тараққий этиб бораётган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаган, қудратли давлатга айланиб бормоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар ўсди, унинг таркибида саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга етди, жаҳон миқёсидаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охирги 11 йил давомида камдан-кам давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда. Айтиш керак, 2016 йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, жорий йилда ҳам ўсиш суръатларимиз бундан паст бўлмайди.

Энг муҳими, ўтган давр мобайнида одамларимизнинг саломатлиги мустаҳкамланиб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайгани, ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида 76 ёшга узайгани, аҳолимизнинг сони 2016 йилнинг охиригача 32 миллиондан ошиб кетиши, яъни мустақиллик йилларида халқимиз 12 миллионга кўпайгани бизнинг қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимизни, эл-юртимизнинг ҳаёт сифати ва фаровонлиги ўсиб бораётганини яққол тасдиқлайди.

Буларнинг барчаси аввало мард ва матонатли халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати эвазига амалга оширилмоқда ва мамлакатимиз ўзининг барқарор ривожланиш суръатлари билан халқаро жамоатчиликни ҳайратда қолдирмоқда.

Муҳтарам юртдошлар!

Барчамиз яхши тушунамиз — биз эришаётган улкан марра ва натижалар кўзлаган мақсадларимизнинг фақат маълум бир қисмини ташкил этади.

Ҳозирги вақтда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган давр, дунё бозорларида ноаниқлик, беқарорлик ва инқироз давом этаётгани, рақобат кучайиб, шафқатсиз тус олаётгани, хомашё нархининг пасайиб бораётгани — бундай ҳолатлар барчамиздан, аввало, раҳбарлик ва етакчи лавозимларда ўтирган шахслардан эски қараш ва ёндашувлардан, иш услубларидан бутунлай воз кечиб, янгича фикрлашни, ишни ташкил қилиш ва бошқарув тизимини замон талаблари даражасига кўтаришни тақозо этмоқда.

Энг аввало, мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация қилиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш йўлида бошлаган ислоҳотларимизни давом эттириш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва унда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг улушини кенгайтириш ва унинг устуворлигини таъминлаш вазифалари ҳал қилувчи ўрин тутиши зарур. Шулар қаторида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес самарасини ошириш, хорижий инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, замонавий, юқори технологияларни жорий этиш мақсадида мамлакатимизда яратилган имтиёзларни янада кенгайтириш вазифалари доимо эътиборимиз марказида туриши даркор.

Бугунги кунда яқин ва узоқ атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб, турли можаро ва қон тўкишлар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи тобора кескинлашиб бораётгани ҳар биримизни ташвишга солмасдан қўймайди ва барчамиздан ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашни талаб этади.

Вужудга келаётган мана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонимизнинг хавфсизлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, турли бало-қазоларни остонамизга йўлатмаслик, юртимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек сақлаш, "Бизга тинчлик ва омонлик керак" деган эзгу даъватни барчамизнинг бурчимиз ва устувор вазифамиз сифатида амалга оширишимиз зарур.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида биз бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва пайдо бўлаётган қарама-қаршилик ва зиддиятларни тинч, сиёсий келишувлар йўли билан ечиш тарафдоримиз.

Турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаслик, юртимиз ҳудудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига ва ҳарбийларимизнинг чегараларимиздан ташқаридаги ҳудудларда бўлишига йўл қўймасликни ўзимиз учун маъқул, деб биламиз.

Биз мустақиллик йилларида яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат, ўзаро манфаатларни тан олиш асосида олиб бораётган алоқаларимизни, аввало ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб келганмиз ва айни шундай сиёсатни давом эттиришга тайёрмиз.

Азиз ватандошлар!

Шу кунларда бутун халқимиз Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза медалини қўлга киритиб, буюк ғалабага эришган спортчи ёшларимизни қизғин қутламоқда. Дунёдаги 206 та мамлакатдан келган манаман деган спортчилар билан бўлган кескин беллашувларда ўғлонларимизнинг кўрсатган мардлиги ва фидойилиги, маҳорати ва матонати, она Ватанимизга муҳаббати минг-минглаб ёшларимиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлди, деб ғурур ва ифтихор билан баралла айтишга барчамиз ҳақлимиз.

Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, Ўзбекистон ёшларининг дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини бутун жаҳонга намойиш этган моҳир спортчиларимизга, уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийларига, миллий олимпия терма жамоамизнинг барча аъзоларига чин қалбимдан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сиз, ёшларимизга, менинг азиз фарзандларимга қаратиб айтмоқчиман: бўш келманг, азизларим, давр бизники, марра бизники!

Қадрли ва муҳтарам ватандошларим!

Сизларни, бутун халқимизни Мустақиллик куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, хонадонларингизга, эл-юртимизга файзу барака тилайман.

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўлласин, ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Муносабат

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг намойиши

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Мустақиллик йилларида биз илгари тасаввур ҳам қилолмаган, барчамизга ғурур бағишлаб, ўзгаларнинг ҳавасини келтираётган юксак марраларга эришяпмиз. Бунгача одамларимиз поездда пойтахтга келиш, тадбиркорлар юкларини ўтказиш учун қўшни республикаларни айланиб ўтишига тўғри келгани, бу, ўз навбатида, талай муаммо ва қийинчиликларни юзага келтиргани ҳеч кимга сир эмас. Ўн миллиондан зиёд аҳолиси бўлган водий ҳамда мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари ўртасида транспорт коммуникациялари анча чегараланган эди. Бу ҳолат, аввало, аҳоли, қолаверса, иқтисодиёт учун кўплаб ноқулайликлар туғдирарди. Одамларимиз Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл воситасида тўғридан-тўғри боғлаш ҳақида фақат орзу қиларди, холос. Ана шу эзгу орзу бугун рўёбга чиқди.

Мураккаблиги ва ўзига хос бошқа жиҳатлари билан дунёдаги саноқли қурилишлардан бири бўлган Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли қурилиши Ўзбекистон қандай кучга эга экани, унинг иқтисодий қудрати ва салоҳиятини яна бир бор жаҳон узра намоён этди. Йилига 4,6 миллион тонна юк ҳамда 600 минг йўловчи ташиш имконига эга мазкур темир йўлнинг Фарғона водийси вилоятлари иқтисодиёти, инфратузилмасини ривожлантиришдаги аҳамияти бениҳоя катта. Бунинг натижасида минглаб қўшимча иш ўрни, халқимиз фаровонлиги янада юксалишига замин яратилмоқда.

Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятига бугун жаҳон аҳли тан бермоқда. Чунки дунёда иқтисодий инқироз кечаётган бир паллада бундай йирик лойиҳаларга қўл уришга ҳар қандай давлатнинг ҳам журъати етмайди. Бизнинг жаннатмонанд юртимизда эса деярли ҳар куни янгидан-янги объектлар фойдаланишга топширилаётгани ҳақида хушхабар эшитасиз. Албатта, бунга осонликча эришилаётгани йўқ. Президентимизнинг депутатлар билан парламентдаги учрашувида ҳам бугунги ёруғ кунлар ўз-ўзидан келиб қолмагани, бу йўлда қандай заҳматли йўллар босиб ўтилгани аниқ далиллар билан асослаб берилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари барчамизни буюк аждодларга муносиб бўлишга ундайди. Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннелининг тўлиқ фойдаланишга топширилгани одамларимизнинг манзилини яқин, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти янада мустаҳкам бўлишига, халқимиз турмуш фаровонлиги бундан-да юксалиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ортишига хизмат қилади.

Авазбек ЖАЛИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Ватан де, Ватан де кўнгил

Чорак аср қошида бир дам фикрга толдим,
Мустақиллик йўлининг озод бир бекатида.
Икки ярим асрдай туюлади у қадим,
Мангулик бор бу йиллар ҳар лаҳза, фурсатида...

Дарҳақиқат, асрларга татигулик кунларнинг ҳар лаҳзаси халқимизни Ватанимизнинг буюк келажаги, ёруғ, порлоқ орзуларимиз меҳварида, улуғ режаларимиз атрофида якдил, ҳамжиҳат қилиб турибди.

Ҳар бир халқнинг қудрати ва салоҳияти унинг сон-саноғи ёки бўй-басти билан ўлчанмайди. Бу унинг шону шавкати, тафаккур қудрати, маънавий жасорати ва бунёдкорлик ишларида намоён бўлади. Бугунгидек эркин ва фаровон кунларда юртдошларимиз онгу шуурида, ҳар бир ҳаракатида қаҳрамонлик, шаҳду шиддат жўш урмоқда.

Ўзбек фарзандлари ҳеч кимдан кам эмаслиги, ҳеч қачон кам бўлмаслигини ҳар қадамда исботламоқдалар. Яқинда Сингапур давлатида бўлиб ўтган ёш математикларнинг халқаро олимпиадасида ўзбекистонлик ўқувчилар олтин медалларни қўлга киритиб, дунё тамаддунига эшик очган улуғ аждодларига муносиб ворис эканини яна бир карра исбот этдилар. Ёки яқинда бўлиб ўтган ёзги Олимпия ўйинларини олайлик. Спортчиларимиз дунёнинг манаман деган чемпион спортчиларини мағлуб этиб, 207 давлат орасида 21-поғонани забт этдилар. Бу, албатта, ўзбек фарзандларининг юртга муҳаббати, уларга нон-туз берган Ватанига садоқати намунасидир.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида адабиётимизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, миллий адабиётимиз ва маънавиятимизни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўзининг юксак самараларини бераётир. Истиқлолни буюк саодат, ижод эркинлиги, она Ватани, элу юртининг бахтини ўзининг бахти деб билган ёзувчи учун мустақиллик нақадар катта имкониятлар яратганига бугун ўз фаолиятимиз мисолида амин бўляпмиз. Ижод аҳлини қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Юртбошимиз қарори асосида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фондининг ташкил этилиши кўплаб ёш иқтидорларнинг юзага чиқишига хизмат қилмоқда. Олдимизда ўзбек адабиётини янада ривожлантириш, дунёга олиб чиқиш, дурдона асарларимизни хорижий тилларга таржима қилиш ҳамда адабий муҳит кўламини кенгайтиришдек улуғ вазифалар турибди. Президентимизнинг жорий йил 13 майдаги "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бу борадаги эзгу ишларда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик тўйи арафасида ижодкорларимиздан ўн олти нафари бадиий ижод соҳасидаги муваффақиятлари учун давлатимизнинг юксак мукофотларига лойиқ кўрилди. Бу, албатта, ижодкорларимизнинг фидокорона, заҳматли меҳнатининг эътироф этилганлиги, юксак баҳоланганлиги ифодасидир. Ана шу ижодкорлар сафида менинг ҳам борлигим, "Ўзбекистон халқ шоири" фахрий унвони билан тақдирланганим менга чексиз куч-қувват ва масъулият бағишлайди. Бу унвон нафақат менга, балки барча сўз санъаткорлари меҳнатига берилган баҳо, деб биламан.

Субҳи содиқ Ватан, деб уйғон,
Халқим дея очгил кўзингни.
Ва кўксингда ҳилпираб турган
Эрк туғига босгил юзингни.
Шукрлар де, гардини ўпгил
Ва Ватан де, Ватан де кўнгил!

Энахон СИДДИҚОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раҳбари, Ўзбекистон халқ шоири, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйилди

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Президентимиз раҳнамолигида Мустақиллик майдонида улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, у яхлит меъморий ансамбль, ноёб мажмуа кўринишини олди. Бу ерда олиб борилган бунёдкорлик ишлари бош майдонимизнинг нафақат манзарасини, балки мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Бугун Мустақиллик майдонининг кўрку таровати ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Бу ердаги доимо яшнаб турувчи дарахтлару турфа гуллар кўзни қувонтиради. Майин шабададан дарахтлар, ям-яшил майсалар оҳиста тебранади. Кундузлари қуёш нурида, тунлари нурафшон чироқлар шуъласида жилоланувчи фавворалар майдон ҳавосини мўътадил сақлайди. Бу ерга келган одам ажиб сокинликни, унинг замиридаги тинчлик ва осойишталикни янада теран ҳис этади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2005 йил 28 декабрда Мустақиллик монументи олдида Бахтиёр она сиймоси акс этган муаззам ҳайкал қад ростлади. Бугунги тинч, осуда ҳаётимиз, порлоқ келажакка бўлган мустаҳкам ишончимиз ифодаланган, фарзандини бағрига босиб, унга термулиб турган Бахтиёр она сиймосида ҳар биримиз ўз онамизни, беғубор болалигимизни, баркамол авлодимизни кўргандек бўламиз. Мазкур мажмуа эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун турадиган фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда аёл зотига бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

— Ҳар гал Мустақиллик майдонига келганимизда қалбимизда ўзгача туйғулар жўш уради, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раиси Акмал Жумабоев. — Давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга қаратилаётган эътибор туфайли қўлга киритаётган ютуқ ва марраларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бугун юртимиздаги ҳар бир ёш қалбида Ватан келажаги учун масъуллик, Ватан равнақига муносиб улуш қўшишдек эзгу ният мужассам.

Ютуқларимиз кўпайгани сари халқимизнинг фаровонлиги, турмуш маданияти ва салоҳияти ҳам юксалиб бораверади. Юксак маънавият ва салоҳиятга эга халқ янгиянги марраларни қўлга киритишга қодир. Мустақиллик йилларида халқимизнинг онгу тафаккури бутунлай ўзгарди. Бугун халқимиз замонавий, юксак даражадаги шарт-шароитларда ҳаёт кечиришга ўрганди. Буларнинг барчаси истиқлол йилларида олдимизга қўйган улуғ мақсадларга эришаётганимиз, биз ҳеч кимдан кам эмаслигимизнинг амалдаги ифодасидир.

Замонлар ўтади, мамлакатимизда янги-янги авлодлар дунёга келади. Аждодларимизнинг, халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарган, эркин ва обод Ватан барпо этиш йўлида қанот бўлиб, беқиёс имконият ва истиқболларни очиб берган бу кун юртимиз тарихида мангу буюк сана бўлиб қолади.

1 сентябрь куни пойтахтимизнинг барча туманларида байрам тантаналари ўтказилади. Мамлакатимиз вилоятларида байрам тадбирлари, сайиллар давом этади.

ЎзА

Бувайдалик 121 ёшли Ҳувайдо момога Президентимиз номидан "Шуҳрат" медали топширилди

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида кекса авлод вакилларига ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшаётган ҳиссаси эътиборга олиниб, эл-юрт ҳурматини қозонган кекса авлод вакилларига давлатимизнинг юксак мукофотлари берилиши яхши анъанага айланди.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида юз ёшдан ошган бир гуруҳ юртдошларимиз Президентимизнинг жорий йил 24 августдаги фармонига мувофиқ "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Мукофотланганлар орасида Фарғона вилояти Бувайда туманида яшовчи 121 ёшли Ҳувайдо момо Умарова ҳам бор.

Умрининг кўп қисмини далада ўтказган момо болалиги, ёшлиги, ундан кейинги даврлар машаққатию захматларини ўкинч билан сўзлайди. Истиқлол ҳаётига янгича мазмун бахш этгани, бугунги тинч, фаровон турмушимиз, фарзанду набиралари, эвараю чевараларининг бахтиёр ҳаётига шукрона келтиради. Юртимиз ҳамиша тинч, халқимиз фаровон яшашини сўраб, дуо қилади.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Ҳувайдо момо хонадони ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Вилоят ва туман ҳокимлиги, жамоатчилик вакиллари, қўни-қўшни, қариндош-уруғ бир дастурхон атрофида жам бўлди.

Вилоят ҳокими Ш.Ғаниев Ҳувайдо момога давлатимизнинг юксак мукофоти – "Шуҳрат" медалини Президентимиз номидан топшириб, мустақиллик байрами билан табриклади.

Дуо билан эл кўкарар, дейишади. Ҳаётимизнинг тинч ва осудалиги, турмушимизнинг фаровонлиги, рўзғоримиз бут, дастурхонимиз тўкинлиги Президентимиз раҳнамолигида инсон, унинг манфаати, бахт-саодати ва қадр-қимматини юксак тутиб, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган оқилона сиёсат самараси, Ҳувайдо момо сингари ёши улуғ кексаларимизнинг дуоси, эзгу ниятлари ижобатидир.

ЎзА

Партия лойиҳаси — амалда

Муқаддас қадамжоларга онлайн саёҳат

Тошкент вилояти ёшларида катта таассурот қолдирди

ЎзМТДП Марказий кенгаши ташаббуси билан мустақиллигимизнинг 25 йиллик айёми арафасида ташкил этилган "Муқаддас масканлар — замондошлар нигоҳида" мавзусидаги онлайн саёҳат лойиҳасига бағишланган тадбирларнинг навбатдагиси Тошкент вилоятида ўтказилди.

Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши, партия Тошкент вилоят, Зангиота ва Паркент туман кенгашлари фаоллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида тарихий-маданий меросимизни асраш, уларни келажак авлодга асл ҳолича етказиш, ёш авлодни тарихимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш жамият тараққиётини юксалтиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Тошкент вилоятининг тарихи ва маданияти ниҳоятда бой, иқлими ҳамда табиати бетакрор. Вилоят ҳудудида 1,4 мингдан ортиқ тарихий осори-атиқалар мавжуд. Ёдгорликлар, тарихий воқеалар билан боғлиқ иншоотлар, маданий мерос объектлари юртдошларимиз ва хорижий сайёҳларнинг эътиборини тортмоқда.

Ана шундай гўзал ва муқаддас масканлардан бири — Зангиота зиёратгоҳи. Мазкур зиёратгоҳ XV асрларга тегишли меъморий ёдгорлик бўлиб, Яссавия тариқатининг йирик намоёндаларидан бири — Зангиота, яъни Ойхўжа ибн Тоҳирхўжа номи билан боғлиқ. XII—XIII асрларда яшаган буюк мутасаввуф — Зангиота ўз илми, меҳнати, одамийлиги, ҳикматлилик ва ростгўйлик фазилатлари билан донг таратган. У ўз даврининг ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ инсонлардан бири бўлган. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур Зангиотага ихлос қўйиб, XIV асрнинг 90-йилларида ушбу мажмуага асос солади. Буюк саркарда амри билан Зангиотанинг қабри устида мақбара барпо этилади. 1420 йилда эса Мирзо Улуғбек кўрсатмаси билан бу меъморий мажмуанинг ҳозирги пештоқи ва зиёратчилар учун ҳужралар қурилган. Ушбу қадамжо нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёдаги йирик зиёратгоҳлардан ҳисобланади. Мажмуа Зангиота, Анбар биби мақбараси, дарвозахона, мадраса, масжид, хонақоҳ-шийпон, минора ва ҳовуздан иборат. Анбар биби мақбараси, ҳовуз, шийпон ва дарвозахона

алоҳида-алоҳида қилиб қурилган. Зангиота мақбараси эса мадраса ва масжид билан ёнма-ён тушган бўлиб, ҳовлига шимоли-шарқ ва шимоли-ғарбдаги дарвозалар орқали кирилади. Минора ҳам шу ҳовлининг ўртароғига, масжид ва мақбарага яқин қурилган.

Ватанимиз истиқлолга эришгач, Зангиота меъморий мажмуи ўзгача чирой очиб, тубдан таъмирланди, атрофида янги, замонавий бинолар, кенг ва равон йўллар, гўзор ва майсазорлар барпо этилди. Мажмуа ҳудудидаги қабристон ғишт билан шарқона усулда қайта ўралди, арк қурилди. Анбар биби ёдгорлиги тубдан таъмирланди. Қабристон ичидаги ёдгорликнинг 150 метр йўлагига шаклли ғиштлар ётқизилди. Масжид ҳовузининг атрофи таъмирланиб, бешта супа қурилди. Айниқса, муҳташам меҳмонхонанинг бунёд этилиши зиёратчилар учун катта қулайлик яратди.

— Онлайн саёҳат лойиҳаси орқали мана шундай муқаддас қадамжоларни келиб кўриб, ушбу зиёратгоҳнинг тарихи ҳақидаги маълумотларни эшитиб, бу борадаги тасаввурларимни янада бойитиш имкониятига эга бўлдим, — дейди ЎзМТДП Зангиота туман кенгаши фаоли Улуғбек Иноғомов. — Зиёратгоҳнинг гўзал қиёфаси инсоннинг баҳри дилини очади.

Шундан сўнг онлайн саёҳат иштирокчилари Паркент туманидаги Заркент ота ва Ҳазрати Али бува зиёратгоҳларида бўлишди. Бу табаррук жойларга оид барча тарихий воқеалар ҳақида батафсил маълумот олишди.

— Мустақиллигимиз шарофати билан зиёратчиларга кенг қулайлик, замонавий шарт-шароитлар яратилди, — деди Ҳазрати Али бува зиёратгоҳи ходими Ҳасан Ғиёсов. — Зиёратгоҳимиз бугун гўзал бир масканга айланди. Зиёратчиларнинг мазкур ҳудуддаги шифобахш булоқ сувидан бахраманд бўлишлари учун қулай зинапоялар бунёд этилди. Ҳазрати Али бува масжиди, шийпонлар барпо этилди. Ҳозирда зиёратгоҳимиздан маҳаллий аҳоли ва хорижий сайёҳларнинг қадами узилмаяпти.

Тошкент вилоятининг муқаддас масканлари бўйлаб ташкил этилган онлайн саёҳат мобайнида маданий мерос объектларининг бой тарихи ва ўзига хос хусусиятлари иштирокчиларда ўзгача таассурот қолдирди. Бундай тадбирларнинг ташкил этилиши натижасида ёшларимиз аждодларимиз ҳаётидан ибрат олишга, уларга муносиб ворис бўлишга интилади, бой тарихимиз, маданий меросимизга нисбатан ҳурмат руҳида камол топади.

Абдураҳим НАЗАРОВ,
халқ депутатлари Паркент туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Заркент ота зиёратгоҳи Заркент қишлоғининг юқорисида, тоғ ён бағрида жойлашган. "Заркент бобо", "Қуш қўнмас авлиё" номлари билан машҳур мазкур зиёратгоҳ мустақиллик йилларида ўзгача қиёфа касб этди.

Зиёратгоҳнинг икки хислати маълум. "Қуш қўнмас авлиё жой" деб номланиши — дарахт ва буталарга булбулдан бошқа парранданинг қўнмаслиги бўлса, булоқ сувининг зилол ва шифобахшлиги анча машҳур. Заркент ота зиёратгоҳидаги табиий булоқ Заркент қишлоғини ичимлик суви билан таъминлайди.

Партиямизнинг ушбу лойиҳаси доирасида иштирокчилар ана шу каби зиёратгоҳлар, тарихий масканлар, ёдгорликлар ҳақидаги маълумотлар билан яқиндан танишмоқда. Энг асосийси, бундай амалий тадбирлар ЎзМТДП дастурий мақсадларини амалга ошириш, ёш авлод вакилларининг юртга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП ташкилотларида

Истиқлолнинг янги авлоди: ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз!

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши шу мавзуда тадбир ташкил этди

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Унда партия Тошкент шаҳар кенгаши, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" етакчилари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Мустақиллик ўзлигимизни англаш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш каби мақсадларимизнинг амалга ошишига замин яратди, — деди тадбирда ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши девон раҳбари Даврон Сафаров. — Юртимиздаги мусаффо осмоннинг, тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, ота-боболаримиз бир умр орзу қилган, бугунги авлодларга насиб этган Ватанимиз мустақиллигини кўз қорачиғидай асраш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир. Фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳар томонлама соғлом қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ёшларимизни юксак мақсад ва марралар сари чорламоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бирор-бир жабҳа йўққи, унда мустақилликнинг ўрни ва аҳамияти англанмаса, жамиятимизнинг бирор-бир аъзоси йўққи, ўз ҳаёти, турмуш тарзида истиқлол берган неъмат ва имкониятлардан баҳраманд бўлмаса.

Мустақиллик йилларида фарзандларимиз учун жаҳон миқёсидаги олимпиадаларда қатнашиш, ўз билимларини намоён этиш имконияти яратилди. Узоққа бормайлик: Ўзбекистон спортчилари XXXI ёзги Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, бутун дунёга мардлик ва жасорат бобида улуғ зотларнинг муносиб ворислари эканини исботлади, халқимизнинг, Президентимизнинг ишончини оқлади, эркин ва обод Ватанимизнинг энг улуғ, энг азиз байрамига муносиб туҳфа ҳозирлади. Ахир бундай юксак натижалар билан фахрланмай бўладими?!

Тадбирда таъкидланганидек, ёшларнинг ҳаётда ўз йўлини топиши, мустақил фикрга эга бўлиши бевосита уларнинг маънавий баркамоллиги билан боғлиқ. Агар ёшларимиз ота-боболари кимлиги, қандай буюк олим ва аллома-ларнинг авлодлари эканини чуқур ҳис этса, англаса, улар ҳар қандай мафкуравий таҳдидларни енгиб ўта олади. Шу боис ёшлар онгшуурига миллий истиқлол ғоясига садоқат, Ватан тақдирига дахлдорлик, эл-юртнинг эртаси учун курашиш ғоясини сингдириш муҳим аҳамиятга эга.

— Мустақиллик — бебаҳо ва улуғ неъмат, — деди Ўз ФА Темурийлар тарихи давлат музейи директори Хуршид Файзиев. — Мустақиллик шарофати билан қўлга киритилаётган юксак ютуқ ва марралар қалбларимизни ғурур-ифтихорга тўлдирмоқда. Истиқлол йилларида эришган улкан натижаларимизни жаҳон ҳамжамияти ҳам муносиб эътироф этмоқда. Ўзбекистоннинг энг бахтли мамлакатлар қаторидан ўрин олгани истиқлолнинг халқимиз ҳаётида нақадар муҳим аҳамиятга эга эканининг ёрқин намунасидир. Шу боис истиқлолнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган янги авлоди "Ватанимнинг гуллаб яшнаши учун мен нима қилдим?!" деган юксак масъулият билан яшамоқда.

Давра суҳбатида, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, халқаро Амир Темур жамоат фонди раиси Нозим Ҳабибуллаев, Темурийлар тарихи давлат музейи катта илмий ходими Абдумажид Мадраимовларнинг маърузалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Эътироф этилганидек, ЎзМТДП ташкилотлари ўтказаётган тадбирларда навқирон авлод вакилларига истиқлол, тинч ва осойишта кунларга осонликча эришилмагани ҳаётий мисоллар асосида тушунтирилмоқда. Ўз навбатида, уларда тинчликнинг қадрига етиш, Ватанни севиш, унинг ҳар бир қарич ерини асраб-авайлаш кўникмаси мустаҳкамланмоқда. Бу, айниқса, дунёда турли қарама-қаршиликлар тобора кескинлашиб бораётган, яқин ва узоқ атрофимизда зиддиятлар рўй бераётган бугунги кун учун ғоят муҳим аҳамиятга эга. Зотан, ёшларни муштарак мақсад атрофида бирлаштириш, уларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш глобаллашув даврида яшаётган ҳар бир миллат учун долзарб вазифадир. Бу ҳар биримиздан дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни теран кузатиш, таҳлил қилиш ва хулосалар чиқаришни тақозо этади. Оқни қорадан ажратиш, тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш, юртимизнинг эртанги порлоқ келажагига ўз ҳиссамизни қўшиб яшашга ундайди.

Давра суҳбатида юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларда фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини англаган ҳолда яшаш, жамият ҳаётида онгли ва эркин шахс сифатида фаол иштирок этиш кўникмасини шакллантириш масалалари юзасидан фикрлашилди.

Тадбир иштирокчилари Темурийлар тарихи давлат музейи экспонатлари билан танишди.

Тўлқин ҲАЙИТОВ,
Темурийлар тарихи давлат музейи илмий ходими, ЎзМТДП аъзоси:

— Навқирон авлод вакилларини Ватанни севиш, мустақилликни асраб-авайлаш, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш — миллий тараққиётимиз гарови. Бугунги давра суҳбати ана шундай мақсад рўёбига қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Унда дориломон кунларнинг қадрига етиш, келажагимиз эгаларининг жамиятда муносиб ўрин топишига кўмаклашиш, уларни "оммавий маданият"нинг салбий оқибатларидан асраш, навқирон авлодда ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давра суҳбатига кўпни кўрган, ибратли ҳаёт йўли билан барчага ўрнак бўлаётган отахон ва онахонлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, ёзувчилар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари таклиф этилаётгани тадбирлар таъсирчанлиги ва савияси, ёшларнинг билим ва кўникмалари ошишига хизмат қилмоқда.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Хроника

Мустақиллик — ёшлар камолотига кенг йўл очди

Андижон

ЎзМТДП Хонобод шаҳар кенгаши томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамига бағишлаб, "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида спорт мусобақаси ташкил этилди.

Тадбир доирасида 1998-2008 йилларда туғилган ўқувчи ёшлар ўртасида эркин кураш бўйича турнир ўтказилди.

— Мамлакатимизда спортнинг барча турини кенг оммалаштиришга катта эътибор қаратилмоқда, — деди ЎзМТДП Хонобод шаҳар кенгаши раиси Мансур Аҳмедов. — Истиқлол йилларида юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам замонавий спорт иншоотларининг барпо этилиши бугун юксак самаралар бермоқда. ЎзМТДП ташаббуси билан ўтказиб келинаётган мазкур мусобақа ёшларни спортга янада қизиқтириш, болалар спортини ривожлантириш ҳамда таълим муассасалари, маҳалла ва оила ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда айни муддао бўлмоқда.

Таъкидланганидек, бундай тадбирларнинг ташкил этилиши мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ва бугунги дориломон кунлар шукронасини ёшлар онгига сингдиришга хизмат қилади. Шунингдек, яқинда Олимпия ўйинларида совриндор бўлган спортчиларимизнинг юксак натижалари ёш ўғил-қизларимизнинг спортга бўлган муҳаббатини оширишга ва келажакда мамлакатимиз байроғини халқаро спорт ареналарида янада баланд кўтаришлари йўлида муҳим омил бўлиши эътироф этилди.

Тадбир сўнггида мусобақа ғолиблари ЎзМТДП Хонобод шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сирдарё

ЎзМТДП Гулистон шаҳар кенгаши, "Оила" илмий-амалий маркази вилоят бўлими, "Боғишамол" маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрамига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо Ўзбекистоним!" шиори остида "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Унда ЎзМТДП Гулистон шаҳар кенгаши аъзолари, "Ёшлар қаноти" фаоллари, "Оила" илмий-амалий маркази вилоят бўлими ходимлари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, "Боғишамол" маҳалла фуқаролар йиғини фуқаролари ҳамда журналистлар иштирок этишди.

Тадбирда халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгашига партиядан сайланган депутат Барно Алимова, Маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими ходими Алишер Нурбоев, Ўзбек Миллий академик драма театри актёри Ҳамид Тошпўлатов, шоир Ҳаёт Шодмон ва бошқалар сўзга чиқиб, мустақиллик байрами биз учун энг улуғ, энг азиз айём эканлиги, унинг қадрига етиш, жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, фуқароларимизнинг тинчлиги, ва осойишталигини асраш фарзандлик бурчимиз эканини таъкидладилар.

— Давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллик шодиёнасига бағишланган маънавий-маърифий руҳдаги тадбирлар вилоятимизнинг барча гўшасида ўтказилмоқда, — деди ЎзМТДП Гулистон шаҳар кенгаши раиси Замира Қаршибоева. — Мустақиллик йўл очган кенг имкониятлар туфайли халқимизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга муносабати тубдан ўзгариб, ижтимоий фаоллиги ва ислоҳотларга дахлдорлик туйғуси янада кучайди. Бугун тадбирда тақдим этилган маърузалар, видеоролик ёшларда тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиш, дориломон кунларга шукрона келтириш туйғусини кучайтириши ҳамда ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Якунда "Боғишамол" маҳалласининг иқтидорли ва истеъдодли ёшлари Ватанни мадҳ этувчи дилрабо куй-қўшиқлар билан тадбир иштирокчиларига байрамона кайфият улашди.

Сурхондарё

ЎзМТДП Қумқўрғон туман кенгаши ҳамда "Камолот" ЁИҲ туман бўлими ҳамкорлигида "Қалбимда улуғлай, сени Ватаним!" мавзусида ёшлар форуми ташкил этилди.

Унда партия туман кенгаши аъзолари, халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари, "Ёшлар қаноти" фаоллари, ёш ижодкорлар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

— Мустақиллик туфайли халқимиз ўзлигини англади, озод халқ, мустақил давлат сифатида Ўзбекистоннинг улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён этиш имконига эга бўлдик, — деди ЎзМТДП Қумқўрғон туман кенгаши раиси Қурбон Чоршанбиев. — Истиқлол боис бизни жаҳон таниди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати ила Ватанимизнинг шон-шуҳрати олам узра тобора кенг ёйилмоқда. Эртанги кунимиз, эркин ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз. Ана шундай мамлакатда тинч-осуда яшаётганимиз, меҳнат қилаётганимизга ҳар қанча шукрона айтсак, арзийди.

Таъкидланганидек, ёшларни меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғусини юксалтириш руҳида тарбиялаш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ЎзМТДПнинг асосий мақсад ва вазифаларидан саналади.

Ушбу дастурий вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган форумда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган саҳна кўринишлари, спорт жамоаларининг чиқишлари ва ҳунармандчилик кўргазмалари намойиш этилди.

Тадбир сўнггида бир гуруҳ ёшлар партия аъзолигига қабул қилинди, фаол иштирокчиларга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Жиззах

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати эртамиз эгаларининг эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, соғлом ғоя ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЎзМТДП Пахтакор туман кенгаши ташкил этган "Истиқлолнинг янги авлоди: Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз!" мавзусидаги тадбирда шу ҳақда сўз борди.

Форумда ЎзМТДП Пахтакор туман кенгаши аъзолари, "Ёшлар қаноти" ва бошланғич партия ташкилоти фаоллари ҳамда иқтидорли ёшлар иштирок этди.

— Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни тобора юксалмоқда, — деди ЎзМТДП Пахтакор туман кенгаши раиси Убайдулло Низомов. — Ўзбекистон ёшлари халқаро миқёсда ўтказилаётган турли нуфузли танловлар, фестивалларда, фан олимпиадаларида муносиб иштирок этиб келмоқда. Бундан чорак аср илгари бундай халқаро беллашувларда муваффақият қозонган фаол, изланувчан ўғил-қизлар бармоқ билан санарли даражада бўлган бўлса, бугун ёшларимиз барча соҳада илгарилаб кетаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Уларнинг қўлга киритаётган ютуқлари, амалга ошираётган ишлари ҳар бир юртдошимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, уларнинг ўз иқтидорини тўла намоён этишлари учун кенг шароит яратиб бериш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ёшларимизнинг илм-фан, техника-технология, спорт ҳамда санъат соҳасида эришаётган муваффақиятлари ана шу юксак эътибор ва ғамхўрлик самараси эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни юртимизнинг халқаро нуфузини юксалтириш йўлида тарбиялашни мақсад қилган ЎзМТДП ўз фаолияти давомида келажагимиз эгаларини Ватанимиз равнақига камарбаста авлод сифатида камол топтиришга ҳисса қўшади.

У. АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
35 (407) 2016 йил 1 сентябрь, пайшанба

Мустақиллик — менинг тақдиримда

Истиқлол имкониятлари фаол ёшларга қанот бўлаётир

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати эртамиз эгаларининг эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, соғлом юя ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун Ўзбекистон ёшлари "Мана шу муқаддас тупроқ меники, бу ерда ота-боболаримнинг хоки ётибди. Агар шу мусаффо осмон, шу эркин ва ёруғ ҳаёт, мана шу муқаддас Ватанни мен ҳимоя қилмасам, ким ҳимоя қилади?!" деган эзгу юя ва эътиқод билан яшамоқда. Минглаб йигит-қизларнинг таълим, илм-фан, маданият, санъат, спорт ва бошқа кўплаб соҳаларда мамлакатимиз ҳамда жаҳон миқёсида улкан ютуқларни қўлга киритаётгани уларнинг келажакка ишончи мустаҳкамлигидан, жамиятимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганидан далолатдир.

Дастурий мақсадларида, амалий саъй-ҳаракатларида ёшлар манфаатлари устувор аҳамият касб этадиган сиёсий куч — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз фаолияти давомида давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатини амалга оширишга кўмаклашиб келаётир. Бугун партиямиз аъзоларининг 53 фоизга яқинини ёшлар ташкил қилади. Партиянинг қатор лойиҳа ва танловлари воситасида юртимизнинг турли ҳудудларидан истеъдодли, билимли, салоҳиятли йигит-қизлар кашф этилмоқда. Партия ташкилотларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ҳам кўпчилиги шижоатли, янги юя ва таклифларни илгари сурувчи, ташаббускор ёшлардан иборат. Бундан ташқари, айни пайтда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг қарийб 40 нафарини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Улар мамлакатимизда яратилган имкониятлардан бахраманд бўлиб, ўз салоҳиятини ҳудудлар тараққиёти, аҳоли манфаатлари ҳимояси йўлида намоён қилаётган вакил сифатида қизғин фаолият олиб бормоқда.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ёш вакилларимизнинг бир гуруҳи билан суҳбатимиз истиқлол неъматларининг улар ҳаёти ва фаолиятидаги ифодаси, ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида бўлди.

Умида ҚОДИРОВА,
Термиз туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактаби директор ўринбосари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси:

— Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунларидан фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт, деган эзгу ғояни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ўтган йилларда бу олижаноб мақсад йўлида кўлами ва аҳамияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун барча зарур шароитлар яратилди. Замонавий таълим муассасалари, спорт иншоотлари, тиббиёт ва соғломлаштириш масканлари ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Истиқлол фарзандлари камолоти халқаро мусобақаларда яққол намоён бўлаётир. Бугун ўзининг ноёб истеъдоди, улкан салоҳияти билан дунё аҳлини лол қолдираётган, жаҳон илм-фани, ишлаб чиқариш, маданият, санъат ва спорт оламига дадил кириб бораётган, ўз ўрни, ўз овозига эга бундай йигит-қизларни номма-ном санайверсак, адоғига етолмаймиз.

Ёшларнинг замонавий билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Мактабни тамомлаган ўғил-қизлар ўрта махсус таълим тизимига, лицей ва коллеж битирувчилари иш ва ўқишнинг кейинги босқичларига тўлиқ қамраб олинмоқда. Замонавий талаблар даражасида жиҳозланган кўркам билим даргоҳлари, жумладан, 10 мингга яқин умумий ўрта таълим мактаби, 1,5 мингдан ортиқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, 80 дан зиёд олий таълим муассасаси фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этади. Уларнинг манфаатларини таъминлаш, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш учун ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва йигирмадан ортиқ қонунда ёшлар масаласи ўз ифодасини топган.

Мадамин АБДУЛЛАЕВ,
"Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти Хатирчи туман кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси:

— Бугунги мустақиллик ва тинчлик, иш фаолиятимиз ва турмушимиздаги эркинлик, оиламизнинг соғ-саломатлигидан қадрлироқ неъмат йўқ дунёда.

Шу ўринда "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг мустақиллик байрами арафасида "Ўзбекистон: давлат мустақиллигининг 25 йиллиги" мавзуида ўтказган сўрови натижаларига эътибор қаратсак. Унда қатнашганларнинг 99,6 фоизи мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва динлараро тотувлик мустаҳкамланиб бораётгани, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортаётгани, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асослари яратилгани, сўз эркинлиги ва инсон ҳуқуқлари қарор топгани, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шаклланганини истиқлол йилларида эришилган асосий муваффақиятлар сифатида қайд этган.

Дарҳақиқат, мустақиллик халқимизга барча соҳада улкан муваффақиятлар эшигини очди. Ватанимиз тараққиётининг ҳар бир довони ёшларимиз ҳаёти, уларнинг интилишлари, барча соҳада қўлга киритилаётган улкан муваффақиятлари билан боғлиқ. Яқиндагина Бразилиянинг Рио де Жанейро шаҳрида ўтказилган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида спортчиларимиз 4 олтин, 2 кумуш, 7 бронза медалга сазовор бўлиб, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигини яна бир бор исботлади. Бу ўзини шу юрт, шу халқ тақдирига, обрў-эътиборига дахлдор санаган ҳар бир юртдошимизга ғурур бағишлагани ҳам бор гап. Ва энг муҳими, бу йилги Олипия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларимизнинг деярли барчаси мустақиллик йилларида туғилиб ўсган, қишлоқ туманларида вояга етган ёшлар. Рио Олимпиадасида иштирок этган миллий олимпия терма жамоамиз сафида туманимизда туғилиб вояга етган эркин кураш устаси Аббос Раҳмонов ҳам борлиги бизга янада фахр бағишлайди.

Элдор ЭРКАБОЕВ,
Боёвут туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактаби директор ўринбосари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси:

— Мамлакатимизда ўқитувчи касбини эъзозлаш, меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш, уларнинг самарали фаолият юритиши, ишга илмий-ижодий ёндашиши, изланиши учун барча шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Халқимиз азалдан илм-маърифат тарғиботчиси бўлган устозларни эъзозлаб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келади. Бу фазилат мустақилликка эришганимиздан кейин янада юксалиб, янгича маъно-мазмун касб этди.

Зеро, жамиятнинг бугуни ва эртаси, унинг маданий, маърифий, маънавий салоҳияти кўп жиҳатдан таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Таълим тизимидаги ислоҳотларнинг муваффақияти ўқитувчи ва мураббийларнинг фидокорона меҳнатларига боғлиқ. Зеро, ўқитувчиликнинг кўп қиррали, сермазмун, мураккаб фаолияти замирида ёш авлодни баркамол шахс сифатида тарбиялаш, уларга илм-фан сирларини пухта ўргатиш каби муҳим вазифалар ётади.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг деярли барчаси реконструкция қилинди, замонавий андозалар асосида юзлаб янги мактаблар қурилди. Мактабгача таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, "Баркамол авлод" болалар марказлари, спорт, мусиқа ва санъат мактаблари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, уларнинг фаолияти давр руҳига мос тарзда йўлга қўйилди.

Таълим жараёнига юксак касб маҳорати ва тажрибага эга педагогларнинг жалб қилингани, уларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилаётгани, "коллеж — корхона" ҳамкорлиги доирасида ўтказилаётган назарий ва амалий машғулотлар узвийлик касб этаётгани таълим самарадорлигини оширмоқда. Таълим тизимида олиб борилган ислоҳотлар жараёнида ўқитувчи ва мураббийларимизнинг фаолияти ҳам замонга мос равишда такомиллашмоқда. Жумладан, педагоглар изчиллик билан жорий этилаётган инновацион жараёнларда фаол иштирок этиб, фаолиятларида илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан унумли фойдаланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, буларнинг барчаси замирида — дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш мақсади мужассам. Бу эса бизларни ўз вазифамизга янада масъулият билан ёндашишга ундамоқда.

Жегинисбой СУЛТОНМУРОДОВ,
Нукус давлат педагогика институти қорақалпоқ тили ва адабиёти факультети декани муовини, халқ депутатлари Чимбой туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари:

— Президентимиз раҳнамолигида миллатлараро ҳамжиҳатликни асраш, турли миллат ва элатларнинг эмин-эркин яшаши, таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз салоҳиятини юзага чиқариши борасида олиб борилаётган одилона сиёсат халқаро миқёсда ҳам намуна сифатида эътироф этилмоқда.

Бу борадаги эзгу ишлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияда белгилаб берилган қоида ва тамойилларга асосланган. Ушбу ҳуқуқий кафолатлар мамлакатимиз ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминланишида, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилишида, Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этишида, мамлакатимизда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглигига оид моддаларда ёрқин ифодасини топган.

Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган қоида ва тамойилларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани мамлакатимизда 130дан ортиқ миллат ва элат, 16 диний конфессия вакилларининг ҳуқуқлари тўла таъминланаётгани, уларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, ижодий фаолият билан шуғулланиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, анъана ва қадриятларининг эъзозланишида намоён бўлмоқда.

Умумтаълим мактабларида етти тилда билим берилаётгани, кўплаб тилларда газета-журналлар чоп этилаётгани, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар эфирга узатилаётгани мамлакатимиздаги бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитининг амалдаги намунасидир.

Фарзандларимиз эмин-эркин, замонавий шароитларда таълим олмоқда, мустақил юртимизнинг келажагига хизмат қиладиган ва тинчлигимизни кўз қорачиғидек асрайдиган ёшларимиз ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етмоқда.

Буларнинг барчаси мустақиллик шарофатидир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, мустақиллик — борлигимиз, шон-шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир. Шундай экан, ҳар биримиз ўз фаолиятимиз, амалий ишларимиз билан юрт равнақига ҳисса қўшишимиз лозим. Шундай эмасми?

Умида ҚОДИРОВА:

— Тўғри таъкидладингиз, мустақиллик, Ватан бизга нима берди, деб эмас, балки биз Ватанимизга нима бердик, нима бера оламиз, деб яшашимиз керак. Юртимизда ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор туфайли ёш бўлишимга қарамай, халқ депутатлари туман Кенгашига депутат сифатида сайланиш, мактабда масъулиятли лавозимда ишлаш бахтига муяссар бўлдим. Ушбу имкониятларга жавобан ўз фаолиятим билан ёш авлод тарбиясига, маънавий юксалишига, шунингдек, депутат сифатида аҳолини ўйлантираётган масалалар ечимига, ҳудудимиз ривожига ҳисса қўшишим шарт, деган вазифани ўз олдимизга қўйганмиз.

Фаолиятим давомида туманимиздаги "Қуёшли юрт" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисининг мурожаатлари асосида бир нечта депутатлик сўровини амалга оширдим. Хусусан, марказдан олис бўлган ушбу ҳудуднинг тоза ичимлик суви ҳамда табиий газ билан таъминланишига эришдик. Шунингдек, маҳалла фаоллари билан биргаликда тегишли ташкилот ва мутасаддиларга қилган мурожаатимиз асосида маҳалла ҳудудида тикувчилик цехи ҳамда янги тўйхона бунёд этилди. Бу ҳам янги иш ўринлари ташкил этилиши, ҳам аҳолига қулайликлар яратишга хизмат қилади. Маҳалламизда ташкил қилинган ўқув маркази эса ўқувчиларимизнинг олий ўқув юртларига кириш учун қўшимча тайёргарлик кўришларига имкон яратиш билан бирга, олис марказга қатнамасдан ота-онаси, маҳалла-куй кўзи олдида билимларини мустаҳкамлашларида муҳим аҳамият касб этади.

Мадамин АБДУЛЛАЕВ:

— Маҳаллий Кенгаш депутати ҳамда "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти туман кенгаши вакили сифатида ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларига ҳамоҳанг тарзда туманда спортни ривожлантириш, чекка қишлоқ мактабларида замонавий спорт заллари барпо этиш, ёшларни спорт турларига кенг жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келяпмиз. Жумладан, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳимиз билан бирга Кенгаш сессиясига туман марказида спорт анжомларини жамлаган савдо шохобчаси ёхуд дўкон ташкил этиш масаласини олиб чиқдик ва ушбу масала юзасидан қарор қабул қилинишига эришдик. Бундай дўкон ташкил қилиниши спортчи ўғил-қизларнинг спорт анжомларини вилоят марказидан эмас, ўз ҳудудидан сотиб олишига ёхуд туман миқёсида ўтказиладиган спорт мусобақаларида совриндорларга бериладиган совғаларни ҳам шу ернинг ўзидан олиш имкониятини яратади.

Бундан ташқари, депутатлик фаолиятим давомида ўзим сайланган 26-Учқора сайлов округи ҳудудидаги 32, 39-умумий ўрта таълим мактабларида спорт заллари барпо этиш масаласини "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти туман кенгаши билан ҳамкорликда кўтариб чиқдик. Бу саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетмади. Айни пайтда 39-мактабнинг спорт зали фойдаланишга топширилган бўлса, 32-мактабда эса замонавий спорт зали қурилиши режалаштирилди.

Элдор ЭРКАБОЕВ:

— Маҳаллий Кенгаш депутатларига берилган ваколатлардан унумли фойдаланиб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ҳисса қўшиш, ўз ечимини кутаётган айрим масалаларни ҳал этиб, сайловчиларнинг ишончини қозонишга ҳаракат қилмоқдамиз. Масалан, яқинда "Бобоюрт" маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг мурожаати асосида вилоят "Сувоқава" давлат унитар корхонаси ҳамда туман ҳокими биринчи ўринбосарига ҳудудда ичимлик суви танқислиги масаласи юзасидан депутатлик сўрови юбордик. Мазкур сўров асосида ушбу масала туманнинг манзилли дастурига киритилгани маълум қилинди. Бундан ташқари, ҳудуддаги ички йўлларни таъмирлаш, маҳалла ёшлари учун спорт майдончалари қуриш каби масалаларда ҳам депутатлик сўровлари юборилган. Умуман, бу борадаги барча саъй-ҳаракатларимиз юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш, шу юрт равнақи учун камарбаста бўлишдек эзгу мақсадларга қаратилгани кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Жегинисбой СУЛТОНМУРОДОВ:

— Мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган улкан ютуқ ва марралар ҳақида сўз юритилганда, бошқа муҳим соҳалар қатори таълим тизимида рўй берган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар биринчи навбатда тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, ўз келажагини мустаҳкам пойдевор устига қуришни, жаҳонда ўз ўрнига, сўзига, ҳаёт тарзига эга бўлишни истаган халқ ҳамиша фарзандларининг маънавияти юксак, руҳи пок, эътиқоди бутун, иродаси бақувват бўлиши учун курашади. Уларни турли маънавий таҳдидлар, "оммавий маданият" таъсирларидан ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади.

Бугунги мураккаб ва таҳликали даврда доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, мустақиллигимизни, унинг бебаҳо неъматларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш тобора долзарб аҳамият касб этаётганини ҳар бир юртдошимиз чин дилдан англамоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан олийгоҳимизда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, анжуманлар, дўстлик фестиваллари, олимлар, санъат ва маданият намояндалари, маънавият тарғиботчилари иштирокидаги мулоқотлар, учрашувлар, давра суҳбатларида ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу каби тадбирлар ёшларда соғлом ва мустақил тафаккур, фаол ва қатъий фуқаролик позицияси янада мустаҳкамланишида, Ватан, жамият, элу юрт истиқболи олдидаги бурч ва маъсулиятни теран англашга хизмат қилаётир.

Халқ депутатлари Чимбой туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ҳам мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ҳудудлардаги масалаларга ечим топишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга интилмоқда. Партия гуруҳимиз ташаббуси билан халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси йиғилишларида ҳудуддаги маданий мерос объектлари муҳофазаси, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури, Шаҳарсозлик кодексининг ҳудуддаги ижроси каби масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди. Бундан ташқари, электорат мурожаатлари асосида тумандаги турли ижтимоий масалаларга доир депутатлик сўровлари юборилиб, сайловчилар ишончини мустаҳкамлашга интиляпмиз.

Мухтасар айтганда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ёш депутатларимиз истиқлол инъом этган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз ваколатлари доирасида ҳудудлар ривожи, аҳолини қизиқтираётган масалаларга ҳисса қўшишга интилмоқда. Шунингдек, улар ҳам депутатлик, ҳам касбий фаолияти билан партия дастурий мақсадлари ижросини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Давлат дастури — амалда

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари

янги истеъдодларни кашф этаётир

Инсоннинг маънавий юксалиши ва камолотида мусиқа санъатининг ўрни беқиёс. Миллий мусиқа санъатини тарғиб қилиш ва янада ривожлантириш, айниқса, болалар мусиқа ва санъат мактаблари зиммасига катта масъулият юклайди.

...Пойтахтимиздаги Зиё кўчасидан ўтиб қолсангиз, мафтункор мусиқа садолари қулоғингизга чалинади. Ғижжакнинг сирли оҳанглари, найнинг соҳир нолаларини эшитган ҳар қандай инсоннинг қалби тўлқинланиб кетади. Бу ерда Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи жойлашган. Биз ҳам қизиқиш устунлик қилиб мазкур мактаб остонасидан ҳатлаймиз...

Бу ерга киришингиз билан сизни буткул ўзга олам чулғаб олади. Болаларнинг бири доира, бошқаси пианино чалишни ўрганяпти. Фортепьянода куй ижро этаётган қизалоқнинг жажжи бармоқлари шитоб билан клавишларни босади...

Бугун юртимизда жаҳон андозаларига тўла мос келадиган қарийб 400 болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолият юритмоқда. Ушбу масканларда ўғил-қизларимиз мусиқанинг қатор йўналишлари ҳамда ижрочилик маҳорати бўйича таҳсил олмоқда. Қувончлиси шундаки, улар нафақат мамлакатимиз, балки нуфузли халқаро танловларда ҳам муваффақиятли иштирок этяпти.

— Мамлакатимизда мусиқа таълимини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор самарасида ҳар йили ўнлаб янги истеъдод соҳиблари кашф этилаётир, — дейди лицей директорининг ўринбосари Шокиржон Худойбердиев. — Хусусан, 2015-2016 ўқув йилида Италия, Франция, Греция, Россия, Қозоғистон каби давлатларда бўлиб ўтган халқаро танловларда 157 нафар ўқувчимиз муваффақиятли иштирок этиб, Гран при ва турли совринли ўринларни қўлга киритдилар. Айни пайтда бу ерда 964 ўқувчи ўзбек халқ чолғулари, фортепьяно, анъанавий хонандалик, дамли созлар, хор-дирижёрлик, камонли-торли чолғулар, эстрада ижрочилиги йўналишларида ўнлаб малакали ва тажрибали мураббийлар, маданият ходимлари, халқ таълими аълочиларидан сабоқ олмоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тўлов тизими такомиллаштирилиб, ота-оналарга катта қулайлик яратилди. Агар бир оиладан икки ёки ундан ортиқ бола шу соҳа бўйича таълим олса, уларнинг ҳар бирига белгиланган бадал тўловининг 70 фоизи миқдорида ҳақ тўланади. Халқаро ва республика танловлари ғолиблари бир йил муддатга тўловдан озод этилади. Бу эса истеъдодли ўқувчиларни янада рағбатлантириш учун кенг имкониятдир.

Мамлакатимиз санъат ва маданияти йўналишида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самаралари нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўтказилаётган маданий тадбирларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, лицей ўқувчиси Машҳура Азизова хорижда бўлиб ўтган танловларда муваффақиятли иштирок этаётган ёшлардан бири.

—Биз, ёшларнинг ўз истеъдодимизни рўёбга чиқариш учун барча шароит ва имконият яратилган, — дейди ёш пианиночи.—Устозларим берган сабоқлар самарасида Францияда бўлиб ўтган халқаро танловда биринчи ўринни эгалладим. Ишонасизми, саҳнада турибману кўз ўнгимда ота-онам, устозларим, бетакрор юртимизнинг сўлим масканлари бирма-бир ўта бошлади. Ҳакамлар ҳайъати мени 1-ўринга лойиқ кўришганини эшитганимдаги қувончимни тасвирлашга тил ожизлик қилади. Бельгия, Буюк Британия, Германия, Канада, Жанубий Корея, Швеция, Латвия, Литва сингари мамлакатларнинг ёш созандалари қатнашган бу каби танловлар ўз билимимизни бойитиб бориш билан бирга ёш авлод камолоти йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг қадрига етиш, уларнинг моҳиятини теранроқ англаш имконини беради.

Дарҳақиқат, мусиқа ва санъат навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан баркамол вояга етказишда бебаҳо манбадир. Истиқлол берган имкониятлар туфайли мамлакатимизда болалар мусиқа санъати ҳам юксак поғонага кўтарилди. Буни Машҳура каби изланувчан ўғил-қизларимиз қўлга киритаётган ютуқлар яққол тасдиқлаб турибди.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Сиҳатгоҳ

Кексалар эъзозда

Юртимизнинг ҳар бир ҳудуди наинки ўзига хос табиати, балки шифо масканлари билан ҳам машҳур. Жиззах вилоятидаги "Маржон суви" уруш ва меҳнат фахрийлари республика санаторийси ана шундай масканлардан.

Ғаллаорол туманининг хушманзара Лалмикор қишлоғида жойлашган мазкур маскандаги сув кексалар саломатлиги учун ғоят фойдали бўлган маъданларга бой. Масканнинг "Маржон суви" деб аталиши бу ердаги маъданларга бой булоқ суви билан боғлиқ. Сув таркибида инсон саломатлиги учун фойдали бўлган гидрокорбонат, натрий, магний каби элементлар мавжуд. Бу масканга келувчилар булоқ суви ва кўплаб фойдали муолажалар орқали шифо топмоқда.

— Илгари бу ер стадион бўлиб, бир чеккасидан булоқ суви чиқарди, — дейди сиҳатгоҳ ходими Тоҳир Шарифбоев. — Футбол ўйнаганимизда, ўқитувчимиз "чанқасаларинг ҳам бу сувдан ичманглар, жуда бўлса бир қултум ичинглар" дерди. Кейинчалик мутахассислар булоқ сувини текшириб, шифобахш эканлигини аниқлашди. Уч-тўрт хонали коттеж қурилиб, аҳолига хизмат кўрсатилди. Кейинроқ санаторий биноси қурилиши бошланди, бироқ маълум сабабларга кўра қолиб кетди. Шунда ҳам қулайликларсиз маҳаллий аҳолига хизмат кўрсатиб турилди.

Юртимиз истиқлолга эришгач, барча жабҳа қатори соғломлаштириш ва дам олиш муассасаларига ҳам эътибор қаратилди. Мазкур сиҳатгоҳ ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 июндаги фармойишига асосан тубдан қайта реконструкция қилинди. "Маржон суви" уруш ва меҳнат фахрийлари санаторияси сифатида иш бошлади.

— Айни пайтда бу ерда юртимизнинг турли ҳудудларидан келган отахон ва онахонлар дам олиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда, — дейди санаторийнинг бош шифокори Сайфулла Мамаюсупов. —Уларнинг мазмунли дам олиши, саломатлигини тиклаши учун барча шарт-шароит яратилган. Шифобахш сув билан бирга, замонавий тиббий ускуналар ёрдамида ҳам керакли муолажалар олиб борилади. Хусусан, муассасада бўғим, асаб тизими хасталикларини маъданли сув, балчиқ, игнатерапия каби самарали усуллар билан даволаш ва соғломлаштириш учун замонавий шароит яратилган.

Сиҳатгоҳ 110 ўринга мўлжалланган бўлиб, дам олишга келган юртдошларимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида муассасамизнинг 91 ишчи-ходими ўз вазифасини чин дилдан бажармоқда. Бу ерда дам олувчилар учун спорт ўйинлари ҳам ташкиллаштирилган. Хусусан, шахмат-шашка, сузиш,енгил атлетика учун ҳам имкониятлар мавжуд. Шунингдек, тўрт фаслни ўзида мужассамлаштирган қишки боғ, "Маънавият ва маърифат" хоналари дам олувчилар ихтиёрида.

"Маржон суви" маскани йил давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудидан келган меҳнат фахрийлари билан гавжум. Пиру бадавлат отахон ва онахонларимиз тиббий хизмат ва қулайликлардан баҳраманд бўлиб, маданий ҳордиқ чиқариш учун яратилган шароитлардан мамнун.

Жалил НОРОВ,
меҳнат фахрийси

Тадбир

Иқтисодий манфаатлар ҳимояси таъминланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида мустақиллик йилларида божхона органларида эришилган ютуқларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари Г.Шукуров ва бошқалар истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодий манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий божхона хизмати шаклланганини алоҳида таъкидлади.

Миллий божхона хизмати тизими самарадорлигини ошириш, соҳани янада такомиллаштириш, ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Давлат божхона қўмитасида ахборот тўплаш, унга ишлов бериш, таҳлил қилиш, сақлаш ва узатиш бўйича кўплаб автоматлаштирилган ахборот тизимларининг ишлаб чиқилгани ва жорий этилгани самарасида рухсат бериш тартиб-таомиллари оптималлаштирилди, товар ва транспорт хизматлари ҳаракатлари назорат қилиниб, ташқи савдо муносабатлари иштирокчилари учун қулайликлар яратилмоқда.

Бу борадаги аксарият лойиҳалар "электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш ва ривожлантириш доирасида ҳаётга татбиқ этилаётир. Масалан, "Божхона" ахборот тизимлари комплекси товарларни божхонада бир кунда расмийлаштириш ва бошқа тегишли хизматлар кўрсатиш, товарларни электрон шаклда рўйхатга олиш ҳамда экспорт-импорт шартномаларини қайд этиш имконини бермоқда.

Божхона хизмати ходимлари мамлакатимиз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Жорий йил бошидан буён улар давлат бюджетига 3,4 триллион сўм келиб тушишини таъминлади. 11,5 мингта қонунбузарлик ҳолатининг олди олиниб, қиймати 43 миллиард сўмлик товар-моддий бойликлар мусодара қилинди.

Анжуман доирасида Давлат божхона қўмитасининг бир гуруҳ илғор ходимларига "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони топширилди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Ўз мухбиримиз

РЕКЛАМА

"ХОРАЗМ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ" АЖ ЖАМОАСИ

изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган серқуёш диёримиз аҳолисини Ватанимиз

мустақиллигининг 25 йиллик

байрами билан самимий табриклайди.

ХАЛҚИМИЗ ДАСТУРХОНИ ТЎКИН-СОЧИН БЎЛИБ, ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ БУНДАН-ДА ГУЛЛАБ-ЯШНАСИН!



УРГАНЧ ШАҲРИДАГИ "ОБИ ҲАЁТ ИНЖИНИРИНГ" 25 йил

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Барча юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз айём–

Мустақиллик куни

билан чин дилдан табриклайди.

Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда омад ва муваффақият ёр бўлсин!

MILLIY TIKLANISH
35 (407) 2016 йил 1 сентябрь, пайшанба

Туризм

Серқуёш воҳа

сайёҳларни чорлайди

Буюк ипак йўлидаги йирик илм-фан ва маданият маркази сифатида жаҳонга танилган қадимий Сурхон замини истиқлол шарофати билан янада тараққий этиб бормоқда. Воҳанинг бой тарихи, ноёб осориатиқалари, мафтункор табиати, жозибаси ва гўзаллиги кишини ўзига ром этади. Давлат дастурлари ва ҳукумат қарорлари асосида ҳудуд инфротузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бой маданий ва иқтисодий имкониятлар ортиб, сайёҳлик соҳаси ҳам изчил ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ воҳада туризм ва туристик инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий сайёҳлик хизматлари халқаро бозорларга фаол кириб бораётир.

— Соҳага қаратилаётган эътибор туфайли вилоятимизга келаётган сайёҳлар сафи кенгаймоқда, — дейди "Ўзбектуризм" миллий компанияси Сурхондарё минтақавий бўлими бошқарувчиси Шуҳрат Ибрагимов. — Илгари сайёҳларга фақат Термиз шаҳридаги меъморий обидалар кўрсатилган бўлса, бугун уларга вилоятнинг тарихий-маданий ёдгорликлари, муқаддас зиёратгоҳлари, халқ амалий ва тасвирий санъат музейлари, ҳунармандчилик намуналарини ўз ичига олган туристик йўналишлар таклиф этилмоқда. Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган изчил ислоҳотлар самарасида ҳудуддаги барча тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар обод бўлди. Термиз туманидаги Султон Саодат, Қирққиз қальаси, Кокилдор ота, Фаёзтепа, Денов туманидаги Саид Оталиқ, Шеробод туманидаги Исо ат-Термизий, Қумқўрғон туманидаги Искандар кўприги тарихий ёдгорликларига сайёҳлик ташкилотлари кўмагида хорижий ва маҳаллий сайёҳлар кенг жалб қилинмоқда.

"2016-2017 йилларда Сурхондарё вилоятида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлар дастури"га асосан туризм саноатини замон талаблари даражасида ташкил этиш, меҳмонхона ва транспорт инфратузилмасини яхшилаш ҳамда соҳани изчил ривожлантириш бўйича кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Жорий йилда дастур доирасида Сурхондарё вилоятидаги Ҳаким ат-Термизий ёдгорлиги мажмуасидаги Қалъа деворида, Термиз археология ва вилоят ўлкашунослик музейларида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари бажарилмоқда. Термиз шаҳрида янги 700 ўринли санъат саройи қурилишини якунлаш, болалар қўғирчоқ театрида реконструкция ишлари давом эттирилмоқда. Жорий йил дастуридан 11 маданият ва аҳоли дам олиш марказини капитал таъмирлаш ҳамда реконструкция ишларини якунлаш, Термиз шаҳрида ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаларини ўтказиш учун "Ҳунармандлар маркази"ни қуриш ҳам режалаштирилган.

Меҳмонхоналар ва сайёҳларни жойлаштириш бўйича янги мажмуаларни қуриш, мавжудларини қайта таъмирлаш бўйича ҳам амалий ишлар бошланган. Хусусан, Термиз шаҳрида 80 ўринли, тўрт юлдузли янги меҳмонхона ва унинг қошида 100 ўринли ресторан қурилиши ишларини бошлаш учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг вилоят бўлимидан кредит олинди. Лойиҳа ташаббускори лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқди. Бугун таъмирлаш ишлари бошланиш арафасида. Шунингдек, Термиз шаҳридаги "Премиум проф", "Термиз Плаза" меҳмонхонаси, Олтинсой туманидаги Хўжаипок ота зиёратгоҳи ёнида 60 ўринли меҳмонхона қурилиши шулар жумласидан.

Сайёҳлик фаолиятининг асосий баҳолаш мезонлари — меҳмонхоналар, улардаги шарт-шароитлар ва хизмат кўрсатиш сифатининг даражаси билан боғлиқ. Мустақилликкача шароити ҳаминқадар меҳмонхона мавжуд бўлган Термизда бугун ўнлаб бир-биридан шинам, замонавий меҳмонхоналар сайёҳларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

— Юртингизда туризм соҳасига катта эътибор қаратилаётганини жойларда олиб борилаётган кенг кўламли ишларда ҳам кўриш мумкин, — **дейди Малайзиянинг сайёҳлик бўйича етакчи эксперти, профессор Датуком Сери Виктор Вии Энг Лие.** — Бунга сайёҳлик делегациямиз билан воҳадаги қатор ёдгорликларда, хусусан, Фаёзтепа, Зурмала — Термиз минораси, Кампиртепа қалъасида гувоҳ бўлдик. Бу жойларни дунё аҳли, албатта, бир келиб кўриши керак. Айниқса, малайзиялик сайёҳлар учун бу жуда қизиқдир.

Вилоятда сайёҳликни янада ривожлантириш мақсадида Термиз давлат университети қошида Туризм илмий маркази ташкил этилди. Унда олимлар, мутахассислар ва амалиётчилар жамланган. Улар сайёҳлик журналлари, буклетларни чоп этиш ва веб-сайт саҳифаларини бойитиш билан машғул.

Айни пайтда вилоятда эктуризмни ривожлантириш бўйича ҳам янги имкониятларни ишга солиш режалаштирилмоқда. Термиз туманидаги Учқизил кўли атрофида сайёҳлик мажмуасини яртиш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шеробод туманидаги "Сурхон" қўриқхонасида жойлашган "Шалқон" оромгоҳида ноёб ҳайвонларни томоша қилиш учун барча қулайлик мавжуд.

Олтинсой туманидаги Хўжаипок қишлоғида жойлашган Хўжаипок ота зиёратгоҳига бораётган сайёҳлар учун қадимий қора уйлар (ўтовлар)ни тиклаш, уни ҳудуднинг одатлари асосида жиҳозлаш сайёҳларда катта қизиқиш ва таассурот уйғотади. Бундай манзилгоҳларни Сариосиё туманидаги Сангардак шаршараси ёнида, Шеробод туманидаги Исо ат-Термизий ёдгорлик мажмуаси атрофида, Бойсун тумани қуйи Мачай қишлоғида Тешиктош мажмуасига бораётган сайёҳлар учун ҳам ташкил этиш мўлжалланган. Бу ерда сувенирлар, ҳунармандчилик ва амалий санъат буюмлари кўргазмалари ва савдосини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Сурхон воҳасидаги сайёҳлик тузилмалари турли кўргазмаларда мунтазам қатнашиб келади. Хусусан, жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Ипак йўли таомлари" ярмаркасида вилоят вакиллари фаол иштирок этиб, воҳага хос миллий таомларни намойиш этишди. Вилоятнинг бой тарихий-маданий меросини тарғиб қилиш асносида хорижий сайёҳларнинг катта оқимини жалб қилиш учун "Ўзбектуризм" миллий компанияси ва Сурхондарё минтақавий бошқармаси, вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда мамлакатимиздаги қатор дипломатик корпус вакиллари учун Бойсун туманида анжуман ташкил қилинди.

Мухтасар айтганда, юртимизнинг серқуёш ҳудуди ҳисобланмиш Сурхондарё воҳаси бугунги кунда сайёҳликнинг барча турини кенг ва фаол ривожлантириш учун беқиёс масканлардан бири саналади. Юртимиз бой тарихини, маданий меросимизни асраб-авайлаш, янада бойитиш, келажак авлодга етказиш, дунё аҳлига намойиш этиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг устувор мақсад-вазифаларидан саналади. ЎзМТДП сайловолди Платформасида сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлишини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари, умуман, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча хизматларнинг қулайлигини, соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлаш каби устувор вазифалар белгиланган.

Баҳром НОРМУРОДОВ,
журналист

Миллий ғурур

Ишончга муносиб бўлиш бахти

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Бу жиҳатлар кўплаб ёшлар сингари Нодира Дадамуҳамедованинг таълим олиши, истеъдодини юзага чиқаришда ҳам ўз ифодасини топаётир. У етти ёшидан мусиқа билан шуғулланади. В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида пианино чалишни пухта ўрганган Нодира кўплаб нуфузли санъат анжуманлари ва танловларда ғолиб бўлган. Саккиз ёшида Грециянинг Марконоло шаҳрида ўтказилган "Konzerteum" халқаро мусиқа танловида иккинчи ўринни эгаллаган ёш пианиночи кейинчалик Парижда ўтказилган VII халқаро мусиқа кўрик-танловида махсус диплом билан тақдирланди. Бухарестда бўлиб ўтган "Pro-piano Romani" танловида олтин медалга лойиқ топилди. Халқаро миқёсдаги бу эътироф ўзига нисбатан ишончини янада оширди.

Юртимизда ёш истеъдод эгаларига билдирилаётган юксак ишончга муносиб бўлиш масъулияти Нодирани янада кўпроқ изланишга, ўз истеъдодини намойиш этишга ундамоқда. Айни вақтда унинг санъат соҳасида эришаётган салмоқли ютуқларини дунё эътироф этмоқда.

Ёш пианиночи 2006 йил Эстонияда, 2007 йили Португалияда, 2012 йили Руминияда ўтказилган халқаро пианиночилар танловларида фахрли ўринларни эгаллади. Киевдаги "Индивидуалис" халқаро мусиқа танловининг видеотанловида икки бор ғолиб бўлди. Францияда бўлиб ўтган "Париж юлдузлари" халқаро санъат танловида Гран-прини қўлга киритди. 2011 йили Латвиянинг Рига, Беларуснинг Минск шаҳарларида ўтказилган халқаро фестиваллардаги иштироки унинг истеъдодини, мусиқий билимини яна бир бор синовдан ўтказди. Бу каби ижодий беллашувлар унинг иродасини тоблади, истеъдодини янада ривожлантирди.

— Ҳар бир муваффақиятимиз Ўзбекистонимизнинг, бутун халқимизнинг ютуғи эканини ўйлаб фахр-ифтихорга тўламан, — дейди Нодира. — Ёшлар камолотига алоҳида эътибор кўрсатаётган озод ва обод юрт фарзандларига мана шундай юксак марралар муносиб. Шундай табаррук юртда туғилиб ўсганим, шу муқаддас замин, шу азиз Ватан фарзанди эканим энг буюк бахтимдир.

Нодира Дадамуҳамедова 2014 йилда лицейни аъло баҳоларга битириб, имтиёзли равишда Ўзбекистон давлат консерваториясининг талабаси бўлди.

— Талабалик менга янада кўпроқ масъулият юклади, — дейди Нодира. — Санъат соҳасининг ҳақиқий мутахассиси бўлишимни, болалик ортда қолиб, мустақил ҳаётга қадам ташлаётганимни англатди. Ўтган йили Чехиянинг Прага шаҳрида ўтказилган халқаро танловда биринчи ўрин ҳамда махсус соврин эгаси бўлдим. Бу талабаликдаги илк ютуғимдир...

—Мамлакатимиз санъат ва маданияти йўналишида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самаралари нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўтказилаётган маданий тадбирларда ҳам ўз ифодасини топмоқда, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқитувчиси Аселя Юсупова. — Санъаткорларимиз хорижда ўтаётган нуфузли кўрик-танловлар, фестиваллар, ижодий анжуманлар, концертларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Буни Нодира каби ўғил-қизларимиз қўлга киритаётган улкан ютуқлар тасдиқлаб турибди.

Дарҳақиқат, бугун дунё Ўзбекистон ёшларини, истеъдодли фарзандларини яхши танийди. Юзлаб ёшларимизнинг халқаро фан олимпиадалари, танлов ва фестивалларда юқори чўққиларни забт этаётгани, уларнинг шарафига Ватанимиз байроғи баланд ҳилпираётгани ўғил-қизларимизнинг салоҳиятини бутун дунё тан олаётганидан, эзгу ният билан экилган ниҳоллар ўз мевасини бераётганидан далолатдир. Улар эришаётган ютуқлар барчамизга фахр-ифтихор бағишлайди.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

РЕКЛАМА

"MAGNUM MEDIKAL SERVIS"
МЧЖ ЖАМОАСИ

Азиз юртдошларимизни Ватанимиз

Мустақиллигининг 25 йиллик

байрами билан табриклайди.

ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!

РЕКЛАМА

Андижон шаҳридаги
"SABR KO LTD"

жамоаси

барчани мустақиллигимизнинг
25 йиллиги

байрами билан
самимий табриклайди.

Хонадонингиздан
шоду хуррамлик,
меҳр-оқибат,
файзу-барака
аримасин!

Эътироф

Дунё Ўзбекистон муваффақиятларини қутлайди

Қутлуғ байрамимиз — Ватанимиз давлат мустақиллигининг 25 йиллик санаси муносабати билан хорижий мамлакатлар вакилларидан халқимиз номига йўлланган табрикномаларнинг келиши давом этмоқда. Уларда ушбу улуғ айём муносабати билан билдирилган самимий тилаклар ҳамда республикамизнинг замонавий ривожланиши хусусидаги фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган.

Европа парламенти депутати, Европа парламентининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича делегацияси аъзоси Херберт ДОРФМАНН:

— Мен Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти ва, энг аввало, халқ фаровонлигини юксалтириш бўйича мамлакатда ҳаётга тадбиқ этилаётган ислоҳотлардан яхши хабардорман. 2009 йилдан буён Европа парламентидаги фаолиятим доирасида ўзбек ҳамкасбларим билан қатор учрашув ва музокараларда иштирок этиш, республикадаги босқичма-босқич ўзгаришларнинг эътиборга молик натижалари билан танишишга муваффақ бўлганман.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган замонавий ривожланиш стратегияси хом-ашёга асосланган марказлашган иқтисодиётдан бозор муносабатларига ўтиш имконини берди. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон жаҳон майдонида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга, халқаро ҳамкорликни, шу жумладан, Европа Иттифоқи билан ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашга эришди. Биз мамлакатнинг барча муваффақиятларини қутлаймиз.

Республиканинг Европа давлатлари билан ҳамкорлиги ҳақида тўхталар эканмиз, ўзаро алоқалар иқтисодий жабҳада бўлгани сингари таълим, илмий алмашувлар, сайёҳлик соҳаларида ҳам фаол ривожланиб бораётганини қайд этишни истар эдим. Ўзбекистон ишончли ва барқарор шерик ҳисобланади, республика билан кўп қиррали муносабатларга эга бўлиш ва уларни кенгайтириш фавқулодда фойдалидир, деб ҳисоблайман.

Бутун дунёга машҳур бўлган тарихий шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентга ҳар бир европалик бориши, мамлакатнинг бой тарихи ва маданияти билан ошно бўлиши керак.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, ўзбек халқини мамлакат мустақиллигининг 25 йиллиги билан табриклар эканман, янада катта тараққиёт, фаровонлик ва замонавий демократик давлат қуриш йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Бельгия фахрий сенатори, EURISY Европа ассоциацияси президенти Доминик ТИЛЬМАНС:

— Суверен ривожланиш йиллари давомида Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ислоҳотлар олиб бориб, кенг кўламли институционал ўзгаришларга, катта тараққиётга эришди. Қишлоқ жойларда замонавий уйларнинг барпо этилаётгани, мамлакатдаги шаҳарлик бўлмаган аҳолининг яшаш тарзи сифат жиҳатдан янада юқори даражани касб этаётгани республикада олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари кўламларининг катталигидан далолат беради.

Буларнинг ҳаммаси, яъни иқтисодиёт, таълим, қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар, изчил демократик ислоҳотлар, жамият ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш ва модернизациялаш борасидаги натижалар ўзбек халқига мустақил ривожланишнинг 25 йиллик йўли билан ҳақли равишда фахрланиш имконини беради.

Албатта, Ўзбекистон ҳам худди Бельгия сингари ҳали кўп ишларни амалга оширмоғи лозим, чунки эришилган даража катта имкониятлар эшигини очмоқда. Шубҳа йўққи, республикада ҳукм сураётган сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатлик бундан кейинги ривожланишнинг ҳам муҳим омили ҳисобланади. Давлат тўғри йўналишда ривожланаётганига ишончим комил.

Шу боис, юксак марралар қўлга киритилгани билан табрикларимни қабул қилгайсизлар, олдинда турган вазифаларнинг амалга оширилиши йўлида энг эзгу тилакларимни билдираман.

Европа прогнозлаш ва хавфсизлик институтининг катта илмий ходими Патрисия ЛАЛОНД (Франция):

— Мамлакатингизда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этилмоқда, мамлакатнинг замонавий ривожланишида аҳолининг иштирокини фаоллаштиришга ҳамда кенгайтиришга кўмаклашадиган фуқаролик жамияти институтларининг ўрнини мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Аёллар фаоллигини, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда мақомини оширишга кўмаклашадиган салмоқли ўзгаришлар алоҳида эътирофга сазовордир.

Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллик юбилей санаси муносабати билан республика аҳолисини чин дилдан табриклайман ва бардавом тинчлик, кучли фуқаролик жамияти қурилиши йўлида янада катта муваффақиятлар тилайман.

Kulturring in Berlin e.V. ташкилоти аъзоси Зилке ДОБРОНСКИ (Германия):

— Ўзбекистон мустақил ривожланиш йиллари давомида улкан муваффақиятларга эришди. Мамлакатингизда сайёҳликни ривожлантириш бўйича ҳаётга тадбиқ этилаётган чора-тадбирлар ҳам катта эътиборга сазовордир. Бухорода ўтказиладиган "Ипак ва зираворлар" халқаро фестивали ажойиб анъанага айланиб қолгани ҳақидаги маълумотлар менда алоҳида қизиқиш уйғотди. Бундай маданиятлараро анжуманларнинг ўтказилиши хорижий элларда ўзбек халқининг бой меросига бўлган қизиқишни янада оширишга ҳамда маданий мулоқотнинг қўллаб-қувватланишига кўмаклашиши шубҳасиздир. Яқин вақт ичида Бухорога ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларига боришга муайссар бўламан, деб умид қиламан.

Ушбу ажойиб имкониятдан фойдаланган ҳолда, қадрли байрам — Мустақиллик куни билан барча ўзбекистонликларни самимий муборакбод этар эканман, ўзимнинг энг эзгу тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Корея Республикаси Пудратчилар халқаро ассоциациясининг раиси Пак Ки ПУНГ:

— Мамлакатингизда саноатни ривожлантириш, унинг тизимларини янгилаш бўйича эришилган ўзгаришлар менда катта таассурот қолдирди. Республикангизда юқори технологияга асосланган замонавий корхоналарнинг ишга туширилиши, ишлаб чиқаришнинг модернизациялашуви ва диверсификациялашгани алоҳида эътирофга молик. Бу ўзбек иқтисодиёти рақобатбардошлигининг ошишига кўмаклашмоқда. Мамлакатда самарали саъмоявий сиёсат ҳаётга тадбиқ этилаётгани туфайли бундай натижаларга эришиш имкони бўлди, деб ўйлайман.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида яқин ва дўстона алоқалар мавжуд. Жанубий Корея компаниялари газ-кимё заводлари, электростанциялар, инфратузилма объектлари барпо этиш лойиҳаларини амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

Жанубий Кореянинг барча қурилиш компаниялари номидан меҳмондўст ўзбек халқини ғоят муҳим воқеа — Ўзбекистон мустақиллигининг юбилей байрами билан табриклаш мен учун катта шарафдир. Барча ўзбекистонликларга бардавом фаровонлик, бахт-саодат ва мустаҳкам саломатлик тилайман.

Сеул миллий университети ҳузуридаги Осиё тадқиқотлари марказининг директори Шин Бом СУК:

— Суверен ривожланиш йиллари мобайнида Ўзбекистон турли жабҳаларда зўр муваффақиятларни қўлга киритди. Жумладан, республикада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, жамоатчилик ҳаракатлари, бирлашма ва жамғармалар, касаба уюшмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситалари сингари фуқаролик жамиятининг институтларини шакллантириш ва ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий ҳамда моддий-техникавий шароитлар яратилди.

Дўст Ўзбекистон халқини улуғ байрам билан чин қалбимдан табриклайман.

Чжэцзян провинцияси Ташқи ишлар департаментининг директори Йе ЯО (Хитой):

— Кучли ижтимоий сиёсат мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлабоқ мамлакатда амалга оширилаётган тараққиётнинг ўзбек моделидаги муҳим жиҳат ҳисобланади. Ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар эса алоҳида эътирофга сазовордир.

Ўзбекистонда ҳар бир йил муайян ижтимоий йўналишга бағишланиши ўта муҳим вазифаларнинг ҳал этилишига эътибор қаратиш ҳамда муҳим ташаббусларнинг бажарилиши юзасидан давлат ва жамиятнинг диққатини жалб этиш имконини беради, бу мамлакат тараққиётида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. 2016 йил республикада "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилингани ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми бўлди.

Шу нуқтаи назардан, "Save the Children" нуфузли халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олгани бежиз эмаслигини қайд этиш ўринли бўлади.

Ўзбекистон ёшлари ҳамиша жисмонан соғлом, интеллектуаллиги жиҳатидан кучли бўлишини тилайман. Уларга бахту иқбол ва муваффақиятлар доимий ҳамроҳ, мамлакатнинг барча халқига Мустақиллик байрами қутлуғ бўлсин.

"Жаҳон" АА

РЕКЛАМА

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПРОФЕССОР ВА ЎҚИТУВЧИЛАРИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикаси

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИГИ

муносабати билан барчани
чин дилдан қутлайди.

Ёшларда Ватан тақдири, бугуни ва келажагига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, мустақил, янгича фикрлайдиган авлодни вояга етказиш доимий эътиборимизда бўлиб қолаверади.

ЁШЛАР ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ЭГАЛАРИ,
КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ЯРАТУВЧИЛАРИДИР!

Фаолият

Қонун устуворлиги

инсон омилига хизмат қилмоқда

Суд ҳокимияти мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг асосий механизмларидан биридир. Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг қонунчилик асослари мустаҳкамланиб, замон талабларига мувофиқ такомиллаштирилаётгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширмоқда.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Мазкур тизимни ислоҳ қилиш жараёнида, энг аввало, судларнинг мустақиллигини таъминлашга, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб боришга, уни собиқ тузум даврида бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилганидек, суд-ҳуқуқ ислоҳотларида, аввало, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Шу мақсадда суд ишларини юритишнинг процессуал тартибини соддалаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, одил судлов ҳимоясидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, миллий қонунчилигимизни дунё стандартларига, халқаро ҳуқуқ меъёр ва тамойилларига мослаштиришга қаратилган муайян чоралар кўрилди.

Конституциямизнинг 114-моддасида "Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир", деб белгиланган. Ушбу конституциявий қоида ижросини таъминлаш борасида Адлия вазирлиги ҳузурида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди. Мазкур департамент зиммасига суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника билан ҳамда молиявий таъминлаш каби вазифалар юклатилди. Бу эса, ўз навбатида, судларни ўзига хос бўлмаган вазифаларни бажаришдан озод қилиб, судлар чиқарадиган процессуал ҳужжатларнинг самарасини оширишга хизмат қилмоқда.

Суд департаменти ташкил этилиши натижасида унинг жойлардаги ҳудудий бўлимлари ҳамда суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимлари юзага келди. Суд ижрочисининг фаолият доираси аниқ белгиланиб, улар зиммасига судлар ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш асосий вазифа сифатида юклатилди. 2001 йил 29 августда қабул қилинган "Суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунига асосан суд ижрочиларининг фаолият доираси, ижро ҳужжатларини қабул қилишдан бошлаб унинг якуний натижасига қадар амалга оширилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар доираси, суд ижроси мақоми белгилаб берилди.

Суд ижрочиларининг Сергели туман бўлими ҳам ўз фаолияти давомида қонунчиликда белгиланган тартибда муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, 2016 йилнинг биринчи ярмида туман бўлимимиз "Суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 41-моддасига биноан 19,076 та 58,5 миллиард сўмлик ижро ҳужжатлари ижросини таъминлади. Мазкур қонуннинг 62-моддасига асосан 47 та, қарийб 342 миллион сўмлик ижро ҳужжати ташкилотлар тугатиш жараёнида эканлиги сабабли тамомланган. Шунингдек, муайян суммадаги 1086 та ижро ҳужжати қарздорнинг иш ҳақи ва бошқа турдаги даромадларидан ушлаб қолиш учун юборилди.

Мухтасар айтганда, соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, амалий саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, эркинликларини мустаҳкам ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Гайрат УСМОНОВ,
Суд ижрочилари Сергели туман бўлими бошлиғи, катта суд ижрочиси

MILLIY TIKLANISH
35(407) 2016 йил 1 сентябрь, пайшанба

Асарларда юрт мадҳи

Гулу райҳонлар экилган шинамгина ҳовли саҳнида супа. Тепада сўри. Хонадон соҳибининг меҳри ва меҳнати ҳосили — ишкомдаги узумлар донадона парваришланган...

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда Соғлом она ва бола йилига бағишланган бадиий кўргазмада халқимизнинг мана шундай гўзал турмуш тарзи, тарихи, қадимий қадриятлари, бугунги замонавий қиёфаси билан юзма-юз келасиз.

"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган мазкур кўргазмада мамлакатимиз тасвирий санъати ривожига катта ҳисса қўшаётган мўйқалам соҳиблари билан бирга, ёш рассомларнинг асарлари ҳам ўрин олган.

Бадиий академия раиси А.Нуриддинов ва бошқалар юртимизда истиқлол йилларида ёшлар камолоти йўлида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар миллий тасвирий санъатимизнинг янада равнақ топишида ҳам ёрқин акс этаётганини таъкидлади.

Мазкур кўргазмада рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, амалий санъат асарларига кенг ўрин берилган. Бу ерда Қутлуғ Башаров, Саъдулла Абдуллаев, Малик Набиев, Анвар ва Акмал Мирсоатовлар, Ғафур Қодиров, Акмал Нур, Дилором Мамедова, Флорида Гамбарова, Владимир Чуб, Файзулла Аҳмадалиев, Нуриддин ва Аслиддин Калоновлар, Янис Салпинкиди ва бошқа мусаввирларнинг ижод намуналари мухлислар эътиборига ҳавола этилган.

Кўргазма экспозициясида Бадиий кўргазмалар дирекцияси фондидан олинган ретроспектив асарлар, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти битирувчиларининг диплом ишларига ҳам жой ажратилган. Кўргазманинг алоҳида бўлимида эса Амир Темур, Бобур, Аҳмад Фарғоний, Нодирабегим каби тарихий шахсларнинг сиймоси акс эттирилган ҳайкалтарошлик асарлари намойиш этилмоқда.

Бадиий кўргазма доирасида Ўзбекистон халқ устаси, моҳир кулол Маҳмуджон Мамажонов ижоди намуналари санъат мухлислари эътиборига ҳавола этилган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

"АСАКА" БАНК

Сиз азизларни барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз байрам — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни билан чин юракдан муборакбод этади!
Сизга мустаҳкам соғлиқ, омад ва муваффақиятлар тилаймиз!
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз ҳамиша фаровон бўлсин!

Байрам муносабати билан миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:

"МУСТАҚИЛЛИК – 25"

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлар сир сақланишини тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

"Асака" банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган

БАРЧА ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ

РЕКЛАМА

"IPOTEKA BANK" АТИБ

Навоий вилоят филиали жамоаси

Ўзбекистон халқини ва банкимиз мижозларини Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги билан муборакбод этади.

Бахту саодат, омад ва зафарлар сизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Хизматлар лицензияланган

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Камқонлик асорати – жиддий дард

Камқонлик хасталиги, асосан, туғиш ёшидаги аёллар, ўсмирлар ва болаларда учрайди. Хасталик сабаб инсон иммунитети пасаяди. Айниқса, камқонлик сурункали гастрит (меъда яллиғланиши), колит (йўғон ичак яллиғланиши), дуоденит (ўн икки бармоқли ичак яллиғланиши) каби меъда-ичак тизими хасталиклари, бавосил ва бошқа сабаблар туфайли тез ривожланиши кузатилган. Бу касаллик болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ва интеллектуал ривожланиши, иш ва ўқиш қобилиятини кескин пасайтириб юборади. Аёллар ва болалар организмида темир моддасининг етишмаслиги сабабли ҳам камқонлик ривожланади. Чунки уларда бу моддага бўлган эҳтиёж эркакларга нисбатан 3-5 баробарга кўпроқ. Темир моддаси қон ишлаб чиқариш, ҳомиланинг ривожланиши, кўкрак сути ҳосил бўлиши, болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишида жуда кўп сарфланади.

Темир етишмовчилиги пайтида беморлар кесак, чой шамаси, хамир, хом макарон ва гуруч, қоғоз каби маҳсулотларни истеъмол қилгиси келади. Бундан ташқари, хаста кишиларга бўёқ, ацетон, бензин, керосин, тутун, зах ҳидлари ёқадиган бўлиб қолади. Бу ҳолат марказий асаб тизимининг темир танқислиги билан кечувчи кислород етишмовчилиги ва сенсор функциялар бузилиши оқибатидир. Дардманд одамнинг тирноқлари мўрт, ғадир-будир бўлади. Улар қийшайиб, парчаланиб ва юпқалашиб қолади. Хаста инсоннинг хотираси пасаяди, бош айланиши кузатилади, қуввати қамаяди, тез чарчайди. Унинг иш қобилияти ва иштаҳаси кескин пасайиб кетади. Камқонликнинг оғир даражасида беморнинг юз ранги оқариб, хасталикка мойиллик кузатилади. Бемор таркибида темир моддаси мавжуд дори воситаларини истеъмол қилгандан сўнг 2-3 ҳафтада касаллик белгилари қайд этилмайди.

Тўғри овқатланиш темир етишмовчилигининг олдини олишда жуда муҳимдир. Инсон ҳаёти давомида темир моддаси ва витаминларга бой озиқ-овқатлар истеъмол қилиши лозим. Ингибитор (чой, қаҳва, сунъий бўёқли, газли ичимликлар)ларни камроқ ичиш зарур. Чунки улар овқатдаги темир моддасининг сўрилишига тўсқинлик қилади. Овқатланиш вақтида ингибиторлар истеъмол қилинса, улар озиқ-овқат таркибидаги темир моддасининг сўрилишига халақит беради. Ҳўл мевалар, сабзавотлар, кўкатлар эса (С витамини орқали) темир моддаси сўрилишини тўрт баробарга оширади. Шу боис овқатланиш вақтида чой ичиш тавсия этилмайди. Уни овқатланиб бўлгач, икки соатдан кейин ичиш зарур. Чой ўрнига қайнатилган, газсиз минерал сув, мева шарбатлари, наъматак ёки қуруқ мевалардан дамламалар истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Мева-сабзавотларни эса кўпроқ истеъмол қилиш керак. Улар темир моддасининг организмга сўрилишини яхшилайди.

Дуккаклилар, ёрмалар темир моддасига бой озуқалардир. Шунинг учун ҳам улар гўшт ўрнини бемалол боса олади. Лекин бу маҳсулотларни ҳам ингибиторлар билан бирга истеъмол қилмаган маъқул. Шакар, новвот ва ширинликлар организмда гемоглабинни кўпайтирмайди. Чунки, уларда темир моддаси ва витаминлар йўқ. Аксинча, улар иштаҳани пасайтиради. Шунингдек, тишлар кариесга чалинади. Эмизикли болаларда эса аллергия ва диатез (чилла яра)ларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлади.

Камқонликни бартараф этишда тўғри ва сифатли овқатланиш, бемор тўйиб ухлаши ҳамда уни стресс (руҳий зўриқиш), депрессия (тушкунлик)дан асраш алоҳида аҳамиятга эга. Хаста инсон таркибида темир моддаси мўл бўлган маҳсулотлар — мол, қўй, товуқ жигари, буйраги, юраги, тил, гречка, майиз, олхўри, олма, нок, туршак, анжир ва шафтоли қоқи, исмалоқ, лавлаги, ловия, балиқ, нўхат, мош, жўхори, ялпиз, ерёнғоқ, ёнғоқ, бодом, кунгабоқар (писта) каби маҳсулотларни, таркибида С дармондориси мўл цитрус мевалар, булғор қалампири, карам, кўк пиёз, саримсоқпиёз, ошковоқ, помидор, сабзи, қулупнай, малина, тарвуз, ковун каби мева-сабзавотларни тез-тез истеъмол қилишлари зарур.

БИЛАСИЗМИ?

- Шакар қулупнайдан кўра лимонда кўпроқ.

ТУРФА ОЛАМ

273 тангадан иборат хазина

Озарбайжоннинг Жалолобод туманида жойлашган Узунтепа қишлоғида олиб борилган қазилма ишлари давомида XII асрга оид мис тангалар топилди.

Озарбайжон миллий фанлар академиясининг маълумотларига қараганда, тангалар рўзғорда фойдаланилган кўзада сақланган. Хазина 273 мис тангадан иборат бўлиб, Озарбайжон миллий фанлар академиясининг Радиация муаммолари институтининг радиокимё лабораториясида тозаланди. Профессор Али Ражаблининг сўзларига қараганда, тангалар салжуқийлар ҳукмдори Арслоншоҳ (1161-1176) даврида — XII асрда зарб этилган.

Узунтепа яқинидаги қазилма ишлари 2011 йилдан буён олиб борилмоқда. Қадимшунослар бундан аввал бу ердан турли рўзғор буюмлари, хусусан, сопол идишлар, тангаларни топиб олган эди. Мазкур топилма бу ердан топилган энг йирик хазинадир.

Ш.ГАФФОРОВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 925, Адади — 5053. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Дилфуза РЎЗИЕВА
Навбатчи: Аҳмад ЮСУПОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 22.10.
Ўза якуни — 21.00.
ISSN 2010-7714
12345

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

36 (408) ● 2016 йил 3 сентябрь, шанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Азиз ватандошлар,

Юрагимизда чуқур қайғу билан барчамиз учун қадрли бўлган Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов вафот этганини маълум қиламиз. Ислом Абдуғаниевич 2016 йил 2 сентябрда Тошкент шаҳрида бош мияда қайта тикланмайдиган ўзгаришларга ва полиорган етишмовчилигига олиб келган мия қон айланишининг ўткир бузилиши (инсульт) оқибатида вафот этди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳақиқатан буюк тарихий шахс эди. Ислом Каримовнинг қатъияти ва жасорати билан республикамиз мустақилликка эришди ва ўз тараққиёт йўлида улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Ёш давлатимиз учун ғоят мураккаб ва масъулиятли даврда вазият беқарорлашувининг олди олингани ва халқимизнинг уруш даҳшатларини кўрмасдан эсон-омон ўтиши бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ.

Халқимизнинг чексиз муҳаббатини қозонган, мустақил мамлакатимизнинг Биринчи Йўлбошчиси Ислом Абдуғаниевич Каримов қалбларимизда абадий қолади ва келажак авлодлар хотирасида тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва тараққиёт раҳнамоси, буюк давлат арбоби сифатида мангу яшайди.

Барчамиз учун қадрли бўлган Президентимизнинг васиятига кўра, Ислом Каримов шу йил 3 сентябрда ота-онаси мангу қўним топган она шаҳри Самарқандда мусулмон урф-одатларига биноан дафн этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти билан видолашув маросими 2016 йил 3 сентябрда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади.

Биз барчамиз учун ўта оғир жудолик муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва бутун Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ

Ватанимиз, бутун ўзбек халқи ўта оғир жудоликка учради. Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Иолом Абдуғаниевич Каримов шу йил 2 сентябрь куни оғир касалликдан сўнг вафот этди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Ўрта Осиё политехника институти ва Тошкент халқ хўжалиги институтини муҳандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликлари бўйича тугатди.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида бошлади. 1961 йилдан 1966 йилгача Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтиб, мутахассисликдан Республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1983 йилда Ўзбекистон ССР Молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

У 1986-1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби лавозимида ишлаб, ўзининг катта раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилияти, фидойилиги ва қатъияти, эл-юрт дардини, одамларнинг ташвиш ва муаммолари, уларнинг талаб ва манфаатларини юракдан ҳис қилиши билан ғоят оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволга тушиб қолган вилоятдаги вазиятни қисқа вақт ичида тубдан ўзгартиришга эришди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1989 йилнинг июнидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланди.

Ўша пайтда республикамиз фуқаролар уруши, қон тўкиш, миллатлар ва конфессиялараро можаролар ёқасида турган эди. Воқеаларнинг худди шундай ривожи кўшни мамлакатларда амалга оширилган эди. Ана шундай ўта оғир даврда у ўзининг воқеаларни олдиндан кўра билиш қобилияти, кучли иродаси ва қатъияти билан халқимиз ва мамлакатимизни шундай ачинарли қисматдан сақлаб қолди.

Айнан ўша даврда халқимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов тимсолида мард, букилмас ирода эгаси ва содир бўлаётган фавқулодда мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини давлат манфаатлари нуқтаи назаридан кўра оладиган, ўз Ватани ва халқи, ҳар бир юртдошининг тақдири учун алоҳида масъулиятни ҳис эта оладиган ҳақиқий раҳбарга эга бўлди.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди. 1991 йил 29 декабрда муқобилсиз асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти этиб сайланди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 25 йил давомида мустақил Ўзбекистонни бошқариб, очиқ фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қурилишнинг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва уни амалга оширган буюк давлат арбоби сифатида мамлакатимизда ва халқаро майдонда юксак обрў-эътибор қозонди.

Ўзбекистоннинг суверенитети ва мустақиллигини сақлаш ва мустаҳкамлаш Президент Ислом Каримов учун ҳамиша энг олий устувор вазифа бўлиб келди ва у олиб борган сиёсатнинг асосий ўзак тамойили бўлиб қолди.

Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган барча оламшумул ютуқлар ва натижаларни мамлакатимизнинг Биринчи Президенти номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ деб билади.

У ҳақли равишда демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўла жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муаллифи бўлиб, уни ҳаётга амалий жиҳатдан татбиқ этишнинг ҳақиқий кафолатига айланди.

1991 йилда Ўзбекистон пахта яккаҳокимлигининг ҳалокатли таъсири оқибатида иқтисодиёти бирёқлама, мўрт ва ночор ривожланган, аҳолининг ҳаёт даражаси ғоят ачинарли аҳволга тушиб қолган қолоқ аграр мамлакат эди. Республика ҳаётий муҳим товарларнинг кўпгина турларини, биринчи навбатда ғалла ва энергия ресурсларини бўйича маҳсулотларни ўзида ишлаб чиқармас ва бу борадаги ўз эҳтиёжларини таъминлай олмас эди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб, сиёсий мустақилликни таъминлаш мумкин эмас, деган фикрнинг қатъий тарафдори эди. Айнан шунинг учун ҳам Юртбошимиз томонидан машҳур беш тамойил асосида бутун дунёда тараққиётнинг "ўзбек модели" деб эътироф этилган Ўзбекистон иқтисодиётини тубдан ислоҳ этиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш дастури ишлаб чиқилди. Бу моделнинг туб негизини "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган стратегик йўналишни амалга ошириш ташкил этади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистонда кенг кўламли таркибий ислоҳотлар амалга оширилди, нефть кимёси, кимё, автомобиль саноати, қишлоқ хўжалиги ва темир йўл машинасозлиги, фармацевтика, электротехника, тўқимачилик саноати, замонавий қурилиш материаллари саноати каби юқори технологияларга асосланган мутлақо янги саноат тармоқларига асос солинди.

Устюрт ва Шўртан газ-кимё мажмуалари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Қўнғирот сода заводи, Дехқонобод калийли ўғитлар корхонаси, Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларидаги автомобиль заводлари сингари дунё миқёсидаги ноёб саноат объектлари барпо этилди.

Республикамизда замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари, жумладан, Қамчиқ тоғ довони орқали ўтадиган ноёб туннелни ўз ичига олган Ангрен — Поп темир йўл тармоғи, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли бунёд этилди. Тошкентдан Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарлари йўналишлари бўйича юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар қатнови йўлга қўйилди, халқаро аэропортлар модернизация қилинди, "Навоий" аэропорти негизида халқаро логистика маркази ташкил этилди ва Ўзбек миллий автомагистрали қурилиши якунига етказилди.

Ўзбекистоннинг дунёда энг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган иқтисодиётга эга бўлган бешта давлат қаторидан жой олгани Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан олиб борилган ислоҳотларнинг амалий ифодаси бўлди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов қишлоқ хўжалигидаги чуқур ўзгаришларни амалга ошириш, ернинг ҳақиқий эгаси бўлган янги мулкдорлар синфи — фермерлик ҳаракатини шакллантиришнинг ташкилотчиси эди. Унинг ташаббуси билан жаҳон амалиётида ўхшаши бўлмаган, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган, қишлоқ аҳлининг ҳаёт даражаси ва сифатини шаҳардагидан кам бўлмаслигини таъминлайдиган намунавий уй-жойлар қуриш дастури амалга оширилмоқда.

Ислом Абдуғаниевич Каримов Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони сифатида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган замонавий Қуролли Кучларни тубдан ислоҳ этиш, уларнинг жанговар салоҳияти ва қудратини оширишни таъминлади.

У туб негизида бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва вужудга келаётган қарама-қаршилик ва можароларни фақатгина тинч, сиёсий йўл билан ҳал этишга асосланган тинчликпарвар сиёсат мужассам бўлган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсат концепциясини ишлаб чиқди ва амалга оширди. Давлатимиз раҳбари минтақамизда ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлашга улкан ҳисса қўшди.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси асосида, эски қолип ва мезонлардан бутунлай воз кечган ҳолда, кенг миқёсдаги Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, таълим-тарбия тизимини энг замонавий халқаро стандартлар бўйича тубдан ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги кунининг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган ёшларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини бутунлай ўзгартирган, навқирон авлодни тарбиялаб вояга етказишнинг янги принципиал тизимини ташкил қилиш ва уни ҳаётга жорий этиш ишларига бевосита раҳбарлик қилди.

Мамлакатимиз раҳбари миллий-маънавий қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтарди, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини оширишга катта ҳисса қўшди.

У фуқаролик жамияти институтлари, аввало, маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги нуфузини ошириш, уларнинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг пойтахтимиз Тошкент шаҳри, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари қиёфасини замонавий меъморлик талаблари асосида тубдан ўзгартириш борасидаги кенг кўламли бунёдкорлик ишларини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатгани учун Ўзбекистон Қаҳрамони унвони, "Мустақиллик" ва Амир Темур орденлари билан тақдирланган.

Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси эди. Айни вақтда у иқтисодиёт, илм-фан, таълим-тарбияни ривожлантиришга кўшган улкан ҳиссаси учун кўплаб хорижий мамлакатлар университет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиги этиб сайланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан ҳам мукофотланган эди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ўз халқини чексиз меҳр-муҳаббат билан севар эди ва ўзининг сўнгги кунларига қадар бутун ҳаётини Ўзбекистонга хизмат қилишга бағишлади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, ўзбек халқининг буюк фарзанди Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сўнмас хотираси барча миннатдор юртдошларимизнинг, бутун халқимизнинг қалбида абадий сақланиб қолади.

Ш.М.Мирзиёев, Н.Т.Йўлдошев, Н.М.Исмоилов, Р.Р.Иноятов, Р.С.Азимов, Д.А.Назармуҳамедов, Х.М.Султонов, Ш.И.Солиҳов, И.М.Мирзаалиев

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВНИНГ ДАФН МАРОСИМИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОМИССИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов вафот этгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг дафн маросимини ўтказиш бўйича қуйидаги таркибда Давлат комиссияси ташкил этилсин:

Мирзиёев Ш.М. — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, комиссия раиси;

Йўлдошев Н.Т. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, комиссия раисининг ўринбосари;

Исмоилов Н.М. — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, комиссия раисининг ўринбосари;

Иноятов Р.Р. — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг раиси;

Азимов Р.С. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Молия вазири;

Ҳайдаров З.Ҳ. — Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар бошқарувчиси;

Назармуҳамедов Д.А. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси;

Султонов Х.М. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси;

Маҳмудов В.В. — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши котиби;

Ерниязов М.Т. — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси;

Ахмедбаев А.А. — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири;

Бердиев Қ.Р. — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири;

Комилов А.Ҳ. — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири;

Қурбонов Р.Д. — "Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази" акциядорлик жамияти директори, Ўзбекистон Қаҳрамони;

Мирбобоев Б.Ш. — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси;

Раматов О.Ж. — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони;

Санақулов Қ.С. — Навоий кон-металлургия комбинати бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони;

Мирзаев З.Т. — Самарқанд вилояти ҳокими;

Ғаниев Б. — "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси;

Усмонов Ш.Ғ. — Республика "Нуроний" жамғармаси раиси;

Усмонов Р.Д. — Тошкент шаҳар ҳокими;

Шарапова М.А. — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони.

2. Давлат комиссияси:

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг хоҳиш-иродасига мувофиқ дафн маросимини Самарқанд шаҳрида 2016 йил 3 сентябрда ташкил этсин;

2016 йил 3 сентябрдан Ўзбекистон Республикасида уч кунлик мотам эълон қилинсин ва республиканинг барча ҳудудларида мотам тадбирлари ўтказсин;

халқимизнинг, корхоналар, ташкилотлар, таълим муассасалари ва кенг жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олиб, бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича таклифлар киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н.ИСМОИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 2 сентябрь

Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг касаллиги ва вафоти сабаблари тўғрисида ТИББИЙ ХУЛОСА

Бемор И.А.Каримов, 78 ёшда, 27 август куни эрталаб соат 09.00 да ҳушсиз ҳолатда зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт-санитария бирлашмасининг Марказий клиник шифохонасига олиб келинди.

Ўтказилган текширувлар, жумладан, бош мия компьютер томографияси беморда бош мия қон айланиши ўткир бузилиши субарахноидал қон қуйилиш асорати билан (инсульт) аниқланди. Артериал қон босими 250/120 мм. симоб устунига тенг. Беморда юрак фаолиятининг тўхташи кузатилди. 20 дақиқа давомида олиб борилган реанимацион муолажалар натижасида юрак фаолиятини тиклашга эришилди. Бемор мия ўзаги фаолияти бузилиши оқибатида атоник кома ҳолатига тушди ва сунъий нафас олиш аппаратига ўтказилди.

27 августдан 28 августга ўтар кечаси бемор етакчи хорижий клиникаларининг нейрохирурглари, кардиолог ва реаниматологлари – А.Н.Бакулев номидаги юрак-томир хирургияси илмий маркази директори, академик Л.Бокерия, Н.Н.Бурденко номидаги нейрохирургия илмий маркази директори, академик А.А.Потапов (Россия), Ганновер халқаро нейрохирургия институтининг вице-президенти ва ижрочи директори, профессор Амир Сами (Германия), Кардиоторакал марказ директори, профессор Жилли Дрейфус (Монако), Хейдельберг университети клиникасининг кардиология бўлими раҳбари, профессор Хьюго Катус (Германия), Хельсинки университети Марказий госпиталининг нейрохирургия бўлими профессори Юка Хернисниеми (Финляндия) томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ўзбекистон мутахассислари билан ҳамкорликда ўтказилган консилиум натижасида кейинги даволаш режаси белгилаб олинди.

Беморнинг неврологик ҳолати аввал бошдан атоник кома сифатида қайд этилди. Неврологик статусда диффуз мушак атонияси, арефлексия кузатилди. Беморга уч маротаба динамик электроэнцефалографик текширув ўтказилиб, унда бош миянинг биоэлектрик фаоллигининг сусайиши аниқланди.

Ўтказилган интенсив терапия жараёнида беморнинг ички аъзолари (қон томир, нафас олиш, қон ивиш тизимлари, буйрак ва жигар) фаолиятининг аста-секин бузилиши — полиорган етишмовчилиги кузатилди.

Юқорида қайд этилган тўлиқ ҳажмдаги диагностика-даволаш муолажалари ва интенсив терапия чора-тадбирлари ўтказилганига қарамасдан 2016 йил 2 сентябрь куни соат 20.15 да юрак фаолияти тўхтади.

Амалга оширилган интенсив реанимация тадбирлари натижа бермади ва беморда соат 20.55 да биологик ўлим ҳолати қайд этилди.

Соғлиқни сақлаш вазири **А.Алимов**

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор **Ш.Каримов**

Тиббиёт фанлари доктори, профессор **В.Аваков**

Тиббиёт фанлари доктори, профессор **Б.Ғафуров**

Тиббиёт фанлари доктори, профессор **Ғ.Қориев**

Тиббиёт фанлари доктори, профессор **Р.Курбонов**

Тиббиёт фанлари доктори, профессор **К.Маҳкамов**

Тиббиёт фанлари доктори, шахсий шифокор **П.Черниш**

MILLIY TIKLANISH
36 (408) 2016 йил 3 сентябрь, шанба

Ташаббус натижа берди

ЎзМТДП гуруҳи

ташаббуси билан халқ депутатлари Учқудуқ туман Кенгаши сессиясида қонун ижроси муҳокама қилинди

Мамлакатимизда истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида кенг қамровли ва изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, соғлом авлодни тарбиялашга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг натижасида, жамият, айниқса, ёшларимиз орасида соғлом турмуш тарзига амал қилаётганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Мазкур йўналишдаги мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ инвентаризациядан ўтказилиб, амалдаги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки, аҳоли, айниқса, ёшлар саломатлигини асраб-авайлаш, уларни ҳар томонлама соғлом инсонлар этиб тарбиялаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга доир комплекс чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Халқимиз ва келажагимиз учун қилинаётган бу эзгу ишлар изчил давом эттирилиб, юксак самаралар бераётгани қувонарлидир. Сўнгги йилларда аҳолининг ўртача яшаш умри 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларда эса 75 ёшгача узайди. Оналар ўлими кўрсаткичлари 2 баравар, болалар ўлими кўрсаткичлари эса 3 бараварга камайди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам бу борадаги эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда. Партия тадбирларида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшлар камолоти учун зарур шароитларни яратиш борасидаги ишлар кенг тарғиб қилинмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари ҳам ҳудудларда бу борада йўл қўйилаётган айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошираётир.

Хусусан, яқинда халқ депутатлари Учқудуқ туман Кенгаши сессиясида ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонуннинг ҳудуддаги ижроси муҳокама этилди.

Сессияда таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилишига эришиш, генофондни мукаммал соғломлаштириш ҳамда фуқароларимизнинг ўртача яшаш умрини янада узайтиришга эришиш бугунги куннинг муҳим масаласидир. Зеро, бугун дунёнинг айрим мамлакатларида ичкиликбозлик, кашандалик ва гиёҳвандлик каби миллат генофондига, насл-насабига ўта салбий таъсир этувчи зарарли одатлар, айниқса, ёшлар ўртасида кўпайиб бораётгани сир эмас. Бу каби иллатлар оқибатида турли касалликлар пайдо бўлмоқда. Хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, ўлим ва ногиронликка сабаб бўлувчи 20 турдаги хатарли омиллар орасида айнан ичкиликбозлик ва кашандалик етакчи ўринни эгаллайди. Биргина тамаки маҳсулотлари истеъмоли элликдан зиёд хасталикларнинг келиб чиқиши ва ривожланишига сабаб бўлиши аниқланган. Юрак-қон томир, нафас олиш аъзолари касалликлари ва ўпка саратони шулар жумласидандир.

— Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш давлат сиёсатининг энг асосий йўналишларидан биридир, — дейди халқ депутатлари Учқудуқ туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Райҳон Қодирова. — 2011 йил 5 октябрда қабул қилинган "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонун соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигини янада ошириш, жамиятнинг ҳар томонлама равнақ топишига хизмат қилмоқда. Қонуннинг 13-моддасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини йигирма ёшга тўлмаган шахсларга сотиш мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Ушбу меъёр давлатимизнинг фуқаролар соғлиғини сақлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар онгига соғлом турмуш тарзи тамойилларини чуқур сингдириш, фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳам жисмоний, ҳам маънан соғлом ва баркамол авлодни парваришлаб вояга етказиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга уйғун ва ҳамоҳанг. Бироқ ушбу меъёрга Учқудуқ тумани ҳудудида қай даражада амал қилинаётгани ўрганилганда, бир қатор қонун бузилишлари аниқланди. Баъзи "тижоратчи"лар кўча-кўйда, пана-пастқам жойда очиб олган "дўкон"ларда (норасмий, албатта) ҳар хил тамаки маҳсулотларини фуқароларнинг ёшига эмас, чўнтагига қараб сотаётганига гувоҳ бўлдик. Ўрганишлар жараёнида айрим сотувчилар ҳатто мактаб ўқувчисига ҳам тамаки маҳсулотларини сотаётгани аниқланди. Сотувчидан сўрасак, у бундай қонундан бехабар эканини айтди. Қонуннинг 15-моддасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини йигирма ёшга тўлмаган шахсларга сотишга йўл қўйилмаслиги, дўконларда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзув жойлаштирилган бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган. Аммо тумандаги аксарият савдо шохобчасида бундай ёзувга дуч келмадик.

Сессияда билдирилган таклиф-мулоҳазалар асосида қарор қабул қилинди. Унга кўра Маънавият тарғибот маркази ҳамда "Маҳалла" жамоат фонди туман бўлимларига аҳоли ўртасида алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг зарари, унинг истеъмолини камайтириш хусусида тарғибот ишларини олиб бориш вазифаси юклатилди. Туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда бошқа қатор тегишли ташкилотларга ҳудуддаги савдо дўконлари, кўчаларда лицензиясиз, ноқонуний фаолият кўрсатаётган юридик ва жисмоний шахслар, савдо дўконларида 20 ёшга етмаган шахсларга алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотларини сотаётган сотувчиларга нисбатан белгиланган тартибда чоратадбирлар кўриш, туман ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда вояга етмаганларнинг бундай маҳсулотлар савдоси билан шуғулланишининг олдини олиш каби вазифалар белгиланди. Бу борадаги ишларни мониторинг қилиш ҳамда ҳар ойнинг бешинчи санасига қадар туман ҳокимлиги ҳузуридаги махсус комиссияга ҳисоботлар тақдим этиш лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Бундай саъй-ҳаракат замирида инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, кашандалик каби салбий иллатларнинг олдини олиш, ёшларни уларнинг таъсиридан асраш, экологик муҳит мусаффолигини таъминлаш каби эзгу мақсад мужассам. Миллат тақдирига, ёш авлод келажагига дахлдор ушбу масала нафақат тегишли ташкилот ва мутасаддилар, балки ҳар биримизнинг зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатиб, ёш авлод вакилларини турли салбий иллатлар таъсирига тушиб қолишдан асраб-авайлашимиз лозим. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, ЎзМТДП сайловолди Платформасида ҳам жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол янги авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш масаласи асосий вазифа этиб белгиланган. Ушбу вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш эса фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши, халқимизнинг соғлом турмуш тарзига оид эзгу қадриятлари бардавомлигини таъминлашга хизмат қилади.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Қуйи бўғинлар фаолияти

уни янада кучайтириш асосий вазифамиз

Партия дастурий мақсад-вазифаларини тарғиб қилиш, аҳолига бевосита етказиш, тарафдорлар сафини кенгайтириш, электоратни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва уни бартараф этишга доир таклиф-тавсиялар бериш қуйи бўғинлардан алоҳида фаоллик ва масъулият талаб этади. ЎзМТДП Бўз туман кенгаши қуйи бўғинларида бу борада муайян тажриба шаклланган.

— Қуйи бўғинлар маҳаллий партия ташкилотлари салоҳиятини намоён этадиган асосий таянч кучдир, — дейди партия Андижон вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девон раҳбари Ҳамиджон Омонов. — Улар фаол ва ташаббускор бўлса, партиянинг дастурий ғоялари ва мақсадларини амалга ошириш жараёни ҳам самарали кечади. Айни пайтда партия вилоят кенгашида 416 бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Улардан 20 таси Бўз туман кенгаши таркибида ташкил этилган. Ёшларни миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, миллий ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш каби партия дастурий мақсад-вазифаларини амалга оширишда бошланғич партия ташкилотлари фаолияти эътиборга молик. Бу борада, айниқса, "Маориф" маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти фаолиятини намуна сифатида кўрсатиш мумкин.

Мазкур бошланғич партия ташкилоти тадбирлар таъсирчанлигини ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Партиянинг мақсад-вазифаларини тарғиб этиш, электорат қизиқишлари ва манфаатларига қаратилган тадбирларнинг мунтазам ўтказилаётгани боис, бугун қуйи бўғин аъзолари сони 80 нафарга етди. Унга партия фаоли Авазбек Камолов етакчилик қилмоқда.

— Бошланғич партия ташкилотимиз аъзоларининг аксарияти зиёлилардан иборат, — дейди қуйи бўғин етакчиси Авазбек Камолов. — Шу боис ташкил этаётган тарғибот тадбирлари ва учрашувларимиз фуқаролар, айниқса, ёшлар фаоллиги остида ўтади. Деярли ҳар бир тадбирдан сўнг бошланғич партия ташкилоти аъзолари сафи кенгайиб, унинг тарғибот ишларида қатнашишни истовчилар сони ортиб бормоқда. Ҳудуд аҳолиси эҳтиёжлари билан боғлиқ аниқ таклифлар ҳам мана шундай тадбирларда илгари сурилаётир.

Қуйи бўғин фаолияти билан танишиш асносида, БПТ партия ғояларини тарғиб қилиш, тадбирлар ташкил этиш, жойларда аҳолини қизиқтираётган масалаларни ҳал қилишга кўмаклашиш борасида муайян натижаларга эришаётганига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, партия гуруҳлари билан ҳам яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳудуддан оқиб ўтувчи сув учун лоток ариқлар ўрнатиш, айрим ҳолларда ичимлик суви таъминоти каби масалалар қуйи бўғин йиғилишларида кўрилиб, депутатлар ҳамкорлигида ижобий ҳал этилмоқда. Масалан, яқинда халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари Узумзор кўчасидаги катта кўприкнинг носоз ҳолатга келгани, уни капитал таъмирлаш зарурлиги юзасидан керакли ташкилотларга сўров киритди. Натижада, ушбу масала кейинги йили туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилди. Қуйи бўғин бу йўналишдаги ишлар изчиллиги ва самарадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

БПТ фаоллари партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган ҳунармандчилик ва маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасидаги мақсад-вазифаларга ҳам доимий аҳамият қаратиб келмоқда. Яқинда "Маориф" маҳалласида кўргазмали семинар ташкил этилди. Унда маҳалладаги кўплаб ҳунармандлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этдилар. Туман ҳокимияти, солиқ ва банк муассасалари вакиллари, тадбиркорлар иштирокидаги тадбирларда ҳунармандлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, белгиланган имтиёзлар, кредит олиш қоидалари, "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоларининг алоҳида имтиёзлари ҳақида кенг маълумотлар берилмоқда.

Қуйи бўғин фаоллари ташаббуси билан ўтказилаётган турли мавзулардаги маънавий-маърифий тадбирлар ёшлар дунёқарашини кенгайтириш, ёш истеъдодларни кашф этиш имконини яратди. Партиямизнинг "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови туман босқичида БПТнинг икки фаоли — Мунирахон Ғафурова ва Хуршидахон Рисликова совриндор бўлди.

Мазкур қуйи бўғин ташаббуси билан ЎзМТДП мақсад-вазифаларини тарғиб этиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш авлод маънавиятини юксалтиришга қаратилган қатор тадбирлар ҳам ўтказиб келинмоқда. Давра суҳбатларида ёш авлод вакилларига "Ким эдигу ким бўлдик?" ҳикматининг мазмун-моҳияти ҳаётий мисоллар воситасида етказилаётир. Унда иштирок этган партия фаоллари, меҳнат фахрийлари ҳаммамиз учун азиз бўлган Ватанимизнинг тинчлигини асраш, тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш, эртанги кунимизнинг янада фаровон бўлиши йўлида меҳнат қилиш юртдошларимизнинг эзгу мақсадига айлангани, яратилган барча имкониятларнинг қадрига етмоғимиз фарзандлик бурчимиз эканини таъкидламоқда.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси ушбу қуйи бўғин фаолиятининг асосини ташкил қилади. Партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини қўллаб-қувватлаш, эркин фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратиш, фарзандлар тарбиясидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратилаётир.

Замира РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Хроника

Маънавий тарбия учун барча масъул

Қорақалпоғистон

ЎзМТДП Чимбой туман кенгаши "Аёллар қаноти" ҳамда "Ёшлар қаноти" "Ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат" лойиҳаси доирасида "Ёшлар — "оммавий маданият"га қарши" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этди.

Тадбирда партия туман кенгаши аъзолари, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" фаоллари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари етакчилари қатнашди.

— Мамлакатимизда ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда, — деди ЎзМТДП Чимбой туман кенгаши раиси Ҳамидулла Қодирниёзов. — Ўзлигимиз, миллий маданиятимиз, одоб-ахлоқимиз ва миллий қадриятларимизни турли ёт ғоя ва мафкуралар таъсиридан асраб-авайлаш, аҳоли, айниқса, ёшларимиз қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантириш — давр тақозоси. Бугунги Интернет асрида турли таъсир ва тажовузларга фақатгина юксак маънавият, кенг дунёқараш билан қарши чиқиш мумкин.

Тадбирда партия сайловолди Платформасида белгиланган ёшларни миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот тадбирлари сифати ва таъсирчанлигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди.

Тошкент вилояти

ЎзМТДП Бекобод шаҳар кенгаши ҳамда шаҳар ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида "оммавий маданият"нинг хотин-қизлар онгига таъсирининг олдини олишга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш ва фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — деди ЎзМТДП Бекобод шаҳар кенгаши раиси Сайёра Эргашева. — Яратилган ана шундай имконият ва шарт-шароитларга жавобан аёллар жамиятнинг турли жабҳаларида фаол ва ташаббускор бўлишга интилмоқда. Бундай тадбирларни ташкил этишдан асосий мақсад — партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёшлар, хотин-қизларимизда "оммавий маданият"нинг салбий таъсирларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришдан иборат.

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлолнинг илк кунларидан мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ва оиладаги мавқеини юксалтириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалаларига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Меҳнат, Оила кодекси ва кўплаб қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида аёллар ҳуқуқлари, манфаат ва эркинликлари ҳимояси мустаҳкамланди.

Бухоро

ЎзМТДП Жондор туман кенгаши "Юксак маънавият — енгилмас куч" мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

Тадбирда таъкидланганидек, навқирон авлоднинг пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топиши йўлида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Зеро, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш бугунги глобаллашув жараёнлари ва мафкуравий таҳдидлар даврида ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этади.

— Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий қадриятларимизга ёт ғоялар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли хуружлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундамоқда, — деди партия туман кенгаши раиси Исмоил Холов. — Ёшлар бундай ғаразли кучлардан доимо огоҳ бўлиши учун уларнинг билими, маънавиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўламини янада кенгайтиришимиз керак. Бу жараёнда ҳуқуқ-тартибот идоралари, ўқув муассасалари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида тегишли тадбирлар тизимли равишда ташкил этилаётгани ўз самарасини бермоқда.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида "Юксак маънавият — енгилмас куч" ғоясини рўёбга чиқаришда миллий анъана ва қадриятларни янада мустаҳкамлаб бориш, XXI асрда юксак маънавий-интеллектуал тараққиётга эришиш учун мамлакатни модернизация қилиш ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнларини кучайтириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Тадбир сўнгида партия сайловолди Платформасида ўз ифодасини топган эзгу ғояни рўёбга чиқариш, аждодлардан бизгача етиб келган бебаҳо меросдан халқимиз, айниқса, ёшларни кўпроқ баҳраманд этиш ва мазкур мавзуда мунтазам равишда тадбирлар ўтказиб туришга доир қатор вазифалар белгилаб олинди.

Наманган

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши "Миллий қадриятлар — миллат бешиги" мавзусида тадбир ташкил этди.

— Бугунги глобаллашув даврида миллий ўзликни англаш, маънавиятни юксалтириш, фидойи, ватанпарвар ва баркамол авлодни тарбиялаш — долзарб вазифа, — деди ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби Оқилхон Дадабоев. — Ёш авлодни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда миллий қадрият ва анъаналаримиз, аждодларимиздан мерос маданий ва маънавий бойликлар муҳим ўрин тутади. Партия дастурий мақсадларига ҳар жиҳатдан мос ва уйғун бўлган ушбу масалалар тарғиботида партия ташкилотларимиз янада фаол бўлиши лозим.

Эътироф этилганидек, маънавиятимизни юксалтиришда миллий урф-одат ва анъаналаримиз ҳамда уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч-осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли масалаларни биргаликда ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. ЎзМТДП ташкилотлари ўтказаётган бу каби тадбир, лойиҳа ва фестиваллар миллий қадриятлар ривожида муҳим ўрин тутади.

Анжуманда ёшларни турли таҳдидлардан, хусусан, диний экстремизм, одам савдоси каби иллатлардан огоҳ этиш, уларни ватанпарвар ва ҳар томонлама етук инсон этиб тарбиялаш борасида амалга оширилиши зарур бўлган масалалар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ҳамкорлик

“Тошкент” халқаро аэропортида “Boeing-787 Dreamliner” самолёти тақдимоти бўлиб ўтди

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси 2016 йилда “Boeing-787” ҳаво лайнерларининг энг замонавий авлодига мансуб иккита янги самолёт билан таъминланиши режалаштирилган эди. Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами арафасида уларнинг дастлабкиси мамлакатимизга келди.

Шу муносабат билан “Тошкент” халқаро аэропортида тантанали маросим бўлиб ўтди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси бош директори Валерий Тян, Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратлен ва бошқалар Ўзбекистонда замонавий моддий-техник база ҳамда юқори малакали мутахассисларга эга фуқаро авиацияси ташкил топгани, ҳаво кемалари парки мунтазам янгиланиб борилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти – ИКАОга аъзо бўлди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси халқаро авиаташувлар бозорида муносиб ўрин эгаллади.

Мамлакатимиз аэропортларида халқаро стандартлар даражасида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Халқаро фуқаро авиациясининг “Аэропорт” ассоциацияси томонидан “Урганч” халқаро аэропорти 2015 йилнинг энг яхши аэропорти, деб топилди, “Туризм соҳасига қўшган улкан ҳиссаси” номинациясида ғолибликни қўлга киритди. 2014 йилнинг июнь ойида учта аэропорт 2013 йилги фаолияти якунлари бўйича “МДҲ мамлакатларидаги энг яхши аэропорт” танловининг турли номинацияларида ғолиб бўлди. Мисол учун, йилига юз мингдан ярим миллионгача йўловчи ташилаётган “Бухоро” аэропорти “Барқарор ривожланаётган аэропорт” мақомига сазовор бўлди. “Самарқанд” ва “Урганч” халқаро аэропортлари “Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси” номинациясида ғолиб чиқди.

Замонавий авиация техникаси мамлакатимиз ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлиги, барқарорлиги ва мунтазамлигини таъминламоқда. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси бу борада 1996 йилдан буён АҚШнинг дунёга машҳур “Boeing” корпорацияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу кунгача миллий авиакомпаниямиз йигирмага яқин “Boeing” самолётини харид қилган. Ўрта магистралли Airbus A320 лайнерлари, йўловчи ва юк ташиш учун мўлжалланган Boeing-767 самолётларидан самарали фойдаланилмоқда. “Uzbekistan Airways Technics” авиакорхонасида нафақат Ўзбекистон, балки бошқа кўплаб давлатлар авиакомпанияларининг шу русумдаги самолётларига техник хизмат кўрсатилмоқда.

Учувчи-техник таркиб, техник хизмат кўрсатиш мутахассислари тайёрлаш борасида ҳам ҳамкорлик қилинмоқда. Ўзбекистонлик учувчи ва техник ходимлар “Boeing” ўқув марказларида малака оширмоқда.

“Boeing-787 Dreamliner” бугун дунёдаги энг замонавий самолётдир. Унинг номи инглизчадан таржима қилинганда “Орзу лайнери” деган маънони англатиши ҳам бежиз эмас.

Ушбу ҳаво кемасининг аксарият қисми ноёб композицион материалдан ишланган. Бу унинг вазнини енгиллаштириш, парвоз хусусиятларини яхшилаш имконини берган. Самолёт ишончлилик, хавфсизлик ва тежамкорлик нуқтаи назаридан ҳам кўплаб афзалликларга эга. Шу боис у узоқ ва ўта узоқ масофаларга тўхтовсиз уча олади. “Dreamliner” Ўзбекистондан АҚШ, Канада, Австралия ва Африка мамлакатларига тўғридан-тўғри парвоз қилиши мумкин.

Илғор инновацион технологиялар асосида яратилгани ундаги қулайликларни янада оширган. Boeing-767 самолётига нисбатан унинг ёқилғи сарфи 10 фоизга кам, салони диаметри эса 1 метр кенг. Лайнер учиш тезлигининг юқорилиги Тошкентдан Москвага 10 дақиқа, Лондон ва Парижга эса 20-30 дақиқага тезроқ етиб бориш имконини беради. Самолёт салони дизайнига ҳам янгича ёндашилган, махсус конструкциядаги ўриндиқлар билан жиҳозланган. 246 нафар йўловчига мўлжалланган мазкур авиалайнер парвозларни мароқли ўтказиш имконини берувчи қулай ўриндиқ ва коммуникация технологиялари, махсус пол қопламалар, янгича ёритиш ва шовқин ўтказмайдиган тизимлар билан жиҳозланган. Унинг ташқи шовқин товуши аввалги моделларга нисбатан икки баробар пасайтирилган.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси МДҲ давлатлари орасида иккита “Boeing-787 Dreamliner” самолётини сотиб олиш бўйича шартнома тузган биринчи авиакомпаниядир.

Янги самолётлардан фойдаланиш учун ер усти инфратузилмаси, муҳандис-техникавий ва учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпаниясида юқори малакали 18 учувчи ва 2 учувчи-инструктордан иборат янги гуруҳ шакллантирилди. “Uzbekistan Airways Technics” авиакорхонасида 64, жумладан, техник хизмат кўрсатувчи 6 инструктор тайёрланди.

— Ўзбекистонлик учувчилар билан биргаликда “Boeing-787 Dreamliner” самолётида Тошкентга учиб келдик, — дейди АҚШнинг “Boeing” компанияси учувчи-инструктори Йэн Салливэн. — Ҳаво транспортида ишлаш — бу жуда катта масъулият, чуқур билим, қобилиятни талаб этади. Ўзбекистон ҳаво транспорти мутахассисларининг профессионаллигини алоҳида таъкидлашни истардим. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини мамлакатингиз давлат мустақиллигининг 25 йиллиги билан самимий муборакбод этаман. Ўзбекистонга равнақ, халқингизга бахт-саодат, фаровонлик ва улкан зафарлар тилайман.

“Boeing-787 Dreamliner” самолётини Ўзбекистонга миллий авиакомпаниямиз экипажи – учувчи-инструктор Иосиф Зак, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси Учувчилар мажмуаси янги “Boeing-787 Dreamliner” учувчилар отряди командири Асаджон Турсунов ҳамда авиакомпаниянинг бош штурмани Станислав Гурфинкель бошқариб келди.

— Мустақиллик шарофати билан миллий авиакомпаниямиз улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқда, — дейди Асаджон Турсунов. — “Boeing-787 Dreamliner” самолётида Сиэтл шаҳридан Тошкентгача бўлган парвоз қарийб 12 соат давом этди. Мазкур янги авиалайнер двигателининг тежамкорлиги, бошқаришнинг янада қулайлиги ва салонда йўловчиларга барча шароит яратилгани билан ажралиб туради. Йўловчилар узоқ мамлакатларга парвоз пайтида бир самолётдан иккинчисига ўтмай манзилга етиб олишни истайди. Мазкур самолёт уларнинг бу истагини бажара олади. “Орзу лайнери”ни бошқариш имкони насиб этганидан жуда бахтиёрман. Биз, учувчилар учун яратилган қулай шарт-шароит ва катта имкониятлар учун давлатимиз раҳбарига чексиз миннатдорлик билдирамиз.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси “Boeing-787 Dreamliner” самолётлари билан таъминланиши мамлакатимиз фуқаро авиацияси ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов сўзга чиқди.

Нодира МАНЗУРОВА,
Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (сурат), ЎзА

Рангин дунё

Ўрмон бағридаги тамаддун

Мексика кўҳна тарихи, осори-атиқалари, муҳташам ва сирли эҳромлари билан дунё аҳлини мудом ўзига жалб этиб келади. Бу замин Теотиуакан, Теночтитлан, Чичен-Ица, Эль-Тахин каби қадимий шаҳар харобалари билан ҳам машҳур. Ана шундай масканлардан яна бири — Калакмуль. У ўтмишда майя қабиласининг энг йирик шаҳарларидан бири бўлган. Мазкур археологик ёдгорлик Гватемала пойтахтидан 35 чақирим узоқликда, Юкатан ярим оролидаги Кампече штатидаги тропик ўрмонлар бағрида жойлашган. Гарчи шаҳар харобалари жойлашган минтақа ўрмон ва чакалакзорлар билан ўралган бўлса-да, бу ердан сайёҳлар қадами узилмайди.



Қадимда майдони тахминан 20 минг квадрат километрни ташкил этган бу шаҳар Кануль қироллигининг пойтахти бўлган. Қадимий манбаларнинг гувоҳлик беришича, шаҳар “Илонлар қироллиги”, “Қўшни эҳромлар шаҳри”, “Каан” деб аталган. “Каан” сўзи эса майя тилида “тепалик яқинида жойлашган” маъносини англатади. Мазкур манзилгоҳ VII асрда гуллаб-яшнаган. Бу пайтда шаҳарда тахминан 50 минг аҳоли истиқомат қилган. Шаҳар маркази баландлиги 6 метрли девор билан ўралган бўлиб, мудофаа вазифасини ўтаган. Эрамизнинг 636-686 йилларида Калакмуль майя қабиласининг яна бир йирик шаҳри Тикалнинг асосий рақобатчисига айланган.

Шаҳар харобаларини илк бор 1931 йилнинг 29 декабрида америкалик биолог, археолог Сайрус Лонгуэрт Ланделл топган. Орадан бир йил ўтиб, бу ерда Сильванус Морле бошчилигидаги АҚШнинг Карнеги институти олимлари узоқ вақт тадқиқот ишларини олиб боради. Мазкур экспедициядан сўнг ушбу тарихий ёдгорлик анча вақтгача унутилади. 1984 йилда Уильям Фолан бошчилигидаги олимлар гуруҳи бу ерга келиб, Калакмуль харобаларидан ўрин олган ҳар бир иншоот, ундаги ҳар бир тошни обдон ўрганади. Илмий изланишлар танаффуслар билан 1994 йилга қадар давом этади.

Ҳозирда Калакмуль шаҳар харобалари ҳудудида биосфера қўриқхонаси фаолият юритади. Мазкур ҳудуддан қадимги шаҳарга тегишли жами 6 минг 750 иншоот қолдиқлари топилган бўлиб, уларнинг 100 га яқини йирик меъморий ёдгорликлардир. Улар орасида энг йириги Буюк эҳром бўлиб, баландлиги — 55, эни — 140 метрни ташкил этади. У майя маданиятига тегишли энг баланд эҳромдир. Шунингдек, шаҳар ҳудудидан яна бир эҳром топилган бўлиб, унинг баландлиги 45 метрни ташкил этади. Иккинчи эҳромда шаҳарнинг сўнгги ҳукмдори Йукноа Йичаак Какнинг қабри жойлашган. Уни 1997 йилда Рамон Карраско бошчилигидаги қадимшунослар топишган. Бу ердаги иншоот деворларидан қирол ва қироличаларнинг тасвири ҳамда шаҳар аҳолисининг турмуши акс этган фрескалар ҳам топилган. Шунга қарамай, шаҳар тарихи ҳақида бизгача тўлиқ маълумот етиб келмаган. Шу боис Мексика антропология ва тарих институти олимлари Калакмуль шаҳар харобалари ҳудудида ҳозирга қадар қидирув ва тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Калакмуль ёдгорликларини томоша қилиш учун ҳар йили дунёнинг турли минтақаларидан минглаб саёҳлар ташриф буюради. Улар майя маданиятига оид баланд эҳромларнинг устига чиқиб, қадимда мавжуд бўлган Калакмуль шаҳри харобалари ҳамда беқиёс табиат манзаралари — бепоён ўрмон ва чакалакзорларни юқоридан томоша қилиш имкониятига эга бўлади.

2002 йилда Калакмуль шаҳар харобалари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Энг қадимги ҳаёт излари топилди

Сайёрамиздаги энг қадимги ҳаёт излари Гренландиядаги тоғ жинсларидан топилди. Уларнинг ёши 3,7 миллиард йилга тенг экани айтилмоқда.

Кашфиёт Австралиянинг Вуллонгонг университети олимларига тегишли. Уларнинг фикрича, тош қотган цианобактериал колонияларнинг топилиши ҳаёт ҳақидаги тасаввурларни ўзгартириб юбориши мумкин. Жумладан, улар Ер ҳали бўм-бўш сайёра бўлганида, Марсда ҳаёт мавжуд бўлганини тахмин қилмоқда. Тўрт сантиметр ўлчамдаги митти топилмалар — строматолитлар Гренландия жанубий-ғарбида аниқланди. Бундай цианобактериал колониялар бугун тропик ва субтропик денгизларда учрайди.

Илгари энг қадимги ҳаёт излари Австралиядан топилган деб ҳисобланарди. Янги кашфиёт ҳаётнинг вужудга келиш санасини 220 миллион йил қадимийлаштириб, тирик организмларнинг вужудга келиши сайёраларнинг шаклланишидан қисқа муддат ўтиб содир бўлганини кўрсатади.

Австралияда улкан “қароқчи” тимсоҳ ушланди

Австралияда маҳаллий ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари узунлиги 4,3 метр тимсоҳни тутди. Маҳаллий сув ҳавзаларидан бирида истиқомат қилувчи жонивор фермерларнинг чорвасига қирон келтираётган эди.

“У бу ердаги одамлар учун жиддий таҳдидга айланди, катта шов-шувга сабаб бўлди”, — деди полиция вакили Мэтт Филипп ABC News’га берган изоҳида.

Жонивор тимсоҳларга мўлжалланган махсус муассасада сақланадиган бўлди. Қўлга олинган жонивор кўрсатилган видеолавҳа маҳаллий полиция идорасининг “Facebook’”даги саҳифасида эълон қилинди.

Зика вируси 72 давлатда

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Зика вирусига чалиниш ҳолатлари дунёнинг 72 мамлакатида қайд этилаётганини маълум қилди.



“2007 йилдан буён 72 мамлакат чивинлардан юқувчи Зика вируси аниқлангани ҳақида хабар берди”, — дейилади ташкилот расмий баёнотида. Ана шу мамлакатларнинг 69 тасида бу вирус 2015-2016 йилларда кузатилган.

Сўнгги ҳафтада Зика вируси билан касалланиш ҳолатлари илк марта Британиянинг Виргин оролларида ҳам қайд этилди. Бироқ ўтган 7 кун ичида чақалоқларда Зика билан боғлиқ микроцефалия ва марказий асаб тизими ривожланишидаги бошқа нуқсонлар аниқланмаган.

Зика безгаги — инсонларга чивинлар орқали ўтадиган ўткир инфекцион касаллик. Вирус айниқса, ҳомиладор аёллар учун ўта хавфли ҳисобланади.

“Samsung” “Galaxy Note 7” смартфонларини қайтариб олади

Жанубий Кореянинг “Yonhap News” агентлиги тарқатган маълумотларга кўра, “Samsung” компанияси техник носозликлар туфайли “Galaxy Note 7” смартфонлари сотувини тўхтатди ва сотилган телефонларни қайтариб олишини эълон қилди.

Маълум қилинишича, бунга смартфон батареяларининг ўз-ўзидан ёниб кетаётгани сабаб бўлган. Ҳозирга қадар ана шундай 35 ҳолат аниқланган. Шу боис “Samsung” “Galaxy Note 7” смартфонларининг батареяларини алмаштиради. Жами қанча телефоннинг батареясини алмаштиришга тўғри келиши эса ҳозирча номаълум.

Сингапурда илк ҳайдовчисиз такси

Сингапурнинг “nuTonomy” компанияси дунёдаги биринчи ҳайдовчисиз таксини ишга туширди. Бу ҳақда “Associated Press” нашри хабар тарқатган.

Юқори технологияли автопаркка “Renault Zoe” ва “Mitsubishi i-MiEV” электрокарлари кирди. Автомобилларнинг ҳар бири “Lidar” тизими билан таъминланган бўлиб, у йўналишни тўғри мўлжаллаши учун лазердан фойдаланади. Шунингдек, автомобиллардаги ускуналар панелига тўсиқларни сканерлаш ва светофорлардаги сигнал ўзгаришларини аниқлаш учун иккитадан камера ўрнатилган. Илк ҳайдовчисиз машиналардан фойдаланишга бир неча ўнлаб мижозлар навбат олди, декабргача эса бир неча минг киши қамраб олинади.

“nuTonomy” компанияси жорий йилнинг охиригача бундай машиналар сонини 12 тага етказишга, 2018 йилгача эса бутун автопаркни ҳайдовчисиз автомобиллар билан тўлдиришга ваъда бермоқда.

Интернет хабарлари асосида
Аҳмад ЮСУПОВ тайёрлади.

MILLIY TIKLANISH
36(408) 2016 йил 3 сентябрь, шанба

Муҳим тарбия омили

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб вояга етказишда миллий театр санъати ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас. Чунки ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда театр санъатининг аҳамияти беқиёс.

Театр долзарб мавзулар, энг муҳим масалаларни саҳнага олиб чиқиб, томошабинни мулоҳаза юритишга, жамиятдаги айрим иллатларнинг олдини олишга, энг асосийси, томошабинни онгли равишда фуқаролик ва инсоний бурчини бажаришга ундайди. Саҳнадаги қаҳрамон томошабинни ўзини-ўзи четдан туриб кузатишга давъат қилади, турмушдаги нуқсонларни бадиий шаклда кўрсатиб беради.

Театр ҳар қандай шароит ва вазиятда давр билан ҳамнафас бўлиши, жамиятда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеликни ўзида акс эттира олиши лозим. Унинг бош мақсади — инсон ҳаёти билан боғлиқ ҳар бир масалани жамоатчилик эътиборига олиб чиқиш, унинг ижтимоий сабабларини кўрсатиш ва очиб беришдан иборат.

Бунда, албатта, томошабиннинг талаб-истаклари эътиборга олиниши, спектакль таъсирчан ва қизиқарли бўлиши, бадиий-эстетик меъёрларга тўлиқ жавоб бериши ўта муҳим вазифадир. Бадиий санъат тури сифатида театрнинг асосий вазифаси фақат гапириб, насиҳат қилиш эмас, балки саҳнада образлар, ҳаётий воқеалар воситасида томошабинга намуна ва ибрат кўрсатишдир. Буюк маърифатпарвар адиб Маҳмудхўжа Беҳбудий айтганидек, "Театр — ибратхонадур".

Қадимда ота-боболаримиз халқ оғзаки ижоди — афсона, ривоят ва достонлар таъсирида камол топиб, унинг воситасида маънавиятини шакллантириб, миллий урф-одат ва анъаналарини сақлаб келган бўлса, бугун ана шундай вазифаларнинг бир қисми замонавий театр зиммасига юкланмоқда. Спектаклга келган томошабин қаҳрамонлар тақдирини кузатади, таҳлил қилади, воқеалар таъсирида кулиши ёки йиғлаши, спектакль қаҳрамони хатоларидан ўзи учун муҳим хулоса чиқариши, ёвузлик, адолатсизлик ва жоҳилликдан нафратланиши, қаҳрамон ғалабасидан қувониши, қайғусидан изтироб чекиши — жуда кўп руҳий-эмоционал ҳиссиётларни бошидан кечириши мумкин. Энг муҳими — буларнинг барчаси унга мажбурий ёки кўр-кўрона эмас, балки бадиий образлар воситасида сингдирилади.

Инсон руҳияти токи санъатга эҳтиёж сезар экан, театр ана шу имкониятдан фойдаланиши зарур.

Рассом, ҳайкалтарош, бастакор, ёзувчи ёки шоир якка ҳолда ижод қилади. Спектакль эса катта жамоанинг ижод маҳсули. Саҳна асари кўпчиликнинг меҳнати ва саъй-ҳаракати натижасида дунёга келади. Шу боис мукаммал саҳна асари фақат режиссёр дунёқараши, драматург фикри билан эмас, балки ижодкорлар қобилияти ва жипслиги, фуқаролик позицияси асосида туғилиши ўта муҳим. Табиий ва ҳаётий воқеалар, фикр ва мулоҳазалар томошабин онги ва руҳиятида чуқур из қолдиради.

Театрнинг бошқа бадиий санъат турларидан яна бир фарқли жиҳати — унда воқеалар жонли мулоқот тарзида кечади. Бошқа ҳеч бир санъат тури бундай имкониятга эга эмас. Фақат театрдагина томошабин актёр билан ҳамнафас яшайди, ҳамқадам ва ҳамдард бўлади. Актёр ўзининг иқтидори, саъй-ҳаракати, ички руҳияти билан томошабинга таъсир кўрсатади. Саҳна билан томошабин ўртасида энг асосий воситачи ҳисобланади.

Айни пайтда бугунги театр катта ёшдагиларга мумтоз асарларни, ёшларга эса, аксинча, замонавий томошаларни тақдим қилиши керак, деган фикрлар кўп айтиляпти. Бизнингча, болани аввал қўғирчоқ театрига, сўнг ёш томошабинлар театрига олиб бориш, шу йўл билан жиддий томошаларга тайёрлаш, ундан кейин мумтоз асарларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Театрлар ўз репертуарини режалаштираётганда мана шу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратиши зарур бўлади.

Бироқ хоҳ мумтоз, хоҳ авангард асар бўлсин, у кўтариб чиқаётган масала, мавзу ҳамда бадиий савия муҳим ўрин тутади. Чунки ўз вақтида ва тўғри кўтарилган масала жамият тараққиётига хизмат қилади.

Бугунги давр, айниқса, ёш санъаткорлар зиммасига ана шундай юксак ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Ёш драматург ва режиссёрлар янги ижодий услубларда ишлаши, экспериментлар қилиши, қизиқарли бадиий шаклларни излаши, саҳнага долзарб ижтимоий масалаларни олиб чиқиши, шу орқали жамиятимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишлари лозим бўлади.

Сардор МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Қулоқ нега ёмон эшитади?

Ёнингиздаги одам баланд овозда гапириб, айтган гапларингизни қайта-қайта сўраяптими? Ёки телевизорни баланд овозда эшитяптими? Демак, бу хасталик. Унга жиддий эътибор бермоқ лозим. Қулоқнинг ёмон эшитиши кайфиятнинг сезиларли даражада тушиши ва ҳатто руҳан тушкунликка олиб келади.

Эшитиш билан боғлиқ муаммолар кекса ёшлилар орасида кўп учрайди. Эшитиш қобилиятининг сусайиши ёки ёмонлашувининг асосий сабаби ёш билан боғлиқ физиологик ўзгаришлардир. Қолаверса, қулоқнинг оғирлашиши қандли диабетнинг оқибати билан боғлиқ. Чунки қонда қанд миқдорининг ошиб кетиши қулоқдаги майда қон томирчаларига жиддий зарар етказади. Шунингдек, грипп ва ЎРВИ (ўткир респиратор вирусли инфекциялар) дан сўнг ҳам оғир асорат сифатида қолган бўлиши мумкин. Шунинг учун эшитиш қобилияти билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлса, зудлик билан унинг олдини олиш чораларини кўриш лозим.

Келиб чиқиш сабабидан қатъи назар эшитиш қобилиятининг тушиб кетиши кексалар учун жиддий муаммодир. Улар бу муаммога бўйин эгишни истамаслиги ва яқинларининг олдида ўзларини ҳеч нарса безовта қилмаётгандек тутиши ҳам мумкин. Охир-оқибатда улар жамиятдан, оилавий ҳаётдан узоқлашадилар. Негаки эшитмаганликлари сабабли мулоқотга киришиш қийинчилик туғдиради. Эшитмаслик оқибатида яқин кишилар билан пайдо бўлувчи ўзаро тушунмовчиликлар ёки оддий кундалик ҳаётдаги майда-чуйдаларни ҳал этолмаслик қариялларга оғир руҳий зарба бўлади. Тадқиқотларга кўра эшитиш қобилиятини йўқотган кексалар қулоғи яхшироқ эшитадиган тенгдошларига нисбатан кўпроқ ўзгарувчан кайфиятга эга бўлиб, руҳан эзилишар экан.

Яқинларимизда эшитиш билан боғлиқ муаммо туғилганда, уларга ғамхўрлик кўрсатиш жоиз. Айниқса, бугун бу хасталикни замонавий эшитиш аппаратлари билан яхшилаш жуда кенг тарқалган оддий усулларидан бирига айланди. Ушбу замонавий мосламаларни тақиш кундалик ҳаётда ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Улар фойдаланишда ихчамлиги, енгиллиги ва қулайлиги билан афзалдир.

Ушбу махсус мосламани тақиш ёки тақмасликни мутахассис шифокор тегишли кўрик ўтказгандан сўнг ҳал этади. У беморга қайси турдаги мослама танлаш, ундан қандай фойдаланиш борасида маслаҳат беради.

БИЛАСИЗМИ?

• Мушук кўпинча эгасига суйкалиб, ёнига ётиб олаверади. Кўп ҳолларда буни жониворнинг эгасига нисбатан меҳри сифатида талқин этишади. Аслида ундай эмас. Мушукларнинг тана ҳарорати 38-39 даража. Улар салгина совуққа ҳам бардош қила олмаслиги боис эгасига суйкалса, исиниб олишини яхши билади.

Кўргазма

Суратларда юртимиз табиати

Тонг. Мусаффо осмон. Қуёш она замин узра заррин нурларини сочиш учун тоғлар ортидан секин кўтарилмоқда. Асрларга тенгдош пурвиқор тоғлар оралаб оқаётган сойлар, яшил кенгликлар...

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар фотошўъбаси аъзоларининг Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган фотокўргазмасида юртимизнинг мана шундай гўзал табиати, кеча ва бугуни муҳрланган суратларни кузатасиз.

Тадбирда Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар юртимизда тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ижод аҳлининг самарали меҳнат қилишида асосий омил бўлаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар фотошўъбаси 2000 йилда ташкил этилган бўлиб, етакчи фотосанъат усталари ва ёш ижодкорларни бирлаштиради. Уларни санъатшунослар ҳамжамияти тан олган, кўплари нуфузли совринлар билан тақдирланган, халқаро биеннале, танлов ва кўргазмалар ғолибларидир.

— Мазкур кўргазмадан кўзланган асосий мақсад халқимиз, айниқса, ёшларни мамлакатимизда амалга оширилган асрларга татигулик ўзгаришлар билан таништириш, улар қалбида шу азиз юртдан фахрланиш, тинчлик ва фаровон ҳаётимизни қадрлаш туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришдир, — дейди Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар фотошўъбаси аъзоси Султонбой Деҳқонов.

Кўргазмада йигирма нафар моҳир ижодкорнинг икки юзга яқин фотоасари намойиш этилаётир. Уларда мустақиллик йилларида мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, тўрт фаслда ҳам ўз кўркини йўқотмайдиган юртимиз табиати, баркамол авлод келажаги йўлидаги чексиз ғамхўрлик, ибратли анъана ва қадриятларимиз ҳақидаги манзаралар акс эттирилган.

Ўз мухбиримиз

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Тарихий созларнинг сеҳрли садоси" мавзусида кўргазмаси очилди.

Қадимий созларнинг сеҳрли садоси

Музей директори Х.Файзиев ва бошқалар юртимизда миллий ўзлигимизни англаш, бой тарихимиз, маданий меросимизни ўрганиш ва тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Кўргазмада андижонлик моҳир уста Абдумалик Мадраимовнинг шахсий коллекциясидан ўрин олган қирқдан зиёд буюм намойиш этилмоқда. Коллекциядаги чолғу асбоблари икки даврга бўлинган: биринчиси темурийлар даврининг тарихий тикланган созлари, иккинчиси эса мустақиллик йилларида темурийлар даври созгарлиги анъаналари давом эттирилиши натижасида яратилган намуналар.

А.Мадраимов Ўзбекистон давлат консерваториясини тамомлаган. "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, турли симпозиумлар ва бошқа тадбирларда чолғу созлар коллекцияси билан фаол қатнашиб келмоқда.

— Юртимизда бебаҳо қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган халқ амалий санъати ҳар томонлама юксалиб бормоқда, — дейди уста Абдумалик Мадраимов. — Ҳунармандлар ўз ишига шунчаки касб деб эмас, аниқ соҳа сифатида ёндашмоқда, ўз ҳунарлари устида изланишлар олиб бориб, янгиликлар киритаётир. Бунинг сабаби — ҳунар аҳлининг эмин-эркин ишлаши, ўз иқтидори ва салоҳиятини юзага чиқариши учун кенг имкониятлар яратилганида.

Уста IX-XVI асрларда бобокалонларимиз яратган, кейинчалик унутилиб кетган мумтоз мусиқа асбобларини қайта тиклаб келмоқда. Уларнинг янги замонавий нусхаларини тайёрламоқда. Ҳунармандининг самарали ижодий меҳнати ва изланиши натижасида ғижжаки Бобурий, дилрабо, дилнаво, мерос, хушнаво, қўштор, чанги қақнус деб номланган созлар яратилди.

А.Мадраимов тайёрлаган мумтоз созларнинг энг саралари Темурийлар тарихи давлат музейи, Андижондаги Бобур ва жаҳон маданияти музейининг доимий кўргазмаси, Англия қироллик музейи, Япония санъат музейларидан ўрин олган, дунёнинг 43 давлатига экспорт қилинган.

Моҳир уста юздан ортиқ шогирдига ҳунармандлик сир-асрорини ўргатиб келмоқда.

Д. РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТУРФА ОЛАМ

"Рекордчи"-велосипед

Немис ихтирочиси Фрэнк Доуз "Гиннеснинг рекордлар китоби"дан жой олиш учун яхши имкониятга эга. Сабаби, у оғирлиги 940 килограммли велосипед ихтиро қилди. Бундан аввалги рекорд 860 килограмм эди.

Фрэнк велосипед рамасини металлоломдан ишлади. Диаметри 1,53 метрли ғилдираклар эса ўғит ташиган юк машинасига тегишлидир. Қизиғи, ихтиро муаллифи бу оғирлик билан чекланмоқчи эмас. У велосипеднинг оғирлигини 1,2 минг килограммга етказиб, унда 200 метр масофани босиб ўтишни режалаштирмоқда. Фрэнк велосипедини март ойидан бошлаб ясашга киришди. Унинг сўзларига қараганда, велосипед ўта йирик кўринганига қарамай, уни бошқариш у қадар қийин эмас.



Икки ғилдиракли ҳайдовчисиз мотоцикл

Канадалик муҳандис-механик ҳамда "Bombardier" компаниясининг раҳбари Чарльз Бомбардье ўзининг ҳайдовчисиз бошқариладиган электр мотоцикл концептини тақдим этди.

У "Lit Motors" компанияси (АҚШ)нинг икки ғилдиракли С1 электромобилидан илҳом олди ва унга "Cyclotron" деб ном берди. Ноёб мосламали ғилдирак машинанинг икки йўналишда ҳаракат қилиш имконини беради. У тўлиқ тўхтаганда ҳам мувозанатини сақлай олади. "Cyclotron" симсиз қувват олади.



Электр мотоцикл икки йўловчига мўлжалланган. У кабинада иситиш тизимига эга икки созланувчи ўриндиқ, шовқин камайтирувчи тизим билан таъминланган. Капалак қанотини ёдга солувчи эшиклар тепага очилади. Муҳандис бу орқали тўхташ вақтида қўшни машиналарга тасодифан зарар етказиш ҳолатини камайтиришни мақсад қилган. Бундан ташқари, икки кишилик "Cyclotron" электр мотоциклининг кичик ҳажмда эканлиги йўллардаги тирбанд ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ш.ҒАФФОРОВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 2 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 925, Адади — 5053. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Муҳтарама КОМИЛОВА
Навбатчи: Ойдин АЛИМАРДОНОВА
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 01.50.
ЎзА якуни — 23.15.
ISSN 2010-7714
1234

VATAN TUYG‘USI HAR NARSADAN USTUN

O‘ZBEKISTON “MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

37 (409) ● 2016 йил 4 сентябрь, якшанба ● Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ БИЛАН ВИДОЛАШУВ

Мамлакатимиз, бутун халқимиз оғир жудоликка учради. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов 2016 йил 2 сентябрь куни вафот этди. Шу муносабат билан 2016 йил 3 сентябрдан мамлакатимизда уч кунлик мотам эълон қилинди. Мамлакатимизда ва хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси элчихоналарида Ўзбекистоннинг давлат байроқлари туширилди.

Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари кўчаларида ўн минглаб ватандошларимиз чуқур қайғу ва кўз ёшлари билан Президентимиз билан видолашди.

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида 3 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов билан видолашув маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Н.Йўлдошев, Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан вакиллар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Маросимда Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Россия Федерацияси Бош вазири Дмитрий Медведев, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири ўринбосари Чжан Гаоли, Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари Ли Жун Сук, Беларусь Республикаси Бош вазири Андрей Кобяков, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимов, Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси Октай Асадов, Грузия Республикаси Бош вазири Георгий Квирикашвили, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Сооронбай Жээнбеков, Туркия Республикаси Бош вазири ўринбосари Туғрул Йилдирим, Украина Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Степан Кубов, Бирлашган Араб Амирликлари давлат вазири Рашид бин Аҳмад бин Фаҳад, Арманистон Республикаси парламенти вице-спикери Эрмине Нагдалян, Япония парламент вазири Мотомэ Такисава, Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф, МДҲ Ижрочи котиби Сергей Лебедев ва бошқалар қатнашди.

Маросимни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев очиб, Ислом Каримовнинг оила аъзоларига, халқимизга чуқур ҳамдардлик билдирди.

“Нуроний” жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими раиси Я.Иноятов, Ўзбекистон халқ шоири Э.Сиддиқова ва бошқалар Ислом Каримовнинг халқимиз бахт-саодати йўлида амалга оширган буюк ишлари ҳақида сўз юритди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов том маънодаги ватанпарвар инсон ва буюк давлат арбоби, доно сиёсатчи Ислом Каримовнинг барча ташаббуслари халқаро майдонда қўллаб-қувватланганини, Туркманистонда ёшу қари у кишини чин дилдан ҳурмат қилишини таъкидлади. Ислом Каримов Туркманистон — Ўзбекистон ҳамкорлигини изчил ривожлантиришга катта ҳисса қўшганини қайд этиб, Туркманистонда майдон ва кўчаларга Ислом Каримов номи берилишини маълум қилди.

Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан халқимизга ҳамдардлик билдириб, Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти ўз халқи ва Ватанига

фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунаси эканини таъкидлади. Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати натижасида Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик ва барқарорлик қарор топгани, тараққиётнинг “ўзбек модели” самарасида мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 6 баробар ўсгани ва аҳоли турмуш даражаси юксалганини алоҳида қайд этди.

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани Афғонистон ва Ўзбекистон халқлари азалдан яхши қўшничилик муносабатларида яшаб келаётганини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирди. Ислом Каримов Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганини, яқинда Тошкентда бўлиб ўтган ШҲТ саммитида Президентимиз билан учрашуви ғоят мазмунли бўлганини алоҳида таъкидлади.

Россия Федерацияси Бош вазири Дмитрий Медведев Ислом Каримовнинг оила аъзолари ва Ўзбекистон халқига Россия Федерацияси Президенти

Владимир Путин номидан таъзия билдирди. Ислом Каримов буюк давлат арбоби бўлганини, ўз халқига, Ватанига хизмат қилишни юқори даражага кўтарганини таъкидлади. Ислом Каримов Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар иттифоқчилик даражасига кўтарилишига катта ҳисса қўшганини алоҳида қайд этди.

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши бош вазири ўринбосари Чжан Гаоли Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон Республикасининг асосчиси эканини, ўтган йилларда Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланганини таъкидлади. Ислом Каримов бошлаган буюк ишлар давом этиши ва мамлакат янада равнақ топишига ишонч билдирди. Ислом Каримовнинг улкан хизматлари билан жорий йилнинг июнь ойида давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилганини, Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни изчил ривожлантиришга тайёр эканини қайд этди.

Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг халқимизга ҳамдардлик билдирилган мактубини ўқиб берди. Унда Қозоғистон халқи Ислом Каримов вафот этгани тўғрисидаги машъум хабарни чуқур қайғу билан қабул қилгани айтилган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳаётида рўй берган кенг кўламли ўзгаришлар, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи юксалгани, аҳоли турмуш даражаси ошгани бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ экани таъкидланган. Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган Ислом Каримовнинг оила аъзоларига, бутун халқимизга ҳамдардлик билдирилган.

Беларусь Республикаси Бош вазири Андрей Кобяков Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко ва беларусь халқи номидан Ислом Каримовнинг оила аъзолари, яқинларига, бутун халқимизга чуқур ҳамдардлик билдирди. Буюк инсон, улуғ Йўлбошчи бўлган Ислом Каримов бутун куч ва имкониятларини ўз халқи, Ватани равнақига сарф этганини таъкидлади. Президентимизнинг “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг” деган ҳикматли сўзлари мустақил ва қудратли Ўзбекистон Республикасини барпо этишда асос бўлганини, бугун мамлакатимиз кўптармоқли иқтисодиётга эга, тинчлик элчиси бўлган давлатга айланганини қайд этди.

Қирғизистон Республикаси Бош вазири Сооронбай Жээнбеков Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоевнинг Ўзбекистоннинг биринчи Президенти вафоти муносабати билан халқимизга чуқур таъзия билдирилган мактубини ўқиб берди. Унда буюк давлат арбоби, доно сиёсатчи Ислом Каримовнинг қатъий саъй-ҳаракатлари билан икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ва минтақавий аҳамиятга молик масалаларга ижобий ечим топилгани, бу бугунги кунда ҳам халқларимиз манфаатларига хизмат қилаётгани таъкидланган.

Мусулмончилик урф-одатларига биноан Регистон мажмуасидаги Тиллакори мадрасасида жаноза намози ўқилди.

Ислом Каримов ўзининг васиятига биноан ота-онаси мангу қўним топган Шоҳи Зинда қабристонида дафн этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, мамлакатимиз мустақиллиги ва янги давлатчилигининг асосчиси, буюк сиёсатчи, тинчликпарвар ва халқпарвар давлат раҳбари, доно ислоҳотчи ва комил инсон Ислом Каримовнинг сўнмас хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади. Бу видолашув маросимида иштирок этган ўн минглаб ватандошларимиз, бутун халқимиз дилидаги сўзлардир.

ЎзА

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мотам маросимлари ўтказилмоқда

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан Андижон вилоятининг барча туман ва шаҳарларида мотам тадбирлари ўтказилмоқда.

Эрта тонгдан корхона, ташкилот ва таълим муассасалари вакиллари, ёшлар, умуман, минглаб андижонликлар Андижон шаҳридаги Бобур номидаги майдонга келиб, Юртбошимиз портрети пойига гулчамбарлар қўйди.

Андижон аҳли вилоятдаги бунёдкорлик, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ барча эзгу ишлар бевосита муҳтарам Президентимиз номи билан боғлиқ эканини яхши билади. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Асака шаҳрида автомобиль заводи барпо этилди, вилоят, айниқса, Андижон шаҳри қиёфаси тубдан янгиланди, юзлаб замонавий таълим муассасалари, муҳташам спорт иншоотлари, маданият ва мусиқа масканлари, намунавий лойиҳалар асосида 5 мингдан зиёд уй-жой қурилди. Бунинг самарасида вилоят иқтисодиётида саноатнинг улуши тобора ортиб, аҳоли фаровонлиги муттасил юксалмоқда.

Андижон вилояти ҳокимлигида Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Хотира хонаси” ташкил этилди. Бу ерда халқимизнинг мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида эришган улкан ютуқ ва марраларини акс эттирувчи фотосуратлар, давлатимиз раҳбарининг китоблари ўрин олган. Улкан экран орқали Президентимиз Ислом Каримовнинг Андижон вилоятига ташрифлари ва андижонликлар билан самимий суҳбатлари тасвирланган видеолавҳалар намойиш этилди.

— Президентимиз Ислом Каримов номи Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилади, хотираси халқимиз қалбидан ҳеч қачон ўчмайди, — дейди “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби, ёзувчи Қамчибек Кенжа. — Чунки бу инсон ташаббуси ва раҳбарлигида мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимизда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Халқимизнинг турмуш фаровонлиги тубдан юксалди.

Вилоят марказидаги Бобур номидаги майдонда, туман ва шаҳарлар марказларида ўтказилган мотам маросимларида ўн минглаб юртдошларимиз Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига эҳтиром кўрсатди.

Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА

Халқимиз қалбида мангу яшайди

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан Нукус шаҳар Ёшлар марказида мотам маросими бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, Шимоли-ғарбий ҳарбий округи, Нукус шаҳар ҳокимлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

— Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида асрларга татигулик ишлар амалга оширилди, — дейди Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйи директори Светлана Сон. — Давлатимиз раҳбарининг болаларга меҳри бўлакча эди. Ёш авлод тарбиясига алоҳида аҳамият қаратиб, фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол улғайиши учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий шароитлар яратилди. Айниқса, етим болаларнинг бошини силаб, ғамхўрлик кўрсатиб, жамиятда ўз ўрнини топиши учун улкан имкониятлар яратди. Бунинг натижасида кўплаб тарбиячиларимиз турли соҳаларнинг етук мутахассиси бўлиш билан бирга бугунги бунёдкорлик ишларининг фаол иштирокчисига айланди. Боят чуқур қайғудамиз.

— Мен эришган барча муваффақиятлар замирида юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва биз, ёшлар учун Президентимиз томонидан яратиб берилган кенг имкониятлар мужассам, — дейди Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети магистри А.Пахратдинова. — Биз, ёшлар мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ғамхўрлигига муносиб бўламиз, давлатимиз раҳбарининг порлоқ хотирасини ҳеч қачон унутмаймиз, доимо ёдда сақлаймиз.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларида ўтказилмоқда.

Аминбой ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА

Халқимиз Президентимизнинг ёрқин хотирасини ҳеч қачон унутмайди

Буюк давлат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан Сурхондарё вилоятида ҳам мотам маросимлари ўтказилмоқда.

Термиз шаҳар Ёшлар маркази биносида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар Президентимиз хотирасига таъзим бажо келтирди.

Сурхондарё вилоятининг мустақиллик йилларида иқтисодий барқарор, саноати ривожланган ҳудудга айланиб, аҳоли турмуш даражаси муттасил юксалиб бораётгани Ислом Каримов номи билан боғлиқдир. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган туб таркибий ўзгариш ва янгиланишлар вилоятда замонавий саноатни изчил ривожлантиришга хизмат қилди. Хорижий сармоялар иштирокида ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи 50 дан ортиқ қўшма корхона ташкил этилди. “Шингдонг Спиннинг Термиз” қўшма корхонасида пахта толасидан, “Интер силк про” қўшма корхонасида пилла хомашёсидан ип-калава, “Гранд шифер” қўшма корхонасида қурилиш материаллари, “Ново Фарм” қўшма корхонасида фармацевтика воситалари, “Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш” қўшма корхонасида нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли барпо этилгани халқимизнинг азалий орзуларини рўёбга чиқарди. “Хонжиза” полиметалл рудалар кони негизида йилига 650 минг тонна руда қазиб олиш ва бойитиш қувватига эга “Хонжиза” кон-бойитиш мажмуаси ишга туширилди.

Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаган замонавий уй-жойлар қишлоқ аҳолиси учун муносиб турмуш шароити яратишда муҳим аҳамият касб этди. Вилоят маркази Термиз мамлакатимизнинг жанубдаги мустаҳкам қўрғони, замонавий шаҳарга айланди.

Фермерлик ҳаракати аграр соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида қишлоқда етакчи кучга айланиб, аҳолининг фаровон ҳаётини таъминлайдиган етакчи куч сифатида эътироф этилмоқда.

— Халқимиз оғир жудоликка учради, — дейди термизлик меҳнат фахрийси Робия Тилакова. — Ватанни севиш, инсонни, фарзандларини улуғлашни дунёга кенг намоён этган халқпарвар Юртбошимиздан айрилиб қолдик. Мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари самарасидан ёшу кекса бирдек баҳраманд бўлмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида қад ростлаган замонавий таълим муассасалари, спорт иншоотлари навқирон авлоднинг бахту камолига хизмат қилаётир. Миллий қадриятларимиз қайта тикланиб, буюк аждодларимиз мангу қўним топган муқаддас қадамжоларни авайлаб-асрашдек эзгу ишлар рўёби ҳам Ислом Каримов хизматлари самарасидир. Халқимиз Президентимизнинг ёрқин хотирасини ҳеч қачон унутмайди.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА

MILLIY TIKLANISH
37 (409) 2016 йил 4 сентябрь, якшанба

Таҳлил

Соҳалар ва ҳудудлар изчил ривожланмоқда

Бугун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг жойлардаги муайян масалаларни ҳал қилишдаги ўрни ва иштироки тобора кенгайиб, сайловчиларнинг ўз вакилига бўлган ишончи ва ҳурмат-эътибори ортиб бормоқда. Маҳаллий Кенгаш депутати ўзи сайланган ҳудуд равнақи, аҳоли турмуш фаровонлигига дахлдор ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий масалаларга ўз вақтида ечим топиш мақсадида ўз ваколатларидан самарали фойдаланишга интилмоқда.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддаси ҳамда "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонуннинг "Партия гуруҳларининг ҳуқуқлари" деб номланган 14-1-моддасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ва депутатларнинг тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти бўйича ҳисоботини ёки ахборотини маҳаллий Кенгаш сессияларида эшитиш юзасидан таклифлар киритиш ҳуқуқи белгиланган. Таъкидлаш жоиз: мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ва аҳоли ўртасида ўзаро мустаҳкам алоқани йўлга қўйишда энг таъсирчан усуллардан ҳисобланади. Унда ҳоким ва унинг ўринбосарлари, ташкилотлар раҳбарларининг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида амалга ошираётган ишлари кенг муҳокама этилади, ютуқ ва камчиликлар сарҳисоб қилиниб, келгусидаги вазифа ва йўналишлар белгилаб олинади.

Маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ушбу ҳуқуқларидан самарали фойдаланган ҳолда жойларда турли мансабдор шахсларнинг ўз фаолияти бўйича ахборот ва ҳисоботларини эшитиш ташаббусларини илгари сурмоқда. Бу эса партия сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифаларнинг жойлардаги ижросини таъминлашга, дастурий мақсадларнинг ҳаётга татбиқ этилишига, электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларнинг ҳал этилишига хизмат қилмоқда.

2016 йилнинг олти ойи давомида ЎзМТДП гуруҳлари аъзолари ташаббуси билан 317 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча юқори кўрсаткич. Партия гуруҳларимизнинг ушбу ташаббуслари ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари жойлардаги мансабдор шахслар ҳисоботини эшитиш орқали ҳудудлар тараққиёти, соҳалар ривожи, одамларни ўйлантираётган айрим масалалар ечимига ўз ҳиссасини қўшаётир, — **дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони вакиллик органларидаги депутатлик бирлашмалари билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси Аҳлиддин Жумаев.** — Депутатларимиз бу борадаги фаолияти давомида партия Марказий ҳамда ҳудудий кенгашлари билан ҳамкорликда, партия фаоллари иштирокида иш олиб бораётгани эътиборга молик. Мансабдор шахс ҳисоботи эшитувига қадар партия гуруҳларимиз, ташкилотларимиз ва экспертлар гуруҳи иштирокида тегишли соҳа ҳолати, ҳудудда олиб борилаётган ишлар, муайян маълумотлар атрофлича ўрганилади, партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинади. Бу эса эшитув жараёнида мансабдор шахс фаолиятига оид соҳани, амалга оширилган ишларни кенг муҳокама қилиш, аниқ таклиф ва тавсияларни илгари суришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ва аҳоли ўртасида ўзаро мустаҳкам алоқани йўлга қўйишда энг таъсирчан усуллардан ҳисобланади.

2016 йилнинг олти ойи давомида ЎзМТДП гуруҳлари аъзолари ташаббуси билан 317 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча юқори кўрсаткич.

Дарҳақиқат, партия гуруҳларимиз ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлар сессиялари ёхуд доимий комиссиялар йиғилишларида муайян мансабдор шахслар ҳисоботини эшитиш асосида партия ғоялари, мақсад-вазифалари илгари сурилмоқда. Масалан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи таклифи ва ташаббуси билан сессияда Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғининг 2015 йилги фаолияти ва 2016 йилда амалга оширилиши режалаштирилган ишлари юзасидан ахбороти тингланган эди. Сессияда тегишли қарор қабул қилиниб, шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамда бир қатор мутасадди ташкилотларга муайян вазифалар юклатилди. Таъкидлаш жоиз: партия гуруҳининг ушбу ташаббуси ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган камол топиб келаётган авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқишни кучайтириш, Ўзбекистон халқининг тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмаконалар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар бериш, бу йўналишда ижодий ташкилотлар, нашриётлар ва таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга кўмаклашиш сингари мақсад-вазифалар ижросида муҳим ўрин тутади.

Партия гуруҳларимиз фаолиятидаги бу каби ташаббусдан яна кўп мисол келтириш мумкин. Энг муҳими, бундай ташаббускорлик, қатъиятлилик мансабдорларнинг ўз фаолиятига масъулиятини янада оширишга, соҳалар ва ҳудудлар ривожига, дастурий вазифаларимизнинг ҳаётга татбиқ этилишига хизмат қилаётир.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП дастури — амалда

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар

партия ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда

Юртимизда кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, миллий иқтисодиётимиз ривожида муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Нурота туман кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси билан ташкил этилган "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш — ЎзМТДПнинг иқтисодий соҳадаги устувор вазифаси" мавзусидаги форумда шу хусусда сўз борди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари, партия фаоллари, депутатлар, ёшлар, ҳунармандлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

— Миллий ҳунармандчиликка эътибор — миллий анъана ва ўзлигимизга эътибордир, — деди форумда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Козим Тожиев. — Бугун мамлакатимизда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати кенг ривож топмоқда. Юртимиз қадимдан ҳунармандлар ва оилавий тадбиркорлар маскани бўлган. Партиямиз хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларга уй шароитида ҳунармандчилик, касаначилик билан шуғулланишлари учун имтиёзли кредитлар ажратилишида амалий ёрдам бериб келмоқда. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш жараёни янада такомиллашиб, кенгаяётгани, янги иш ўринлари яратилаётгани эътиборга молик.

Тадбирда миллий бозорни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш, миллий ҳунармандчиликнинг барча турлари ва сервис соҳасини ривожлантиришга кўмаклашиш каби устувор вазифаларни бажаришда партия туман кенгаши амалга ошираётган ишлар муҳокама этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Таъкидланганидек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, улар тайёрлаётган махсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислоҳотлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётир. Маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш иқтисодий барқарорликнинг муҳим омилидир. Иқтисодиёт ривожи ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш юртимизда қўшимча иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим ўрин тутади. Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ана шу жараёнларда фаол иштирок этишга, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга интилмоқда.

Форум доирасида маҳаллий уста-ҳунармандларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди. Унда каштачилик, зардўзлик, сангтарошлик, ёғоч ўймакорлиги, карвинг санъати маҳсулотлари намойиш этилди.

Кўргазмада ўз маҳсулотлари билан фаол иштирок этган ҳунармандларга партия туман кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Саодат РАЖАБОВА,
ЎзМТДП Нурота туман кенгаши раиси:

— Ҳунармандчилик миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми. Ота-боболаримиздан мерос ушбу фаолият тури мустақиллик туфайли қайта тикланди, соҳа кишилари қадр топди. ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши қошида тузилган жамоатчилик кенгаши маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва доимий равишда рағбатлантириб боришга ҳисса қўшишга интилмоқда. Кенгаш ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган тадбирларда соҳага оид амалдаги қонунчиликка киритилган қўшимча ва ўзгартишлар, тадбиркорлик субъектлари учун яратилган имкониятлар, солиқ имтиёзлари ва кредит бериш тартиби тўғрисида вилоятимиз ишбилармонларига кенг маълумот ва тушунтириш бериб келинмоқда. Бундай тадбирлар вилоятимизнинг барча туманида ташкил этилаётир. Бундан ташқари, партия ташкилотларимиз маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Миллий ҳунармандчиликнинг барча турини ривожлантириш, касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг иш билан таъминланиш даражасини ўрганиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида маданий дам олиш масканларини ташкил этиш, вилоятда туризмни ривожлантириш каби масалалар ана шулар жумласидандир. Бу саъй-ҳаракатлар вилоятимизда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш ва ёш авлодни касб-ҳунарга йўналтириш, янги иш ўринларини яратишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўралой ТУРДИЕВА,
"Milliy tiklanish"мухбири

Хроника

Фарзандлар камоли — юрт истиқболи

Тошкент шаҳри

Мамлакатимизда навқирон авлоднинг ўз танлаган соҳаси бўйича замонавий таълим-тарбия олиши ва салоҳиятини кенг намоён этиши учун барча шароит яратилган. Бунинг натижасида ёшлар юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этишга интилмоқда.

ЎзМТДП Ёшлик талабалар шаҳарчаси кенгаши ташкил этган "Истиқлолнинг янги авлоди: Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз!" мавзуидаги тадбирда шу ҳақда сўз борди.

Унда партия шаҳар кенгаши фаоллари, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" етакчилари ва Олмазор туманидаги 16-оилавий поликлиника ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

— Мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг ўз иқтидорини тўла намоён этишлари учун кенг шароит яратиб бериш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — деди ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши етакчи мутахассиси Гулноза Мустафоева. — Юртимиз ёшлари эришаётган оламшумул ютуқлар ва қўлга киритаётган муваффақиятлар бутун дунё жамоатчилигининг ҳайрат ва ҳавасига сабаб бўлмоқда. Ўғил-қизларимизнинг халқаро фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларидаги ғалабалари ҳар бир юртдошимизнинг қалбини фахру ифтихорга тўлдирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва кам бўлмаслигимизнинг ёрқин далилидир.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида етук ва малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фанни ривожлантириш ҳамда миллий маънавиятни юксалтириш йўналишларида изчил ва кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида дунё тамаддуни бешигини тебратган улуғ аждодларимизнинг муносиб издошлари тарбияланмоқда. Бундай ёшлари бор юртнинг эса эртаси порлоқ, келажаги буюкдир. Ота-боболаримизнинг бой илмий мероси нафақат биз, балки бутун башарият учун ҳам ғоят қадрли.

Шунингдек, тадбирда аҳоли маънавиятини юксалтириш, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлида қилинаётган эзгу ишлар юртимизнинг порлоқ истиқболи учун хизмат қилаётгани эътироф этилди.

Жиззах

ЎзМТДП Бахмал туман кенгаши "Соғлом авлод — келажак таянчи" мавзусида тадбир ташкил этди. Унда "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" етакчилари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳамда иқтидорли ёшлар иштирок этди.

— Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар саломатлигини асраш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш доимий эътиборда, — деди партия туман кенгаши раиси Учқун Алматов. — Бу борада ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳам партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, турли тарғибот тадбирларини амалга оширмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатларимиз орқали соғлом она ва соғлом бола масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидланганидек, соғлом фарзанд соғлом оилада шаклланади. Шундай экан, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, соғлом оила барпо этишда муҳим омилдир. Бу борада тушунтириш ишларини олиб бориш нафақат ФҲДЁ ҳамда тиббиёт ходимлари, балки педагоглар, маҳалла фаоллари ва умуман, юртимиз келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир юртдошимизнинг бурчидир. ЎзМТДП томонидан ўтказилаётган бундай тадбирлар партия сайловолди Платформасида белгиланган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни сақлаш, ўзбек халқига хос бўлган соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишга кўмаклашиш сингари дастурий мақсад-вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қашқадарё

ЎзМТДП Шаҳрисабз туман кенгаши "Музейлар — тарих кўзгуси" мавзусида тадбир ташкил этди. Унда "Ёшлар қаноти", бошланғич партия ташкилоти етакчилари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

— Миллий ўзликни англаш, қадимий ва бетакрор меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш, кенг тарғиб этишда музейлар муҳим ўрин тутади, — деди ЎзМТДП Шаҳрисабз туман кенгаши раиси Насиба Жамолова. — Музейларимиздаги ҳар бир экспонат шонли ўтмишимиздан сўзлайди, уларда қадриятларимиз, анъаналаримиз ва урф-одатларимиз мужассам. Юртимиз музейлари маънавий-маърифий илм ўчоғи сифатида изчил такомиллашиб бормоқда. Уларни янада бойитиб бориш, ўлмас, бой маданий мерос объектларини келажак авлодларга етказиш, асраб-авайлаш ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб этади.

Таъкидланганидек, ёшларнинг юртимиз тарихи ва буюк аждодларимиз меросини чуқур ўрганишида музейларнинг ўрни беқиёсдир. Шу маънода мамлакатимизда музейлар фондини бойитиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда юксак самара бераётир.

Тадбирда моддий ва номоддий меросимизни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ёш авлодни тарихимизга эҳтиром руҳида камолга етказиш, эзгу қадриятларимизнинг бардавомлигини таъминлашга хизмат қилаётгани таъкидланди. Мазкур жараёнда ЎзМТДП ташкилотлари ҳам партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, ёш авлод вакилларининг музейларга ташрифларини мунтазам уюштириш лозимлиги қайд этилди. Бу эса, ўз навбатида, ёшларда бой тарихимизга ҳурмат, миллий ғурур, ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтиришга хизмат қилади.

Сурхондарё

ЎзМТДП Ангор туман кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамкорлигида "Оила мустаҳкамлиги — юрт фаровонлиги" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

— Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, уларнинг фаровонлик даражасини янада яхшилаш борасида салмоқли, изчил ишлар амалга оширилмоқда, — деди ЎзМТДП Ангор туман кенгаши раиси Наргиза Раҳматуллаева. — Шу боис тадбирларимизда анъаналаримизни асраб-авайлаш, уни тарғиб-ташвиқ қилиш ишларини мунтазам давом эттириш, оила муносабатларини тартибга солувчи қонун ва қонуности ҳужжатларининг амалдаги ижросини таъминлаш, оилалардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда ёш, намунали оилаларни моддий, маънавий рағбатлантиришга кўмаклашишга эътибор қаратишга интиламиз. Бу партия сайловолди Платформасида белгиланган мамлакатда оилаларни мустаҳкамлаш ва оилавий қадриятларни ардоқлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини янада кўпайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларга кўмаклашиш каби устувор вазифалар билан ҳамоҳанг ва уйғундир.

Тадбирда таъкидланганидек, соғлом она ва бола — юрт бойлиги. Оила жамиятнинг асосини ташкил этар экан, ҳар бир оиланинг фаровонлиги ва бахтиёрлиги бевосита жамиятнинг барқарорлиги ҳамда гуллаб-яшнашини таъминлайди. Унда соғлом фарзанд дунёга келиши, келажакда баркамол, элюрт корига ярайдиган инсон бўлиб вояга етиши энг аввало, оилавий муҳит, ота-онанинг ҳам маънан ҳам жисмонан соғломлигига боғлиқ. Зотан, халқимиз азалдан бахтни ота-она, умр йўлдоши, фарзандининг саломатлигида, ҳар томонлама тўкис, аҳил ҳаёт кечиришида кўради.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

Кўпинча ёз фаслида кўча-кўйда чанқовбосди ичимликдан бўшаган идишни дуч келган томонга улоқтираётган киши унинг бутунлай емирилиб кетиши учун асрлар кераклигини ўйлаб ҳам кўрмаслиги рост.

Елим маҳсулот чиқиндилари

табиатга юз йиллаб зарар етказиши мумкин

Мутахассисларнинг аниқлашича, шиша буюмлар оз эмас-кўп эмас, нақ бир миллион йил "яшаркан". Чунки улар кварц қумидан ясалади ва турли таъсирларга чидамли бўлади. Бу биздан кейинги авлодлар ҳам бундай идишни ҳатто ичидаги ичимлиги билан топиб олиши мумкин дегани. Елимли халта ва идишлар эса 500 йилдан минг йилгача "умр кўради". Одатда бундай кўринишдаги чиқиндилар микроорганизмлар таъсирида парчаланмайди, шу сабабли узоқ сақланади. Ёки бўлмаса, таркибида токсик ва ацетат целлюлоза моддаси бўлган папирос қолдиғи 1 йилдан 5 йилгача ўзгармасдан туради.

Бугунги кунда дунё миқёсида чиқиндиларнинг фақат 2 фоизи қайта ишланяпти. Бир қисми ёндириб юборилса, қолгани махсус жойларда кўмилади. Ҳозирги кунда чиқиндиларнинг саккиз юздан ортиқ тури қайд этилган. Уларнинг сони келгусида янада ортиши мумкин. Бугун дунё шаҳарларида истиқомат қилувчи бир фуқарога йилига ўртача 500-800 килограмм чиқинди тўғри келмоқда. Дунёнинг деярли барча мамлакатида қаттиқ маиший чиқиндилар ҳар йили аҳоли жон бошига 1 фоизга ошмоқда.

Аксарият мамлакатларда чиқиндиларни тўплаш ва йўқ қилиш жиддий муаммога айланганига қарамай, айрим ривожланган давлатларда унинг ечими устида фаол иш олиб борилмоқда. Чиқиндиларни қайта ишлаш борасида янги технологиялар жалб қилинмоқда. Аҳоли экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган турли ижтимоий лойиҳалар амалга оширилаётир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, маиший чиқиндилар бутун дунёда арзон хомашё ҳисобланади. Ривожланган давлатлар тажрибаси унинг 85 фоизини қайта ишлаш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Европада чиқиндиларни ажратиш амалиёти ўтган асрнинг 80-йилларида йўлга қўйила бошланди. Германия бу борада етакчи мамлакатлардан саналади. Бу ерда чиқиндиларни тўплайдиган ва қайта ишлайдиган алоҳида саноат тармоғи мавжуд. Чиқиндиларни ташиш, йиғиш, ортиш, тахлаш ва саралаш тизимли равишда амалга оширилади. Бу жараённи махсус ҳарбийлашган хизмат ходимлари назорат қилишади. Немис халқининг бу соҳадаги ютуғи уларнинг азалдан атроф-муҳитга нисбатан оқилона муносабатда бўлиши, экологик муҳофаза ва инсон саломатлиги масаласига жиддий аҳамият беришидадир. Мисол учун, ҳатто пластик идишларга нисбатан ҳам немисларда ўзига хос ёндашув бор. Пластик чиқиндиларнинг экологияга зарарини яхши англаган супермаркет эгаларининг аксарияти ўзларининг дўконларига пластик идишларни қабул қилувчи автоматик қурилма ўрнатган. Ҳар бир харидор супермаркетга ўзи билан ана шундай идишларни олиб келиб, аппаратга топшириши мумкин. Ҳар бир топширилган идиш эвазига харидорга 0,25 евролик чек берилади. Ўн идиш — 2,5 евро демакдир. Мана шу чек орқали харидор магазиндан ўзи истаган маҳсулотни бемалол харид қилиши мумкин.

Нидерландияда эса чиқиндиларни саралаш дастурида фаол иштирок этганларга коммунал тўловларни тўлашда имтиёзлар берилади.

Японияда рўзғор чиқиндиларини тозалаб саралайдиган махсус технология ишлаб чиқилган. Қишлоқ жойларида ва хусусий секторда чиқиндиларни саралайдиган ана шундай механизмлардан фойдаланилади. Электрон техника воситаларини ишлаб чиқарадиган фирмалар ўз чиқиндиларини йиғиш ва қайта ишлашга мажбур. Японияда қайта ишланган чиқиндилардан қурилиш ишларида ҳам фойдаланилади.

Швейцарияда фуқаролар ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар чиқиндиларни саралашга мажбур: ойнани ойнага, қоғозни қоғозга, металлни металлга. Бу тартиб қонун воситасида назорат қилинади. Қонунни бузган жаримага тортилади. Қонун ижросини махсус ҳарбийлашган хизмат ходимлари назорат қилади. Ҳатто, ойнадан ташлаб юборилган сигарет қолдиғи ҳам улар эътиборидан четда қолмайди. Фуқаро бу хатти-ҳаракати учун суд олдида жавоб бериши ҳам мумкин. Қонунга итоаткор швейцариялик фуқаролар олдида яна бир мажбурият — сараланган чиқиндиларни қабул пунктларига етказиб бериш вазифаси ҳам бор. У ердан чиқиндилар қайта ишлаш корхоналарига жўнатилади. Бунинг учун пул тўланмайди, албатта. Бироқ фуқаролар бу билан шаҳар озодалиги ва мамлакат иқтисодиётига ҳисса қўшишади.

Бугун Швейцарияда қайта ишлаш корхоналарига фойдаланилган шиша идишларнинг 90 фоизи, босма маҳсулотларнинг деярли учдан бир қисми етказилади. Эски электрон жиҳозлар, маиший техника воситалари, қурилиш чиқиндилари қатори батарейка, ёки тирик организмлар учун хавфли саналадиган реагентлар ҳам чиқиндихонага ташланмайди. Шиша идишлар, кундалик лампалар, консерва банкалари алоҳида йиғилади. Ҳатто, чой қадоғини қаерга ташлаш борасида махсус йўриқнома мавжуд: этикетка — картонга, пакет — қоғозга, скрепка — металл идишга йиғилади. Мамлакатда бундай қатъий тартибнинг ўрнатилиши ўтган асрнинг 80-йилларида катта миқдорда чиқинди тўпланиши оқибатида экологик вазият танг аҳволга келиб қолгани билан боғлиқ. Нисбатан кичик ҳудудга эга мамлакатда чиқиндиларни ташлаш учун кенг майдон керак эди. Шу боис ана шундай экологик сиёсатга

эҳтиёж сезилган. Натижада, бугунги кунга келиб Швейцария дунёнинг экологияси энг тоза мамлакатларидан бирига айланди.

Буюк Британия аҳолисининг фикрича, рўзғор чиқиндиси масаласи иқлим ўзгаришидан кейинги энг долзарб муаммога айланган. Мамлакатда мунтазам равишда аҳолини рўзғор чиқиндиларини селлектив йиғиш жараёнига жалб этишга бағишланган кампания ва лойиҳалар амалга оширилади. Ана шундай лойиҳалардан бири "Боғлар учун чиқиндиларни қайта ишлаш" деб номланади. Унинг натижасида алюминий чиқиндилар (асосан пиво ва кока-кола идишлари)ни қайта ишлашдан тушган маблағлар эвазига ҳар йили 35 минг туп дарахт экилади.

Австралияда пиёдалар йўлакчаларида на сигарет қолдиғига, на бир қоғозга кўзингиз тушади. Жойларга ҳар бир чиқинди учун турли рангдаги қутилар ўрнатилган: қизил ранглиси одатий чиқиндиларга, сариғи қоғоз ва шиша буюмларига, яшил қути ўсимликларга, кўк рангдагиси эса тиббиёт чиқиндиларига мўлжалланган.

АҚШда чиқиндиларни қайта ишловчи 550 дан зиёд завод бор. Улар учун кунига 75 минг тонна чиқинди етказилади. Мамлакатнинг аксарият шаҳар аҳолиси чиқиндиларни ўзлари саралайди. Сўнгги йилларда бу вазифани заводлар ўз зиммасига олмоқда. Аҳоли чиқиндиларнинг талабга жавоб берадиган қисмини топширади. Мамлакатда чиқинди ёқиладиган тўқсонга яқин иссиқлик электр станцияси фаолият кўрсатаётир. Бироқ улар сони тобора камайиб бораётгани ҳам сир эмас. Бунга глобал исишга қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар сабаб бўлмоқда. АҚШда сўнгги ўн йилда чиқиндиларни камайтириш борасида ўзига хос усул жорий қилинди. Бу камхарж қадоқлар ҳамда маҳсулотлардан бир неча марта фойдаланишга қаратилган — минималлаштириш усулидир. Дастур — Reduce, Reuse and Recycle (Истеъмолни камайтириш. Қайта фойдаланиш. Қайта ишлаш) деб номланади. Федераль органлар мазкур дастур учун ҳар йили 35 миллион доллар ажратмоқда. Мамлакатда чиқинди йиғиладиган майдонлар сони ҳам йилдан-йилга камаймоқда. Буни рақамлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин: 1988 йилда улар 7,9 мингтани ташкил қилган бўлса, 1994 йилда 3,6 минг, 2005 йилда эса 1,6 мингга қисқарди.

Бугунги кунда Россияда утилизация қилинмаган ўттиз миллиард тоннадан зиёд чиқинди мавжуд. Бу кўрсаткич ҳар йили 60 миллион тоннага ошмоқда. Мамлакат табиат ресурслари вазирлигининг маълумотларига қараганда, бу ерда бир фуқарога йилига тўрт юз килограмм чиқинди тўғри келмоқда. Чиқиндиларни қайта ишлаш бозорида етакчилик қилаётган "Ростехнологиялар" давлат корпорацияси маълумотларига қараганда, мамлакатда кўмиб ташланаётган чиқиндиларнинг 40 фоизи қайта ишлашга яроқли. Бироқ маиший чиқиндиларининг тахминан 7-8 фоизи қайта ишланади, холос. Қолгани эса полигонларга юборилади. Таҳлиллар мазкур мамлакатда чиқиндини қайта ишлаш саноатини ривожлантириш орқали 2-3,5 миллиард доллар даромад олиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бугун дунё чиқинди бозори 120 миллиард долларга баҳоланмоқда.

Мавзуни мамлакатимиз миқёсида олиб қарасак, сўнгги йилларда республикамизда йилига 100 миллион тонна чиқинди ҳосил бўлмоқда. Унинг 35 миллион тоннаси маиший чиқиндилар бўлиб, улар шаҳар ва қишлоқ чиқиндихоналарига жойлаштирилмоқда. Шундан утилизация қилинадиган чиқиндилар 2 фоизни ташкил этади. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш ҳамда чиқиндиларга оид экологик сиёсат юритиш мақсадида 2002 йилда "Чиқиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинган. Қонуннинг асосий вазифаси чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтиришдан иборатдир.

Юртимизда чиқиндини қайта ишлаш борасида самарали ишлар амалга оширилаётир. Биргина Тошкент шина тиклаш заводида 1,5 минг тонна чиқинди қайта ишланади. Завод замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаган. Корхонада қайта ишланаётган шиналардан олинаётган каучукдан бир неча хил резина маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Қайта ишлаш жараёнида ажратилаётган сим "Ўзметкомбинат" очиқ акциядорлик жамиятига топширилмоқда. Тайёрланган товарлар шартнома асосида "Ўзбекистон темир йўллари", "Ўзавтосаноат" компаниялари ва бошқа корхоналарга етказиб берилмоқда.

Бухоро шаҳридаги "Махсусавтохўжалик" корхонаси чиқиндиларни саралайдиган ва қайта ишлайдиган заводни ишга туширишни режалаштирган. Ҳозир корхонада 10 та ихтисослашган "ISUZU" машинаси ва 3 та самосвал бор, ҳар ой 37 нафар ходим махсус техникалар ёрдамида 65 маҳалладан минглаб тонна чиқинди олиб чиқади.

Бугунги кунда дунё миқёсида тобора кенгайиб бораётган чиқинди уюмлари инсониятни фикрлаш, уни бартараф этиш чоратадбирларини излаш ва топишга мажбур қилаётир. Вазиятдан чиқиб кетиш йўллари бор бўлса қандай?

Мутахассисларнинг фикрича, мавжуд муаммони маҳсулотларни эҳтиёжан ортиқ ишлаб чиқармаслик, парчаланиши осон, безарар, табиий қадоқлардан фойдаланиш, чиқиндини қайта ишлаш саноатини ривожлантириш орқали ечиш мумкин. Чиқиндиларни қайта ишлаш нафақат табиий ресурсларни иқтисод қилиш, балки атроф-муҳитга ортиқча чиқинди чиқишининг олдини олишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш борасида ҳар биримизда масъулият ва эҳтиёткорлик ҳиссининг шаклланиши ҳам она табиатни асраш учун катта ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Рангин дунё

Табиат мўъжизаси

Ниагара — Африкадаги Виктория ҳамда Аргентинадаги Игуаси сингари бетакрор шаршара саналади. У АҚШнинг Нью-Йорк штати билан Канаданинг Онтарио вилоятини ажратиб туради. Баландлиги — 53, эни — 792 метр. Шаршаранинг шовқини, айниқса, кечқурун бир неча чақиримдан эшитилади. Ниагара — ҳиндулар тилида "шовқинли сув", деган маънони англатади.

Шаршара гарчи АҚШ ҳудудида жойлашган бўлишига қарамай, уни Канада ҳудудидан томоша қилиш қулай ва мароқли. Чунки Ниагара уч алоҳида — "Тақа", "Америкача" ва "Тўр рўмол" шаршараларидан иборат. Барча шаршаранинг бор гўзаллигини кўриш учун қарама-қарши томондаги Канада қирғоғига ўтиш керак бўлади.

Табиат мўъжизасининг гўзаллигини томоша қилиш учун бу ерга ҳар йили бутун дунёдан 16 миллиондан ортиқ сайёҳ келади. Бу, ўз навбатида, шаршара атрофидаги шаҳарларнинг гуллаб яшнашига сабаб бўлмоқда. Шаршара атрофида Ниагара-Фолс номи билан аталувчи иккита шаҳар қад ростлаган. Биринчиси Канада ҳудудида жойлашган бўлиб, унда 100 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. АҚШдаги шаҳар аҳолиси эса 50 мингни ташкил этади. Ёзда дарёнинг икки томонидан "Тақа" томонга теплоходлар сузади.

XIX асрга келиб шаршара минтақадаги сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган масканга айланди. Дарё устига кўприк қуриш эҳтиёжи пайдо бўлди. 1848 йилда аввалига пиёдаларга мўлжалланган, кейинроқ эса меъмор Чарльз Эллет лойиҳаси асосида осма кўприк қурилди. 1855 йилда эса Жон Рёблинг лойиҳасига мувофиқ бошқа кўприк барпо этилди. "New York Central" темирйўл компанияси Ниагара шаршарасини дам олиш ва сайёҳлик марказига айлантириш учун қулай жой сифатида реклама тадбирларини бошлаб юборди. Темирйўл қатнай бошлагач, 1886 йилда Роблингнинг тош ва ёғоч кўприги металл конструкцияли кўприкка алмаштирилди. Мазкур кўприк сайёҳларга ҳозиргача хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга унга энергия манбаси сифатида ҳам қизиқиш кучайди. 1853 йилда Ниагара гидроэнергетика ва Манифактура компанияси энергия ишлаб чиқариш мақсадида канал қуриш ҳукуқини қўлга киритди. 1881 йилда мазкур компания Жекоб Шёлькопф раҳбарлигида электростанция барпо этди.

1885 йилда Ниагара давлат Табиатни муҳофаза қилиш парки ташкил этилди. Айнан ўша йили Канаданинг Онтарио вилоятида Ниагара шаршаралари парки тузилгани эълон қилинди. Ҳар икки ташкилот Ниагара дарёси ва шаршараси атрофидаги ноқонуний қурилишларга чек қўйди.

Таҳлилчиларнинг фикрича, шу кунга қадар эррозия оқибатида шаршара ҳар йили ўртача 3 метргача жанубга чекинмоқда. Агар вазият шу тарзда давом этса, 20 минг йилдан сўнг Эри кўлига етиб бориши мумкин. Шу боис мутахассислар шаршаранинг бутунлай йўқолиб кетишининг олдини олиш учун барча чора-тадбирларни амалга ошираётир. АҚШ ва Канада ҳукуматлари эррозияни тўхтатиш тўғрисидаги "Ниагара сув битими"ни имзолади. Ниагара шаршараси атрофи давлат томонидан қўриқланадиган ҳудуд мақомига эга бўлди.

XX асрнинг биринчи ярмида автомобиль саноати ривожланиши туфайли шаршарага келувчи сайёҳлар сони янада ортди. Бироқ шаршарага яқинлашган ҳар қандай машина ўз тезлигини кескин камайтириши шарт. Яъни машиналар пиёдалар тезлигида ҳаракат қилиши лозим. Рангли чироқлар билан безатилган шаршарани тунда томоша қилиш янада мароқли. Чунки унга кўплаб рангли прожекторлар ўрнатилган. Қоронғу тушиши биланоқ чироқларнинг нурлари шаршара томон йўналтирилади ва эртаксимон манзара ҳосил бўлади. Ниагара бошқа шаршаралар сингари фаслга қараб ўзгариб туради.

Ниагара шаршараси шу пайтга қадар уч бора — 1848, 1912 ва 2015 йилларда бутунлай музлаб қолган. Бироқ бу жиҳат унинг гўзаллигига раҳна сололмайди. Зеро, шаршара нафақат ушбу ҳудуд, балки дунёнинг энг гўзал масканларидан бири ҳисобланади.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Табиий офат оқибатлари бартараф этилмоқда

Италияда зилзила талафотларини бартараф этиш ишлари давом этмоқда, дейилади "lenta.ru" сайтида.

Ампатриче шаҳрида иш олиб бораётган ўт ўчирувчилар табиий офат рўй берган кундан тўққиз кун ўтиб вайроналар остида қолган итни қутқариб олишди.

Эслатиб ўтамиз: шу йилнинг 24 август куни Италиянинг марказий ҳудудида даставвал 6, кейин эса 5,4 магнитудали ер силкинишлари юз берди. Оқибатда 294 киши ҳаётдан кўз юмди. Вайроналар остида қолган 238 киши қутқарилди. Юзлаб одамлар жароҳатланди, 2,5 минг одам уй-жойидан айрилди. Зилзила оқибатида мамлакатдаги деярли 300 меъморий ёдгорлик қисман ёки тўлиқ вайронага айланди. Зарар кўрган тарихий иншоотлар орасида X асрда бунёд этилган Сан-Жулиано ибодатхонаси, XIV–XV асрларга оид Сан-Франческо базиликаси ҳам бор.

Аматриче, Аккумоли, Пескара-дель-Тронто ва Аркуата-дель-Тронтода ҳали-ҳамон қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Касалликни аниқловчи дастур

Умео (Швеция) ва Претория (ЖАР) университети олимлари смартфон воситасида ишлайдиган янги дастур ишлаб чиқди.

Унинг ёрдамида тез ва аниқ суръатда қулоқнинг инфекцион касалликларини аниқлаш мумкин. Бунда фойдаланувчига смартфон яқиндан ёрдам беради. Дастур рақамли отоскоп смартфонга уланиши билан қулоқ пардаси шаклини таҳлил қила бошлайди.

Қулоқни текшириш учун ушбу қурилмадан доимий равишда фойдаланиш имкони мавжуд. Дастурнинг 78,7 фоиз аниқликда ишлаши эса муваффақият сифатида баҳоланмоқда.



Антиқа қувватлагич

"HP" компанияси гажетларни қувватлашга мўлжалланган 22 минг 400 миллиампер-соат сиғимли аккумуляторли юк халтаси — "Powerup Backpack"ни тақдим этди. Бу ҳақда The Verge хабар тарқатган.

Аккумулятор юк халтасининг махсус чўнтагида жойлаштирилган. Унинг ёрдамида ноутбук, планшет, смартфон ва бошқа қурилмаларни қувватлаш мумкин. Сим ва ўтказгичлар ҳам юк халтаси тўпламидан ўрин олган: улар учун кичик тешикчалар мавжуд.

Компания юк халтаси аккумулятори қуввати битта ноутбук ёки 10 смартфонни тўлиқ қувватлаш учун етишини маълум қилмоқда. Унга аккумулятор элементлари ҳароратини кузатувчи ва уларни қизиб кетишдан сақловчи махсус ҳисоблагич ўрнатилган. Шунингдек, тўпламдан аккумуляторни ёмғирдан сақловчи ғилоф ҳам ўрин олган.

Юк халтасининг буюртма бўйича нархи 199 долларни ташкил қилади ва у шу йилнинг 1 октябридан сотувга чиқарилади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

MILLIY TIKLANISH
37(409) 2016 йил 4 сентябрь, якшанба

Мозийдан садо

Тарих ва бугун уйғунлашган маскан

Музейлар юртимиз тарихига оид қадимги тошёзувлару битиклар, нодир қўлёзмалар, ноёб ашёлар, осориатиқаларни сақлаб келаётган маънавият масканларидир. Мамлакатимизда музейлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг замон талаблари даражасида иш олиб бориши учун барча шароит ва имконият мавжуд.

Амалдаги "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Музейлар тўғрисида"ги, "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунлар музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш, уларда сақланаётган ноёб экспонатларни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Самарқанд вилоятида бугун саккиз музей фаолият кўрсатмоқда. Уларда юртимизнинг бир неча минг йиллик тарихи ва маданияти, аждодларимизнинг бой илмий меросига оид 211 мингдан ортиқ ашё ҳамда маълумотлар сақланмоқда. Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий, бадиий музей-қўриқхонаси ушбу муассасалар ҳамда вилоятдаги олти тарихий обида ва икки зиёратгоҳни бирлаштирган ҳолда фаолият кўрсатаётир.

— Музейлар йўналишига мос тарихий экспонатларни тўплаш, уларни ўрганиш ва сақлашни таъминлаш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, экспозициялар тайёрлаш ва кўргазмалар ташкил этиш, ноширлик ишлари, хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик фаолиятимиз асосини ташкил этади, — дейди Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий, бадиий музей-қўриқхонаси директори Хўжақул Муҳаммадиев. — Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи учун янги бино ажратилиб, замон талаблари даражасида реконструкция қилинди. Вилоят ўлкашунослик, "Афросиёб" музейи, Мирзо Улуғбек музей-мажмуаси, Каттақўрғон, Иштихон ва Пахтачи туманларидаги тарих музейларида таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, замонавий тарзда жиҳозланди. Жумладан, Самарқанд шаҳри тарихига оид ноёб экспонатлар жамланган "Афросиёб" музейида 2014 йили хорижий мамлакатларнинг юртимиздаги элчилари иштирокида Афросиёб деворий суратларини таъмирлаш тақдимоти ўтказилган эди. Энди Афросиёб деворий суратларининг 3D шаклидаги видеофильми тайёрланди. Бундан уч йил олдин Мирзо Улуғбек музейининг виртуал кўриниши ишлаб чиқилиб, музей веб-сайтига жойлаштирилган бўлса, айни пайтда бундай ишлар бошқа музейларда ҳам амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда вилоятда фаолият юритаётган музейлардаги экспонатларни томоша қилар экансиз, кўз ўнгингизда қадим ва ҳамиша навқирон Самарқанд бутун бўй-басти билан намоён бўлади. Қадим давр маданияти, ўзбек ёзувининг пайдо бўлиши борасидаги турли манба ва адабиётлар, металлдан ясалган буюмларни "Ўзбекистонда металлга бадиий ишлов бериш санъати" бўлимида кўриш мумкин. Мустақиллик экспозициясидан Самарқандда кейинги йилларда қурилган иншоотларнинг макетлари ўрин олган. Уларда тарих ва бугунги кун ўзаро яхлит композиция ҳосил этган.

Шаҳарнинг тарихий маркази 2001 йилнинг декабрь ойида "Самарқанд маданият чорраҳаси" номинациясида ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилганлиги юртдошларимизда фахр-ифтихор ва ғурур уйғотади. Кишилик жамиятининг пайдо бўлиши, унинг ривожланиши билан боғлиқ дастлабки манбалар, тарихий ёдгорликлар коллекцияларини тўплаш, уларни амалдаги мавжуд йўриқнома ва услубий қўлланмалар талабига мувофиқ ҳужжатлаштириш, тадқиқотлар олиб бориш, қайта таъмирлаш ва илмий асосда ўрганишда жаҳон фани ютуқларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу эса музейлар фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этишда муҳим ўрин тутаётир. Музей-қўриқхона таркибидаги музейларда 1105 археологик, 669 меъморий, 18 монументал ёдгорлик, 39 меъморий лавҳада Самарқанд вилоятининг диққатга сазовор жойлари акс эттирилган.

Нуробод тумани Сазғон қишлоғида жойлашган антик даврга оид қалъа, Пастдарғом туманида жойлашган Кўрғонтепа, Нарпай тумани Кўприкбоши қишлоғида Лангартепа, Урғуч қишлоғидаги Қўштепа, Қоровултепа ва унинг яқинида жойлашган Мозорқўрғон каби ёдгорликлар юртимиз, хусусан, вилоят тарихининг нечоғлик узоқ ўтмишга эга эканини намоён этади.

Мазкур масканларда йил дастури, муҳим саналар, байрамлар муносабати билан турли кўргазма ва экспозициялар намойиш этиш анъана тусини олди. Экспозиция ва кўргазмаларда музейлар фондида сақланаётган ва жорий йилда тўпланган 500 дан ортиқ фотосурат ва ашёлар намойиш қилинмоқда. Суратларда шаҳар ва қишлоқларимизнинг собиқ тузим давридаги аҳволи ва мустақиллик йилларидаги ўзгаришлар таққосланган, халқимиз ҳаётида, турмуш тарзида рўй берган оламшумул ўзгариш ва янгиланишлар ўз ифодасини топган. Бу эса ўз навбатида, ташриф буюрувчилар, хусусан, навқирон авлоднинг яқин тарих ҳақидаги тушунчаларини янада кенгайтириш, истиқлолнинг нечоғли азиз ва қадрли эканини англаш, энг муҳими, "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" деган саволга жавоб топишига кўмаклашади.

Музейларда амалга оширилаётган бундай ишлар халқимиз, аввало, ёшларнинг юртимиз тарихи ва маданиятига оид билимларини янада бойитиш, тарих ва бугун ўртасидаги кўприкни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Хабарлар

Фарғона туманида янги спорт-техника клуби иш бошлади

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Фарғона тумани кенгашининг янги барпо этилган ўқув спорт-техника клуби фойдаланишга топширилди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш, соҳага малакали кадрлар етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Бу ёшларда интизом, қатъият, мардлик, матонат ва масъулият каби фазилатларни юксалтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳам бўлажак аскарларни армия сафларида хизмат қилишга жисмонан, маънан ва техник тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.



"Ватанпарвар" ташкилотининг Фарғона вилояти, шаҳар ва туманлар кенгашларида ҳам ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фойдаланишга топширилган ушбу ўқув спорт-техника клуби мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик байрамига муносиб туҳфа бўлди. Клубнинг ўқув хоналари замонавий ўқув-техника воситалари билан жиҳозланган, "В" ва "ВС" тоифадаги ҳайдовчилар тайёрлаш курси фаолияти учун зарур шароит яратилган.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА

Андижон давлат тиббиёт институти клиникасига 4 миллиард 195 миллион сўмлик замонавий тиббий жиҳозлар келтириб ўрнатилди.

Андижон давлат тиббиёт институти клиникасига янги жиҳозлар ўрнатилди

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини юксалтириш, тизимдаги муассасалар моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси энг сўнгги русумдаги замонавий тиббий-диагностик жиҳозлар билан таъминланиши аҳоли саломатлигини асраш ва даволаш ишлари самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

— Клиникага тақдим этилган рақамли рентген аппарати, ЭКГ, компьютер томография, биологик микроскоп, автоматлашган биохимик анализатор сингари қатор тиббий жиҳозлар аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини асраш, хасталикларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш, умуман, тиббий хизмат сифатини янада юксалтиришга хизмат қилади, — дейди Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси бош шифокори Баҳодир Раҳмонов. — Замонавий ва мутлақо хавфсиз бўлган ушбу тиббий жиҳозлар аниқ ташхис қўйиш, турли касалликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш имконини беради.



Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Эти ҳам, уруғи ҳам фойдали

Юртимизда ошқовоқнинг бир неча нави экилади.

Ошқовоқнинг 90 фоизи сувдан иборат, асосан, тўқ сариқ рангда бўлади. Таркибида фенолик ва биофлавоноид антиоксидантлар ҳамда А витаминига бой бета-каротин мавжуд. 100 грамм ошқовоқ 23 ккал озуқавий қувватга эга. Инсон саломатлиги учун ҳар куни оз миқдорда бўлса-да ошқовоқ ейиш тавсия этилади. Ошқовоқли таомларни тез-тез истеъмол қилиш юрак хасталиклари ва тез қаришнинг олдини олади. Минералларга бой ошқовоқ эти энг яхши косметик восита саналади. Унинг қирғичдан ўтказилгани ёки шарбати ёғли юзга суртилса, тери тараңглашиб, ёғсизланади. Шифокорлар пиелонефрит ва гипертоник касалликларга чалинганларга ошқовоқдан тайёрланган таомларни истеъмол қилишни тавсия этишади. Таркибида А витамини борлиги сабаб у яра ва жароҳатлар, куйиш оқибатида пайдо бўлган яллиғланишга ҳам даво. Бунинг учун ошқовоқ этини қирғичдан ўтказиб, яра устига 2-3 соат давомида боғлаб қўйиш керак бўлади. Чунки ошқовоқ ўз таркибидаги пектин толалари ёрдамида ортиқча холестерин, токсинларни чиқариб ташлайди. Ошқовоқ жигар касалликлари, буйрак ва пешоб қопи хасталиклари учун ҳам фойдали. Бунинг учун ошқовоқдан енгил ҳазм бўлувчи суюқ таомлар пиширишлозим. Қабзиятга қарши ошқовоқ шарбати тавсия этилади. Эмизикли болаларга ошқовоқ бўтқаси ва шарбати жуда фойдали. У гўдакни ич қотишдан сақлайди ва қорин дамини ҳайдайди. Ошқовоқ шарбатини олма ва сабзи шарбати билан аралаштириб истеъмол қилиш ҳам мумкин. Уни қайнатиб шарбати ичилса, йўтал ва кўкракда пайдо бўлган оғриқни қолдиради.

Ошқовоқнинг уруғи ҳам ўзи сингари фойдали. Сабаби, унинг таркибида кўп миқдорда мой, кальций ва магний маъданлари, оқсил, биологик фаол моддалар, темир, В3 ва В6 дармондорилари, шунингдек, бир қанча фойдали кимёвий моддалар мавжуд. Шунинг учун у шамоллаш ва онкологик касалликларнинг олдини олишда яхши самара беради. Қолаверса, ошқовоқ уруғи суяк тўқималарини мустаҳкамлаш, асаб толалари ва мускуллар фаолиятини яхшилаш, юрак-қон томир тизими касалликларини даволашда фойдали хусусиятга эга.

БИЛАСИЗМИ?

- Дунёда филларнинг атиги икки тури мавжуд: Африка ва ҳинд. Ҳинд филлари Ҳиндистон, Шри-Ланка, Бангладеш ҳамда Жанубий-шарқий Осиёда яшайди. Африка филлари эса Африка ва Сахрои Кабирнинг жанубий қисмида тарқалган.
- Филлар қуруқликдаги энг йирик жонивор бўлишига қарамай, сувда яхши суза олади.

ТУРФА ОЛАМ

"Ақлли" камера

Бугун шахсий турар жой биноларини қўриқлаш мақсадида ҳам махсус кузатув камераларидан кенг фойдаланилмоқда.

Айни пайтда бозорларда бу қурилмаларнинг турфа хилини учратиш мумкин.

Яқинда "Smanos" компанияси "Smart Home Camera" (уй учун ақлли камера) номли янги кузатув камерасини фойдаланувчилар эътиборига ҳавола этди. Мазкур ном ускунага бежиз қўйилмаган. Энг аввало, унинг ташқи кўриниши ўзга сайёраликлар ликопчасига ўхшаш тарзда ишланган. Қолаверса, мазкур кузатув ускунаси ёрдамида 360 даражали майдонни бемалол кузатиш мумкин.

Камера баланд жойга ўрнатилади. Бу эса унга чор атрофда бўлаётган барча жараёнларни назорат қилиш имконини беради. Қурилма уй ичига жойлаштирилганда ҳам ён-атрофни тўлиқ "кузата" олади. Бундан ташқари, камера тунда ҳам махсус ёритиш воситалари орқали ўз вазифасини тўкис бажаради. "Ақлли" қурилма уй эгасининг смартфон ёки планшетига тасвирни узатиб туриш имконига ҳам эга.

Дунёдаги энг йирик марварид

Уни топиб олиш Филлипинлик оддий балиқчига насиб этди.



Марвариднинг узунлиги — 70 сантиметр, оғирлиги — 34 килограмм. У ёстиқ ҳажмида бўлиб, оғирлиги 10-11 ёшли боланинг вазни билан деярли баравар. Мутахассислар марвариднинг нархини 100 минг долларга баҳоламоқда. Эслатиб ўтамиз, аввалги рекорд 1939 йилда топилган 14 килограммли марваридга тегишли эди.

"Palawan News" агентлигининг хабар беришича, марварид аслида бундан ўн йил муқаддам Палаван оролининг соҳилларида топилган. Балиқ овлаётган балиқчининг қайиғи лангари тасодифан йирик моллюскага илиниб қолади. Моллюска қайиқни пастга торта бошлайди. Қайиқни моллюскадан ажратиб олиш пайтида балиқчи сув устига қалқиб чиққан марваридга дуч келади. Балиқчи қандай қимматбаҳо тош топиб олганини аввал англамай, уни ўн йил давомида уйида сақлаб келди. Фақат бошқа жойга кўчаётганида туризм соҳасида фаолият юритувчи қариндоши унинг марваридлигини билиб қолади ва топилма ҳақида хабар беради.

Марварид айни пайтда Пуэрта-Принсеса шаҳридаги атриумда сақланмоқда.

Ш.ГАФФОРОВ тайёрлади.

Газетанинг навбатдаги сони 14 сентябрь, чоршанба куни чиқади

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 2 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 925, Адади — 5053. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Шаҳзод ГАФФОРОВ
Навбатчи: Аҳмад ЮСУПОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 04.15.
ЎзА якуни — 02.24.
ISSN 2010-7714
12345

VATAN TUYG‘USI HAR NARSADAN USTUN

O‘ZBEKISTON “MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

38 (410) ● 2016 йил 5 сентябрь, душанба ● Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Таъзияномалар

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан таъзияномалар келмоқда. Мазкур таъзияномаларда ушбу қайғули дамларда Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ва Ислом Каримовнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланган.

Қуйидагилар ўз таъзияномаларини йўллаган:

БМТ Бош котиби — **Пан Ги Мун**

Америка Қўшма Штатлари Президенти — **Барак Обама**

Россия Федерацияси Президенти — **Владимир Путин**

Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси — **Дмитрий Медведев**

Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири — **Сергей Лавров**

Хитой Халқ Республикаси Раиси — **Си Цзиньпин**

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири — **Ли Кэцян**

Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири — **Ван И**

Қозоғистон Республикаси Президенти — **Нурсултон Назарбоев**

Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажилиси Раиси — **Нурлан Нигматулин**

Туркманистон Президенти — **Гурбангули Бердимуҳамедов**

Тожикистон Республикаси Президенти — **Имомали Раҳмон**

Қирғизистон Республикаси Президенти — **Алмазбек Атамбоев**

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти — **Муҳаммад Ашраф Ғани**

Озарбайжон Республикаси Президенти — **Илҳом Алиев**

Беларусь Республикаси Президенти — **Александр Лукашенко**

Беларусь Республикаси ташқи ишлар вазири — **Владимир Макей**

Украина Президенти — **Пётр Порошенко**

Корея Республикаси Президенти — **Пак Кин Хе**

Корея Республикаси Бош вазири — **Хван Гё Ан**

Корея Республикаси ташқи ишлар вазири — **Юн Бён Се**

Япония Бош вазири — **Шиндзо Абэ**

Япония Бош вазири рафиқаси — **Акиэ Абэ**

Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири, парламентдаги Ўзбекистон билан дўстлик лигаси раиси — **Таро Асо**

Япония ташқи ишлар вазири — **Фумио Кисида**

Ҳиндистон Республикаси Президенти — **Пранаб Мукержи**

Туркия Республикаси Президенти — **Режеп Таййип Эрдўғон**

Туркия Республикаси Бош вазири — **Бинали Йилдирим**

Покистон Ислом Республикаси Президенти — **Мамнун Ҳусайн**

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири — **Муҳаммад Навоз Шариф**

Эрон Ислом Республикаси Президенти — **Ҳасан Руҳоний**

Сингапур Республикаси Президенти — **Тони Тан Кенг Ям**

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти — **Йоахим Гаук**

Бельгияликлар Қироли — **Филипп**

Латвия Республикаси Президенти — **Раймондс Вейонис**

Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири — **Эдгарс Ринкевичс**

Латвия Республикаси Сейми Президиуми аъзоси — **Андрей Клементьев**

Словения Республикаси Президенти — **Борут Пахор**

МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби — **Сергей Лебедев**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Котибияти КХШТ Бош котиби — **Николай Бордюжа**

БМТ Тараққиёт дастури администратори — **Ҳелен Кларк**

“МАКСАМ” компаниясининг президенти ва ижрочи директори — **Хосе Фернандо Санчес-Хунко**

Испания Археологлар уюшмаси бош котиби — **профессор Хесус Хил**

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси — **Кэролин Лэмм**

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси президенти — **Стивен Надерни**

“Туркистон — Америка ассоциацияси” раиси — **Абдулла Хўжа**

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ректори — **Виктор Гришин**

Халқаро болалар фондлари ассоциацияси Президенти — **Альберт Лиханов**

Сан Пабло университети профессори (Мадрид шаҳри), Марказий Осиё мамлакатлари бўйича эксперт — **Антонио Алонсо**

Таъзияномалар келиши давом этмоқда.

Мустақиллигимиз меъмори

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 4 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов хотирасига бағишланган маросим бўлди.

Президентимиз портрети пойига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси ходимлари, вазирлик ва идоралар жамоалари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари юксак ҳурмат бажо келтириб, гуллар қўйди.

— Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз, — деди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сунь Лицзе. — Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов мустақилликка эришиш, давлатни ҳар томонлама ривожлантириш, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди. Ислом Каримов бошлаган буюк ишлар давом этишига, Ўзбекистон янада равнақ топишига ишонамиз. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон — Хитой муносабатларини изчил ривожлантириш йўлидаги ишлари ва амалга оширган ислоҳотларини давом эттириб, ўзаро ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлайверамиз.

— Ислом Каримовнинг вафоти нафақат Ўзбекистон халқи, балки бошқа мамлакатлар, хусусан, Россия учун ҳам оғир йўқотиш бўлди, — деди Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев. — Ислом Каримов Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги иттифоқчилик муносабатлари ва стратегик ҳамкорликнинг ривожланиши ҳамда мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшди. Ўзбекистон босиб ўтган тараққиёт йўли Ислом Каримов номи билан боғлиқ экани барчамизга аён. Унинг хотираси Ўзбекистон халқи юрагида умрбод муҳрланиб қолади. Ўзбекистон халқи Ислом Каримов танлаган йўлдан оғишмай олға боришига ишонамиз. Унинг оила аъзоларига, Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

— Барчамиз қаттиқ қайғудамиз, — деди Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратлен. — Ислом Каримов оиласига ва Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз. АҚШ Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ҳамкоридир. Ўзаро алоқаларни давом эттириш тарафдоримиз. Халқингизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик ва барқарорлик тилаймиз.

— Шанхай ҳамкорлик ташкилоти номидан бутун Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдираман, — деди Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев. — Ислом Каримовни юксак ҳурмат қилар эдик. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ШҲТнинг ташкил этилиши, фаолияти кўлами кенгайишига ҳар доим алоҳида эътибор қаратар эди. Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси билан Тошкент шаҳрида ташкил этилган ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси 13 йилдан буён муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган қайғунгизга шерикмиз.

Нигоҳларида қатъият, ишонч ва меҳр балқиб турган Ислом Каримовнинг суратига қараб, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон буюк Президентимиз амалга оширган эзгу ишлар — халқимиз учун дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитлар яратилгани, қудратли давлатчилигимиз барпо этилгани, давлатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлганини яна бир бор ҳис қилиб, буларни кўз қорачиғидек асраш, бошланган эзгу ишларни давом эттиришга масъул эканини теран англамоқда.

— Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон тараққиёти, халқимиз манфаати йўлида амалга оширган ишлари, ислоҳотлари йиллар оша қадри ошиб боришига шубҳа йўқ. Бу инсоннинг хотирасини нафақат бугунги, балки келажак авлодлар ҳам мустақиллигимиз меъмори сифатида юксак қадрлайди. Ислом Каримов — тинчликпарвар сиёсатчи, буюк давлат асосчиси сифатида жаҳон тарихида ўчмас из қолдирди, — деди пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Навоий номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Саъдулла Насриддинов.

—Президентимизнинг “Бизга тинчлик ва омонлик керак” деган эзгу даъвати Ўзбекистон оналарининг дилидаги, тилидаги орзу-нияти бўлиб келган, — деди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси марказий кенгаши раиси ўринбосари Мухлиса Акромова. — Ана шундай эзгу мақсадларни рўёбга чиқарган Ислом Каримов юртимизда миллатлар ва фуқароларо ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини қарор топтирди, мустаҳкамлади. Бу барқарор муҳит юртимизда барча соҳаларда юксак ютуқ ва натижаларга эришилишига пухта замин яратди. Биз буни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, келажак авлодимизга тинч ва обод Ватан қолдириш йўлида фидойилик кўрсатишимиз шарт.

— Президентимиз Ислом Каримов биз, ёшларни фарзандларим, деб атаганларидан доим фахрланганмиз, — деди Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети 2-босқич талабаси Омонулла Собиров. — “Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз”, деган даъватлари бизни доим олға интилишга ундайди. Юртбошимизнинг пок руҳи, ўгитлари биз, ёшларга мустаҳкам таянч бўлади. Биз у кишининг муносиб издошлари бўлишга ваъда берамиз.

Норгул АБДУРАИМОВА,
Беҳзод БОЗОРОВ,
Оқил ҒУЛОМОВ (сурат),
ЎзА

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан Фарғона вилоятининг барча туман ва шаҳарларида ҳам мотам тадбирлари ўтказилмоқда.

Буюк шахслар мангу яшайди

Эрта тонгдан корхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари, ёшлар, умуман, минглаб фарғоналиклар Фарғона шаҳридаги Театр концерт саройи хиёбонига келиб Юртбошимиз портрети пойига гуллар қўйди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида Фарғона вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Иқтисодиёт тармоқлари чуқур ислоҳ қилиниб, ҳуқуқий-ташкилий, техник ва технологик жиҳатдан янгиланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида яратилаётган имтиёзлар, инвесторлар, хусусан, чет эллик сармоядорларнинг қўллаб-қувватланиши натижасида маҳаллий хомашёдан сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда вилоятда 150 дан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда қадимий Марғилон ва Қўқон шаҳарларининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб, ҳар томонлама кўркам ва замонавий қиёфа касб этди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 15 ноябрдаги “Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида бу ерда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Замонавий таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари, стадионлар, ишлаб чиқариш корхоналари, йўл ва кўприклар, хиёбонлар барпо этилди.

Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк алломаларимиз номи ва мероси қайта тикланиб, юбилейлари жаҳон миқёсида кенг нишонлангани ҳам Юртбошимизнинг тарих ва маънавиятга бўлган юксак эътибори ифодаси бўлди.

Ислом Каримовнинг Фарғонага, фарғоналикларга меҳр-муҳаббати бошқача эди. Фарғона аҳли ҳам Юртбошимизни қадрлар ва ардоқлар эди.

— Халқимиз буюк давлат арбоби бўлган суюкли Йўлбошчисини доим қалбида мангу сақлайди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Манзура Мадалиева. — У киши мустақил Ўзбекистон давлатига асос солди ва буюк тараққиёт йўлига олиб чиқди. Ислом Каримов ўзига қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйди. Бу улуғ инсон одамлар меҳрини қозонди, қалбидан чуқур жой олди. Президентимизнинг халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширган беқиёс ишлари тарих саҳифаларига абадий муҳрланади.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА

Ҳамиша барҳаёт сиймо

Қорақалпоғистон Республикасидаги таълим муассасаларида янги ўқув йилининг илк дарси Президентимиз Ислом Каримов хотирасига бағишланди.

Нукус шаҳридаги 37-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида янги ўқув йилининг бошланганидан дарак берувчи биринчи қўнғироқ чалинди. Ўқувчилар мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов портрети пойига гуллар қўйиб, хотирасига таъзим бажо келтирди.

Ушбу таълим масканида 1 минг 900 ўқувчи таҳсил олмоқда. Жорий ўқув йилида 324 бола биринчи синфга қабул қилинди.

“Хотира дарслари”да Президентимизнинг ҳаёт йўли, асарлари, оталарча ғамхўрлиги туфайли ёш авлод тарбиясига қаратилган юксак эътибор самаралари ҳақида батафсил маълумот берилди. “Келажак бизники, марра бизники!” номли видеоролик намойиш этилди.

Мактабнинг 9-синф ўқувчиси Айсенем Давлетназарова “Орзуларингиз қанот” танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида биринчи ўринни эгаллади. Унинг синфдоши Асадбек Султонов Беларусь давлатида ўтказилган “Золотая пчёлка” халқаро танловида опера йўналиши бўйича ғолиб бўлиб қайтди. 9-синф ўқувчиси Дилфуза Салиева ва 8-синф ўқувчиси Муҳаббат Давлетбоева бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпионатида биринчи ўринга сазовор бўлди.

— Ўқитиш жараёни илғор педагогик технологиялар асосида, интерфаол усулларда олиб борилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Ойсулув Тажимуратова. — Ўтган ўқув йилида ўтказилган фанлар олимпиадаси ва билимлар беллашуви рейтинг натижаларига кўра, Қорақалпоғистон Республикасида 3-ўринни эгаллаб, мамлакат бўйича кучли йигирматаликка кирдик. Фанлар олимпиадасида 4, билимлар беллашувида 9 ўқувчимиз Қорақалпоғистон ва мамлакат босқичида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллади. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг таълим соҳасига қаратган юксак эътибори, ёш авлод тарбиясига бўлган ғамхўрлиги самарасидир.

Аминбой ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА

MILLIY TIKLANISH
38 (410) 2016 йил 5 сентябрь, душанба

Депутат минбари

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш олий мақсад қилиб қўйилди. Ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири эса жамият ва давлат ҳаётида қонун устуворлигининг сўзсиз тан олиниши, жамият аъзолари ўртасида юзага келадиган барча муносабатда қонунга итоат ва ҳурмат руҳининг мавжудлигидир. Шунингдек, ҳар бир давлат хизматчиси ўз фаолияти доимий назорат остида эканини чуқур ҳис этиши ҳуқуқий демократик жамият қуришнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Чунончи, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари зиммасига қонун билан юклатилган вазифаларнинг қай даражада бажарилаётганлиги устидан назоратни бошқа орган эмас, балки айнан жамоатчилик олиб бориши муҳим аҳамият касб этади.

Жамоатчилик назорати — демократик институт

унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда

Маълумки, 2014 йилда Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ жамоатчилик назорати институти жорий этилиб, конституциявий мақомга эга бўлди. Бу эса, ўз навбатида, жамоатчилик назорати борасида махсус қонунни қабул қилишга ҳуқуқий замин яратди.

Айтиш жоиз, жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида миллий тажриба, яъни бугунги кунда қонунчилигимизда жамоатчилик назорати билан боғлиқ мавжуд нормалар, мутахассисларнинг назарий-амалий қарашлари ҳамда хорижий давлатлар тажрибаси атрофлича ўрганилиб, таҳлил этилди. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг у ёки бу шаклини назарда тутувчи қоидалар республикамизнинг 100 дан ортиқ амалдаги қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида", "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун ҳужжатлари ана шулар жумласидандир.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш соҳасида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш бўйича ишчи комиссия тузилиб, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳасининг мақсади — давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш. Хўш, бундай назоратни ким амалга оширади? Ушбу саволга жавоб сифатида қонун лойиҳасида 4 субъект санаб ўтилмоқда. Булар, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларидир.

Қонунда жамоатчилик назорати объектининг тушунчаси аниқ белгиланмоқда. Унга кўра, қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, қарорлар, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамият манфаатлари ҳамда жамоатчилик фикрининг ҳисобга олиниши, жамият, фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилишини таъминлаш, улар зиммасига юклатилган жамият манфаатларига дахлдор вазифаларнинг самарали амалга оширилиши, сифатли давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасидаги битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларнинг амалга оширилиши жамоатчилик назоратининг объекти ҳисобланади.

Қонун лойиҳасида жамоатчилик назоратининг 8 шакли санаб ўтилмоқда. Улар давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар юбориш, уларнинг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, эшитуви, мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг ҳисоботини эшитишдан иборат. Таъкидлаш жоиз, жамоатчилик назоратининг айрим шакллари бугунги кунда амалиётда қўлланилаётган бўлсада, бироқ қонунларда уларнинг ҳуқуқий таърифлари ва амалга ошириш механизмлари очиб берилмаган. Шу сабабли тайёрланган қонун лойиҳасида жамоатчилик назорати шаклларининг таърифи ва амалга ошириш механизмлари кўрсатиб ўтилмоқда. Масалан, жамоатчилик муҳокамасига ижтимоий муҳим масалаларни, шунингдек, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини оммавий тарзда муҳокама қилиш сифатида таъриф берилган. Жамоатчилик эшитувлари эса давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятига доир, ижтимоий аҳамиятга эга ёки фуқаролар, юридик шахслар, жамият манфаатларига дахл қилувчи масалаларни муҳокама қилиш мақсадида ташкил этиладиган мажлис ҳисобланади. Жамоатчилик муҳокамалари ва эшитувлари очиқ-ошкора ўтказилади. Муҳокама ва эшитув иштирокчилари ўз фикрларини эркин баён этиш ҳамда кўтарилган масалалар юзасидан таклифлар беришга ҳақли ҳисобланадилар. Жамоатчилик муҳокамалари оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет тармоғи орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

Қонун лойиҳасида жамоатчилик назорати борасида ҳар иккала ижтимоий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Унга кўра, жамоатчилик назорати субъектлари назоратни амалга ошириш давомида тадбирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқиш, давлат органларидан зарур ахборотларни қонун ҳужжатларига мувофиқ сўраб олиш, жамоатчилик назорати натижалари бўйича таклиф-тавсиялар тайёрлаш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун тегишли давлат идораларига, ҳуқуқ ва манфаатлар бузилиши аниқланган ҳолатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш ҳуқуқларига эга. Шунингдек, давлат органларининг ноқонуний қарорлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи орган, мансабдор шахс ёхуд бевосита судга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши, жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилиши мумкин.

Қонун лойиҳасида жамоатчилик назорати амалга оширилаётганда давлат органларининг мажбурияти нимадан иборат эканлиги ҳам аниқ кўрсатилган. Бу борада давлат органларига қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолат ва тартибда ўз фаолияти тўғрисидаги умумаҳамиятга эга ахборотни жамоатчилик назорати субъектларига тақдим этиш, жамоатчилик назорати субъектлари юборган мурожаатлар ва сўровларни белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқиш, уларга жавоб қайтариш, сўралаётган ахборотни тақдим этиш (давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар бундан мустасно) ва бошқа мажбуриятлар юклатилиши мумкин.

Мухтасар айтганда, жамоатчилик назорати институтини ҳуқуқий жиҳатдан мукаммал тартибга солиш инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан кафолатланганлигини, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор аҳамиятга эгалигини таъминлайди. Мазкур қонун лойиҳаси давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати каби конституциявий меъёрни амалга ошириш механизмини аниқ белгилаб беради. Шу билан бирга, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг амалдаги рўёбини ўзида мужассам этади.

"Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ўз мазмунмоҳияти, аҳамияти билан ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларига уйғун ва ҳамоҳангдир. Партия ғояларини, сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда жамоатчилик назорати институти муҳим ўрин тутади. Шунингдек, партия аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга кўмаклашиш, уларнинг жамоатчилик назоратини олиб борувчи субъект сифатидаги вазифа ва масъулиятини амалга оширишларига ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

Жаҳонгир ШИРИНОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Тадбир

Юрт тинчлиги — олий саодат

Инсон дунёга бахтли яшаш учун келади. Бундай саодатга фақат тинч, хотиржам ва осойишта ҳаёт орқали эришиш мумкин. Инсон бахти ва иқболи учун зарур моддий ва маънавий неъматларнинг асоси ҳам тинчлик ва осойишталикдир. Тинчлик барқарор юртдагина инсон эзгу орзуларни кўнглига туғиши, орзулари, ўз иқтидори, қобилияти ва салоҳиятини тўла намойиш этиши мумкин.

ЎзМТДП Хива туман кенгаши ташкил этган "Юрт тинчлиги — олий саодат" мавзуидаги тадбирда шу ҳақда сўз борди.

Унда партия туман кенгаши ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ходимлари, ўқитувчи-мураббийлар, ёшлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

— Тинчлик ва осойишталик ҳукм сураётган юртда яшаётганимизга доимо шукр қилишимиз лозим, — деди партия туман кенгаши раиси Музаффар Отажонов. — Обод турмушимизга, тинч, фаровон ҳаётимизга қўплаб давлат фуқаролари ҳавас билан қарашади. Маҳалламиз гузаридаги савдо шохобчалари, темирчилик устахонаси, новвойхона, тикувчилик цехи ва бошқа сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари хизматидан барча мамнун. Ҳалол меҳнат эвазига топилган даромад ҳисобидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган енгил машиналар олаяпмиз, тўйлар қилаяпмиз. Буларнинг барчаси юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг самарасидир.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда олиб борилаётган тинчликпарвар сиёсат узоқни кўзлагани ва оқилона эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаётир. Юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, барқарор ривожланишни изчил давом эттиришда ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиши лозимлиги эътироф этилди.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish"
мухбири

Ташаббус натижа берди

Миздакхон қалъа

очиқ осмон остидаги музейга айланади. ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан халқ депутатлари Хўжайли туман кенгаши сессияси бу борада қарор қабул қилди

Юртимиз ўзининг бой тарихи, шонли ўтмиши, буюк алломаларию муаззам шаҳарлари билан дунё жамоатчилиги, илм аҳли ва сайёҳларни жалб этиб келмоқда. Мамлакатимиз ҳудудида жами 7 минг 345 моддий-маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, шундан 4 минг 124 таси археология, 2 минг 277 таси архитектура объектлари, 657 таси монументаль санъат асарлари, 287 таси диққатга сазовор жойлар ҳамда 53 таси номоддий маданий мерос объектлари ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида бой маданий меросимиз, тарихий обидаларимиз, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Узоқ ўтмишимиз, бой тарихимиздан дарак берувчи масканлар тарихини ўрганиш, тарғиб қилиш, уларга сайёҳлар ҳамда ёшларни кенг жалб этиш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида мавжуд маданий ёдгорликларни, Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осори атиқалар сифатида асраб-авайлаш, қайта таъмирлаш, тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни асраш билан бирга бойитиш ҳамда уларни янада кўпайтиришга кўмаклашиш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Шу боис, партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари ўз фаолияти давомида ушбу масалаларга устувор аҳамият қаратмоқда, тарғибот тадбирларида юртимиз тарихи, бой маънавий, маданий мероси, буюк алломаларимиз даҳоси, айниқса, ёшларга кенг тушунтирилмоқда.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳларининг ташаббусларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Яъни, 2016 йилнинг ўзида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ ўндан ортиқ ташаббус-масала партия гуруҳларимиз томонидан сессиялар кун тартибига киритилди ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилиниб, жойларда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида ЎзМТДП гуруҳлари ташаббуси билан "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг ҳудуддаги ижроси кенг муҳокама қилинмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ўзига хос табиий иқлим шароити, бой ўтмиши, тарихий қалъа ва тепаликлари, қадимий ёдгорликлари билан сайёҳларни ўзига жалб этиб келади. 2012-2014 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги моддий маданий мерос обидаларини тўлиқ қайта рўйхатдан ўтказиш ишлари амалга оширилди. Ҳудуддаги 245 маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олинган бўлиб, улардан 46 таси меъморий, 117 таси археологик ёдгорлик ва 82 таси монументаль санъат асаридир. Қорақалпоғистоннинг турли ҳудудларида жойлашган Миздакхон қалъа, Тупроққалъа, Аёзқалъа, Жамбасқалъа, Бозорқалъа, Қумбасқан қалъа, Қўйқирилган қалъа, Чилпиқ каби қадимий ёдгорликлар, Султон Увайс бобо мажмуаси, Чинор бобо ва Валий ота, Довуд ота зиёратгоҳлари истиқлол йилларида қайта таъмирланиб, ободонлаштирилди. Ушбу масканларга ташриф буюрувчилар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Халқ депутатлари Хўжайли туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг тумандаги ижросини таъминлаш борасида Кенгаш сессияси кун тартибига ташаббус-масала киритди. Сессияга қадар тумандаги маданий мерос объектлари ҳолати ўрганилиб, таҳлил қилинди. Жумладан, туман ҳудудидаги Миздакхон қалъа тарихий археологик мажмуаси ва унинг таркибидаги Нозимхон сулув сингари қатор мақбаралар ва қалъалар муҳофазасига эътиборни янада кучайтириш зарурати ўрганилди.

Сессия йиғилишида халқ депутатлари Хўжайли туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Ҳожибой Отажонов маъруза қилди. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Ж.Джемуратов мазкур қонун ижросини таъминлаш бўйича ҳудудда олиб борилаётган ишлар хусусида ахборот берди. Ушбу масала депутатлар ва мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида қизғин муҳокама қилинди, таклифлар билдирилди. Қайд этилган фикр ва таклифлардан келиб чиқиб, сессия қарор қабул қилди. Унга кўра, туман ҳокимлиги, туман маданият ва спорт ишлари, ободонлаштириш бўлимлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар биргаликда туман даги барча маданий мерос объектлари ҳолатини ўрганиб чиқиб, уларни муҳофаза қилиш, сақлаш, фойдаланиш, қайта таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш, чегараларини белгилаш, давлат кадастридан ўтказиш ишларини амалга ошириши лозимлиги белгиланди. Жумладан, Миздакхон қалъа тарихий археологик мажмуаси давлат муҳофазасига олингани ҳисобга олиниб, унинг ҳудудидан фойдаланишга чек қўйиш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишт ҳудудий давлат инспекциясига объектга олиб борадиган йўл бўйида ва унга кириш жойидаги ёзувларни қайта тартибга келтириш ва ўрнатиш, ён-атрофини ободонлаштириш, манзарали дарахтлар ўтқазиш ҳамда соҳага оид қонунчилик ижросини назорат қилиш вазифаси юклатилди. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ва бошқа тегишли ташкилотлар Миздакхон қалъа тарихий археологик мажмуаси атрофини ободонлаштириш масаласини ҳал этиш ҳамда ерости сувлари таъсирини камайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни кўриши таъкидланди.

Туман ҳокимлиги зиммасига ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси билан биргаликда Миздакхон қалъа тарихий археологик мажмуаси ҳудудида этно-археологик қидириш ишларини ташкил этиш вазифалари юклатилди. Шунингдек, туман хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" жамғармаси туман бўлими, "Камолот" ЁИҲ туман кенгашига ўзаро ҳамкорликда ёшлар ўртасида маданий мерос объектлари тарихи, аҳамияти борасида тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш вазифаси топширилди.

Таъкидлаш жоиз, сессия қарорида белгиланган вазифалар ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифалари ижросига хизмат қилади. Зеро, партия миллий ўзликни англаш, миллий-маънавий тикланиш жараёнида фаол иштирок этиш, бу борада аждодларимизнинг ақлу закоси, илму тафаккури ҳосиласи бўлган минглаб моддий ва номоддий маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, бойитиш, Ватанимиз тарихини чуқур ўрганиш ҳамда ёш авлод вакиллари ўртасида кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Партия ташкилотлари ва депутатларимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ёш авлод вакилларида миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғуларининг мустаҳкам қарор топишида, "Биз ким эдик ва бугун қандай даражага эришдик, қандай бебаҳо қадриятларга ворисмиз?", деган саволларнинг жавобини чуқур англаб етишларида муҳим аҳамият касб этади.



Қорақалпоғистон ҳудудидаги 245 маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олинган бўлиб, улардан 46 таси меъморий, 117 таси археологик ёдгорлик ва 82 таси монументаль санъат асарларидир

Ҳўжайли туманидаги Миздакхон қалъа тарихий археологик мажмуасини очиқ осмон остидаги музейга айлантириш тўғрисидаги таклифлар маъқулланиб, уни ободонлаштириш ва тарғиб этиш борасида муайян вазифалар белгиланди

Ҳожибой ОТАЖОНОВ,
халқ депутатлари Хўжайли туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— ЎзМТДП сайловолди Платформасида тарихий-маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш, уларнинг аҳамияти, тарихини ўрганиш ва тарғиб этишга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ушбу дастурий вазифалардан келиб чиқиб, туманимиздаги маданий мерос объектлари ҳолатини батафсил ўргандик, ўз таклифларимизни билдирдик. Таъкидлаш жоиз: партия ташкилотларимиз билан биргаликда "Юртим тарихини ўрганаман" шиори остида "Тарихдан садо берувчи обод гўшалар" ёшлар акциясини янада кенгроқ, фаол ёшлар иштироки ва ташаббускорлигида мунтазам ўтказишимиз лозим.

Сессияда Миздакхон қалъа тарихий археологик мажмуаси ҳудудини ободонлаштириш ҳамда уни очиқ осмон остидаги музейга айлантириш тўғрисидаги таклифлар маъқулланди. Умуман, бу каби таклифлар ҳамда қарорда белгиланган вазифалар ЎзМТДП ғоя ва мақсадлари билан ҳамоҳанг, дастурий вазифаларимизнинг амалдаги рўёбига хизмат қилиши билан эътиборга молик.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Сана

Мустақил юртнинг муаззам майдони

Куни кеча қалбларимизни ларзага солган оғир жудоликдан ўзимга кела олмадим. Кўнглим ҳувиллаб қолди. Бир илинж истаб мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонига бордим. Майдондаги ҳар бир деталга синчиклаб разм соламан. Давлатимиз раҳбарининг "Биздан обод ва озод Ватан қолсин!" деган эзгу мақсадлари ижобати кўз ўнгимда гавдаланади.

Бундан 25 йил муқаддам — 1991 йил 5 сентябрда мамлакатимизнинг бош майдонига Мустақиллик майдони номи берилган

Дарҳақиқат, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда олиб борилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари мана шу майдондан бошланган десак, хато бўлмайди.

...Эзгулик аркаси қаршисидаман. Тинчлик, осойишталик, хотиржамлик дарвозаси сифатида қад ростлаган бу иншоот халқимизнинг ғурури каби юксак. Парвозга шайланаётган турналар халқимизнинг буюк орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш йўлидаги юксак интилишлари, қатъияти ва иродаси, оқ лайлаклар эса тинч ва осуда ҳаётимиз, фаровонлик ва қут-барака тимсолларидир. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари мамлакатимиз ривожи учун пойдевор бўлаётган бақувват таянчлар ифодасидир. Бу остонадан ўтадиган ҳар бир инсон муқаддас даргоҳга қадам қўяётганини ҳис қилади. Майдон ҳамиша яшнаб, барқ уриб турадиган кўкаламзорлари, етти иқлимдан келтирилган анвойи гулу буталари, манзарали дарахтлари билан кўзни қувонтиради.

Президентимиз Ислом Каримов 2005 йил 28 декабрда Мустақиллик майдонида янги барпо этилган монумент пойига илк бор гулчамбар қўйган эди. Майдонда мустақиллигимизнинг дастлабки йилида қад ростлаган Мустақиллик ва эзгулик монументи олдида фарзандини бағрига босиб, унга ишонч билан термулиб турган Бахтиёр она ҳайкали бунёд этилди. Бундан мақсад халқимизнинг орзу-интилишларини теран ифода этиш, ёшларимизнинг маънавий оламини эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтиришдан иборатдир. Монумент ўз меъморий ечими, ғоявий-бадиий мазмуни билан Ўзбекистон танлаган йўл — Мустақиллик йўлининг таъсирчан ифодасига, асрий қадриятларимизнинг яққол намоёнига айланди.

Икки қатор қилиб экилган ям-яшил арчалар орасидаги йўлаклар Бахтиёр она ҳайкали томон олиб боради. Ҳайкал пойида бош эгаман. Бахтиёр она — она Ватан рамзи. Бу буюк тушунчанинг айнан она сиймоси орқали ифодаланиши, мамлакатимиз бош майдонида Бахтиёр она ҳайкалининг барпо этилиши онага, аёл зотига ҳурмат-эҳтиром нақадар юксак эканидан далолат. Чунки инсоннинг маънавияти ва дунёқарашини шакллантирадиган мезонлар она бағрида, оила муҳитида куртак ёзади. Онани ардоқлаш, меҳр-муҳаббатига яраша эъзоз ва эътибор кўрсатиш Юртбошимизнинг диққат марказидаги масалалардан эди.

Сал нарида невараси билан нуроний отахон кўринади. Отахон ҳар бир иншоот ҳақида батафсил гапириб бермоқда: "Бу Ер шари тасвири. Унинг марказида Ўзбекистон харитаси жой олган, у Мустақиллик ва эзгулик монументи деб аталади...".

Отахон тўхтаб атрофга назар солди. Неварасининг бошини силаб сўзида давом этди: "Илгари бу жойлар "Қизил майдон" деб юритилган. Ёзнинг жазирамасида оловдек қизиб ётган бетондан иборат маскан энди ўйлаб кўрсам ўша тузумнинг кичкина намунаси бўлган экан".

Дарҳақиқат, ҳар бир жой номига муносиб бўлади. Мустақиллик майдонининг кўрки ва тароватидан юртимиздаги ободликнинг нафаси келиб турибди.

Умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимларда, спортчиларимизни халқаро мусобақаларга кузатиш чоғида ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументини зиёрат қилиш яхши анъанага айланган. Мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий давлатлар раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари ҳам давлатимизга бўлган ҳурматини ушбу монумент пойига гул қўйиш орқали ифода этади.

Қуёш порлаб, майин эсаётган шабада дилларни тетиклаштиради, майсалар оҳиста тебранади, майдондаги ям-яшил арчалар, турфа гуллар кўзни қувонтиради. Юрагимдаги ажиб сокинликни, унинг замиридаги тинчлик ва осойишталикни янада теранроқ ҳис этгандек бўламан.

Қуёш нурида жилоланувчи фавворалар кўнгилга мусаффолик бахш этди. Фавворалар нафақат тинч ва осойишта ҳаётимиз, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг ёркин ифодасидир. Фавворалар ансамбли меъморий услуби ва кўлами жиҳатидан атрофидаги маъмурий биноларга кўркамлик бағишлайди. Ҳароратни мўътадиллаштирибди.

Мотамсаро она ҳайкали томон юраман. Онанинг қиёфаси кишини маъюс торттиради. Бу она қиёфасида Иккинчи жаҳон урушига кетган 1,5 миллион эр йигитнинг қайғуси мужассам. Ўша йиллари йиғлайвериб, кўз ёшлари қуриган меҳрибон она фарзандидан, аёллар суянчиғидан, опалар укасидан, сингиллар акасидан ажралганининг тимсоли бу.

Хотира хиёбонидаги зарҳал "китоб"ларда номлари қайд этилган ярим миллион аскарнинг руҳи мусаффо осмонимиз узра учиб юргани аниқ. Улар мотамсаро онага "Дард чекма она, энди фарзандларинг уруш деган балога йўлиқмагай" деяётгандек гўё.

Ўриндиқда қўлларини дуога очиб ўтирган онахонга кўзим тушди. Беихтиёр мен ҳам юзимга фотиҳа тортдим. Салом бериб, ёнига ўтирдим.

— Отамнинг қабри қаердалигини билмайман, — деб гап бошлади ўзини Муҳрима Шотурсунова деб таништирган онахон. — Уруш йиллари беш ёшда эдим. Отамнинг дийдорини аниқ эслайман. Кейин аскарлик пайтида тушган суратларини юборган. У даврларда инсоннинг қадри ҳам йўқ экан-да. Қаерда вафот этган, қандай вафот этган, дафн қилинганми-йўқми, буниси қоронғу. Отамни соғинганда шу ерга келиб, ҳаққига дуо қилиб тураман.

Онахон ўрнидан қўзғалар экан чуқур нафас олиб, "Номингдан айланай, тинчлик! Тинчлик бор жойда ҳаловат бўлади, тўйлар бўлади, тинчлик бор жойда уйлар қурилади. Тинчликни асраш, қадрига етиш керак", деди.

Мустақиллик майдонидан чиқарканман, отасининг қўлидан ушлаб боғчадан, онасининг ёнида мактабдан қайтаётган, футбол майдонида шодон тўп тепаётган, анҳорда чўмилаётган, спорт анжомлари ё чолғу асбобини елкалаб олган болаларни кўриб, дилим яйрайди. Юртбошимизнинг эзгу ишларини ёшлар, қолаверса, шу болажонлар давом эттиражак.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎзА

Бизнинг шарҳ

Табиий офат сабаби

Шу йилнинг 24 август куни Италиянинг марказий ҳудудида даставвал 6, кейин эса 5,4 магнитудали кучли ва давомий зилзилалар содир бўлди. Ўчоғи тахминан 4-10 километр ер қаърида бўлган зилзила Венециядан Неаполгача бўлган кенгликка қадар сезилди.

Мамлакат фуқаро муҳофаза хизматининг маълумотларига қараганда, айни пайтга келиб табиий офат уч юзга яқин инсоннинг умрига зомин бўлгани, жароҳатланганлар тўрт юз, бошпанасидан айрилганлар сони эса уч мингга етгани айтилмоқда. Зилзила асосан Лацио, Умбрия ҳамда Марке вилоятларини қамраб олди. Ер силкинишлари Рим, Флоренция ҳамда Болония шаҳарларида ҳам сезилган. Табиий офатдан асосан Аматриче ҳамда Аккумули (Риети вилояти) аҳоли пункти кўпроқ талафот кўрди. Хусусан, Аматриче шаҳрининг маркази бутунлай вайронага айланди. Шаҳар электр таъминоти бутунлай узилиб қолди, сув таъминоти издан чиқди. Мамлакатда зарар кўрган тарихий меъморий ёдгорликлар орасида X асрда бунёд этилган Сан-Жулиано ибодатхонаси, XIV-XV асрларга оид Сан-Франческо базиликаси ҳам бор. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, табиий офатнинг мамлакат иқтисодиётига етказган зарари 1 миллиард доллардан ошди. Зилзила оқибатларини бартараф этиш мақсадида қутқарувчилар Аматриче, Аккумоли, Пескара-дель-Тронто ва Аркуата-дель-Тронтода ҳали-ҳамон қидирув-қутқарув ишларини давом эттирмоқда. Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли вайроналар остида қолган 238 киши қутқарилди.

Бироқ куни кеча Италиянинг марказий қисмида яна 4,5 магнитудали ер силкиниши қайд этилди. Европа-Ўрта ер денгизи сейсмология марказининг маълумотларига кўра, зилзила ўчоғи Рим шаҳридан тахминан 120 километр шимоли-шарқда, Асколи-Пичено шаҳридан эса 30 километр ғарбда, 9 километр чуқурликда жойлашган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Италияда рўй берган зилзиланинг асл сабаби нимада? Нега у бу қадар катта талофатларга сабаб бўлди?

Аввало, зилзиланинг қандай содир бўлиши, унинг келиб чиқиш сабаблари хусусида қисқача тўхталиш жоиз. Зилзила — табиий (баъзан сунъий) равишда юзага келадиган ер ости силкиниши, Ер қобиғидаги ўзгаришлар маҳсулидир (масалан, литосфера плиталари ҳаракати, вулқон отилиши ва портлашлар). Бундай табиат ҳодисаси баъзан катта талофатларга ҳам сабаб бўлади. Етказиладиган зарар кўлами бўйича у фақат тўфондан кейин туради, холос. Ер вақтивақти билан йиғилиб қолган энергияни зилзила воситасида ташқарига чиқариб тургани боис, сейсмологлар ҳазил аралаш уни "ернинг нафас олиши" деб таърифлайди. Айнан зилзила туфайли ер қатламлари силжийди, тоғлар "ўсади". Олимлар зилзилани тектоник, вулқонли, кўчкили, техноген каби турларга ажратади. Ўчоғи у қадар чуқур бўлмаган, 7 магнитудали ер силкинишлари ҳам ўта хавфли саналади. Бундай зилзила цунамини келтириб чиқариш эҳтимоли бор.

Шунингдек, сайёрамизнинг бир томонида юзага келган зилзила ернинг бошқа тарафига қўчиб ўтиши ҳам мумкин.

Ер юзида қайд этилган зилзиланинг аксарияти тектоник плиталарнинг силжиши оқибатида юзага келган. Ер силкинишларининг 95 фоизини ана шундай зилзилалар ташкил этади. Уларнинг кучи баъзан 9 магнитудага етади. Бунда ер ости плиталари бир-бирига урилиб кетади ёки улардан бири иккинчисининг остига тушиб қолади. Бундай қўзғалиш у қадар катта бўлмай, бор-йўғи бир неча сантиметрни ташкил этади. Бироқ шунинг ўзи ҳам ер остида катта энергия ажралиб чиқиши учун етарли. Натижада, ер устки қатламида йирик ёриқлар пайдо бўлади. Бу эса, ўз навбатида, кўплаб вайроналарни келтириб чиқаради.

Мутахассисларнинг фикрича, Апенин ярим оролининг геологик ва тектоник тузилиши зилзилалар юз беришига шароит яратади. Гап шундаки, бўр даврида Африка литосфера плитасидан ажралиб чиққан Адриатика микроплитаси шарқдан ғарбга томон Апенин ярим ороли тоғли ҳудудларининг остига "шўнғимоқда". Шу билан бирга, мазкур ҳудудда ундан ҳам йирик Евроосиё ва Африка тектоник плиталари тўқнаш келмоқда. Айнан шу силжишлар туфайли бир пайтлар Италия шимолида Альп тоғлари шаклланган эди. Қолаверса, Евроосиё плитаси шимоли-шарққа томон йилига 24 миллиметр силжимоқда. Бу эса қўшимча қаршиликни юзага келтираётир.

— Италияда юз берган зилзиланинг бу даражада ҳалокатли тус олиши унинг ер юзасига ниҳоятда яқин — бор-йўғи 4 километр чуқурликда жойлашгани билан изоҳланади, — дейди геофизик олим, Россия давлат гидрометеорология университетининг метеопрогноз кафедраси доценти Виктор Боков. — Агар у 10-30 километр чуқурликда бўлганида, бундай вайронагарчиликлар бўлмаслиги мумкин эди. Яна бир нарсани ҳисобга олиш керак, бу ерда жойлашган бинолар анча қадимий. Шу боис улар ўрнига янги иншоотлар қурмоқ зарур. Айни шу икки омилни катта талофатлар сабабчиси дейиш мумкин.

Тўғри, Италияда зилзилалар рўй бериши янгилик эмас. Италия геофизика ва вулқоншунослик институти маълумотларига кўра, мамлакатда ҳар йили мингдан зиёд ер силкинишлари қайд этилади. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам катта талофат етказмайди. Нафақат Италия, балки Европа тарихидаги энг ҳалокатли зилзила 1908 йилнинг 28 декабрида Сицилия оролидаги Мессина, Реджо-Калабрия ҳамда Палми шаҳарларида юз берган эди. Ўшанда 7,5 магнитудали ер силкиниши туфайли 70 мингдан зиёд киши ҳалок бўлган. 1915 йилнинг 13 январида Авеццано яқинида 1,6 километр квадрат кенгликда содир бўлган зилзила оқибатида эса 30 мингга яқин киши ҳалок бўлган, ўнлаб шаҳар ва қишлоқлар зарар кўрган.

Яқин ўтмишдаги энг кучли зилзила эса 2009 йилнинг 6 апрелида қайд этилди. Унинг ўчоғи Аквила (Абруццо вилояти) шаҳри атрофида бўлгани аниқланган. Ўшанда табиий офат 309 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Яна 1,5 мингдан зиёд киши жароҳатланган. Зилзила мамлакат иқтисодиётига 16 миллиард евро зарар етказди.

Мутахассисларнинг фикрича, кучли довул, сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиш вақти, об-ҳавонинг кескин ўзгариши сингари табиий офатларни анча олдин аниқлаш имконияти мавжуд. Аммо зилзила бундан мустасно. Шу боис у табиат, жамият ҳамда экологик вазиятга энг кўп зарар етказади. Фавқулодда содир бўлиб, инсонларни беихтиёр саросимага солиб қўяди. Бугун илм-фан, техника қанчалик жадал тараққий этмасин, инсоният ҳали-ҳамон бундай табиат ҳодисалари қаршисида ожиз қолмоқда. Апенин ярим оролида юз берган зилзила эса бунга яна бир далилдир.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Рангин дунё

Дарё бўйидаги мафтункор шаҳар

Кольмар — Франциянинг шимоли-шарқида жойлашган Эльзас минтақасининг чиройли ва кўркам шаҳарларидан. Бу қадимий шаҳарни очиқ осмон остидаги музей деб ҳам аташади. Қадимий кўча ва кўприклар, барокко, рококо, готика, классицизм, фахверк, модерн ва постмодерн услубида қурилган уйлар, кўҳна тош бинолар ҳар қандай сайёҳни ҳайратга солиши аниқ.

Кольмар Франциянинг энг қуруқ минтақасида жойлашган шаҳарларидан бўлгани учун бу ерда узумчилик яхши ривожланган. Шу боис шаҳар вино ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳар йили август ойида шаҳарда вино байрами ўтказилади. Қолаверса, мунтазам ўтказиладиган жаз ҳамда кинофестивалларни томоша қилиш учун бу ерга дунёнинг турли минтақаларидан кўплаб санъат ихлосмандлари ташриф буюради.

Шаҳарнинг асосий музейи — Унтерлинден. Бу ерда турли даврларга оид ноёб экспонатлар сақланади. Музей XIII асрда бунёд этилган бўлиб, Доминикан монастрлиги доирасида фаолият юритади. Бу ерда сақланувчи ноёб экспонатлар қаторидан таниқли немис рассоми Матиас Грюневальднинг "Изенгейм алтари" асари ҳам жой олган. Музейда турли тасвирий санъат намуналари, қурол-яроқлар, археологик топилмалар, қадимий мебеллар ҳам жой олган. Кольмар шунингдек, Бартольди музейи билан ҳам машҳур. Мазкур муассаса машҳур ҳайкалтарош Фредерико Бартольди хотирасига бағишлаб қурилган. Музейда турли расмлар, ҳайкаллар, Бартольдининг шахсий буюмлари ва мебеллар сақланади. Музейнинг айнан Кольмар шаҳрида ташкил этилгани бежиз эмас. Гап шундаки, рассом ва архитектор Бартольди шу шаҳарда туғилган. Бартольди ясаган, Нью-Йорк шаҳрида ўрнатилган Озодлик ҳайкали нафақат шаҳарнинг, балки бутун океан орти мамлакатининг чинакам рамзига айланган. Балиқчилар даҳаси яқинида эса 1859 йилда ташкил этилган тарих ва этнография музейи жойлашган. Фарзандлари билан ташриф буюрган сайёҳларга шаҳардаги Қўғирчоқлар музейи айни муддао. Музейда турли экспонатлар билан бирга, илк Барби қўғирчоғи ҳам жой олган.

Муқаддас Мартин — шаҳарнинг асосий ибодатхонаси. Черков XIII асрда қурилган бўлиб, ўз вақтида ёнғиндан жиддий талофат кўрган. Муассасанинг ички ҳайкаллар билан безатилган. Ўғирлаб кетилгунига қадар бир пайтлар бу ерда 1473 йилда Мартин Шонгауэр чизган "Атиргул шийпонидаги Мадонна" асари ҳам сақланган. Мазкур тасвирий санъат намунаси кейинчалик Лион шаҳридан топилади. Ҳозирги кунда мазкур нодир асар шаҳарнинг Доминикан черковида сақланмоқда.

Муқаддас Матфей черкови ҳам шаҳарнинг диққатга сазовор жойларидан. Бу ерда мунтазам равишда халқаро Кольмар фестивали ўтказиб келинади. Голлар уйи ҳам шаҳар кўркига кўрк қўшиб турган бинолардан саналади. Бино XVII аср ренессанси услубида қурилган бўлиб, бир пайтлар бу ерда вино биржаси фаолият юритган. Бугун эса бу ерда очилган ресторан ҳамда меҳмонхона сайёҳларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Пфистер уйи эса 1537 йилда Людовик Шереро ташаббуси билан қурилган бўлиб, шаҳарнинг қадимий иншоотларидан саналади.

"Petite Venise" даҳаси Лош дарёсининг шундоқ ён бағрида жойлашган бўлиб, шаҳарнинг кўркам масканларидан биридир. Мазкур даҳада бир пайтлар деҳқонлар, балиқчилар истиқомат қилган. Кольмар бозори эса Эльзасда етиштирилган сархил мевалари билан ном таратган. Лош дарёси бўйида XIV-XIX асрлар оралиғида қурилган уйлар, турли жамоат бинолари тизилиб тургани учун Кольмарни "кичик Венеция" ёки Франция венецияси деб ҳам аташади.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ

MILLIY TIKLANISH
38(410) 2016 йил 5 сентябрь, душанба

Ҳунарманд

Лойдан мўъжиза яратаётганлар

Самарқанд вилояти кулолчилиги ўзига хос услубга эга: у, айниқса, ўзининг ложувард рангга мойиллиги, кўркамлиги ва мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Вилоятда "устоз-шогирд" анъанаси воситасида кулолчилик мактаби кенг ривож топмоқда, кулолларнинг янги авлоди вояга етмоқда. Бунда, айниқса, устоз кулолларнинг хизмати беқиёс. Ҳунармандлар сулоласининг тўртинчи авлоди, халқ устаси Холмахамат Исматиллаев ана шундай уста кулоллардан саналади. У юртимизда қад ростлаётган иморатларни кошинлар билан безаш, тарихий обидаларни таъмирлаш ишларида фаол қатнашади. Шу билан бирга турли хилдаги сопол идишлар ясаб, авлоддан авлодга ўтиб келаётган ҳунарни давом эттирмоқда.

Уста элликка яқин шогирдига ушбу ҳунар сирларини ўргатмоқда. Мамлакат ва халқаро миқёсда ўтказилаётган турли кўргазма ва кўрик-танловларнинг фаол иштирокчиси. Давлатимиз томонидан яратилаётган имтиёз ва имкониятлар натижасида ҳунарманд ўз маҳсулотини экспорт қилиш, ўзбек кулоллик санъатини халқаро миқёсда ҳам кенг тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Уста-кулол Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма беш йиллиги арафасида "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" унвони билан тақдирланди.

— 43 йилдан буён ҳунармандлик билан шуғулланаман, — дейди Холмахамат Исматиллаев. — Афросиёб тепалигига яқин жойда улғайганман. Уйимиз атрофидаги барча осори-атиқа, турли сопол идишлар мени доимо қизиқтирар, ўзига мафтун этарди. Ҳунармандлар авлодидан бўлсак-да, бадиий кулолчиликка фақат мен қизиқдим. Бунда, айниқса, устозим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мансур Носировнинг хизмати катта. У кишидан нафақат ҳунар сирлари, балки инсоний фазилатларни ҳам ўргандим. Йигирма икки ёшимда мустақил иш бошлаб, ўз устахонамга эга бўлдим.

Бугун шогирдларим билан бирга қадим Самарқанд кулолчилигининг ўзига хос шакл ва услубларини қайта тиклаш, уни янада ривожлантиришни мақсад қилганмиз. Воҳамиз кулолчилигининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, бизда ясаладиган ҳар бир сополнинг ўз тарихи, ранги ва нақши бор. Самарқанд кулолчилик намуналари бугунги кунда нафақат юртимиз, балки дунёнинг кўплаб музей ва каталогларидан ўрин олган.

Ҳунарманд ўз хонадонида сулолага тегишли 200 дан ортиқ ижод намуналаридан иборат оилавий музей ташкил қилган. Бу ерда йиғилган сопполларда ўзбек кулолчилик санъатининг узоқ ва яқин ўтмиши, ҳар бир даврнинг ўзига хос услубини кузатиш мумкин.

— Сопол буюмлар экологик тоза, иссиқ ва совуққа бардошли бўлгани учун маҳсулотларни сифатли сақлайди. Шу боис пазандачилик ва тиббиётда ҳам кенг қўлланиб келмоқда, — дейди Холмахамат ака. — Бадиий кулолчилик маҳсулотларига мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам эҳтиёж катта.

Аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган ҳунармандлик юртимизда тобора тараққий этмоқда. Улар ўз ишланмаларини кенг намойиш этиш, эмин-эркин фаолият юритиши учун барча шароит ва имконият яратилган. Турли кўрик-танлов, кўргазма ва павильонлар ташкил этилиб, фаолиятлари қўллаб-қувватланмоқда, рағбатлантирилмоқда.

— Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимиз, хусусан, ҳунармандликни тиклаш, ривожлантириш ва халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди, — дейди уста. — Ҳунармандлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга турли имтиёз ва преференциялар берилмоқда. Шу ҳунар ортидан рўзғор тебратдим, уста кулол бўлиб элга танилдим, муваффақиятларга эришдим. Кўплаб хорижий мамлакатларда бўлдим. 2002 йил Германияда, 2003 йил Голландияда жаҳон кулоллари кўргазмасида иштирок этдим. Дунё экспертлари ўзбек ҳунармандчилик мактабига катта қизиқиш билан қарашаётганига гувоҳ бўлдим. Бугун нафақат фарзандим, балки набирам ҳам кулолчилик соҳасини эгаллаб, сулоламиз анъанасини давом эттирмоқда. Ўғлим Неъматжон Исматиллаев Тошкент давлат архитектура ва қурилиш институтини тамомлади. 2008 йилда "Энг яхши битирув малакавий иши" танловида биринчи ўринни эгаллади. Ўғлим билан нафақат буюмлар ясаш, балки иморатлар пештоқини ёзувлар воситасида безаш билан ҳам шуғулланяпмиз. Мамлакатимизда яратилаётган кенг шароит ва имкониятлар туфайли барпо бўлган кичик кулолчилик мактабимиз бобомерос ҳунар сирларини янада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Қорағат иммунитетни кўтаради

Қорағат (смородина) ҳам тенги йўқ таъмга эга, ҳам организм учун жуда фойдали мева. Шу боис уни барча хуш кўриб истеъмол қилади. Шифобахш витаминларга бойлиги туфайли халқ табобатида ҳам кенг қўлланилади.

Қорағат С витамини туфайли бошқа резавор меваларга нисбатан ноёб саналади. Организмда аскорбин кислотаси етарлича бўлиши учун ҳам ундан кунига 15-20 дона истеъмол қилиш лозим. Қорағат саратон ва юрак-қон томир касалликлари хавфининг олдини олади, ақлий қобилиятнинг сусайиши ва кексайишга қаршилик қилади. Бундан ташқари, у қандли диабет хасталигини енгиллаштириш, кўриш қобилиятининг яхшиланишига самарали таъсир кўрсатади.

Қорағат буйрак ва пешоб йўлидаги тошни тушириш хусусиятига ҳам эга. Бунинг учун идишга 5-10 дона қорағат барги ва 10-15 дона меваси солиниб, устидан 2 стакан қайноқ сув қуйилади ва 30 дақиқага тиндириб қўйилади. Дармондори тайёр бўлгач, ундан кунига 3-4 маҳал оз-оз ичилади. Иложи бўлса, дамламани тез-тез янгиланган маъқул. Бу дамлама жигар фаолиятини яхшилайди, атеросклерозга фойда беради ва нафас йўлидаги муаммолардан халос этади. Қорағат дамламаси диарея ва ҳарорат кўтарилишидан халос этади. Мевасидан тайёрланадиган ширинликлар авитаминоз касаллигида фойдали. Қорағатдан тайёрланган мураббо ва дамламалар оғир хасталиклар ёки жарроҳлик амалиётидан сўнг истеъмол қилинса, иммунитетни кўтаради ва қувватни оширади, камқонликдан халос этади. Шу билан бирга, гипертония, тиш милклари шамоллаши, ошқозон яраси, ўн икки бармоқли ичак хасталиклари ва гастритни даволашда наф беради.

Қорағат барги қайнатмасидан ванна қабул қилиш теридаги турли хил тошмаларни бартараф этади. Унинг шарбатини асал ёки шакар билан ичсангиз, йўталдан халос бўласиз. Бу мева шифобахшликда ва С ҳамда В гуруҳидаги витаминларни сақлаш жиҳатидан наъматакдан кейинги ўринда туради. Шу боис иштаҳа очиш, инфекциядан халос бўлиш мақсадида қорағат истеъмол қилиш фойдали. Асаб тизими фаолияти бузилганда эса қизил қорағат ейиш тавсия этилади. Чунки унда тинчлантирувчи хусусият мавжуд.

БИЛАСИЗМИ?

- Лос-Анжелос шаҳрида 80 га яқин туман бор. Улардан бири — Голливуд.
- Лос-Анжелос шаҳридаги "Лос-Анжелос мемориал колизеум" стадиони Олимпия ўйинларининг очилиш маросими икки бор ўтказилган дунёдаги ягона спорт иншоотидир (1932 ва 1984 йилларда).

Мутолаа

Ўзбек мўъжизаси

журналист талқинида

"Фан ва технология" нашриёти журналист ва публицист Ҳусан Иброҳимовнинг "Ўзбек мўъжизаси" китобини нашр этди.

Муаллиф китобда мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган изчил ва кенг кўламли ислоҳотларни воқеа-ҳодисалар мисолида таҳлил этишга ҳаракат қилган. Китоб ўқувчида мустақиллик даври ҳақида муайян тушунча ва манзарани гавдалантира олиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Мустақиллик ғоясининг мазмун-моҳиятини очиб бериш, китобхонлар онг-шуурига етказиш, тарғиб ва ташвиқ қилиш асарнинг лейтмотивини ташкил этади. Муаллиф ушбу ғояни китобхонлар онг-шуурига тўлақонли етказиш учун мавзу доирасида жуда кўп далил, ҳаётий мисол ва тафсилотларни келтиради.

Китобнинг яна бир муҳим жиҳати унда ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятлари ва тенденциялари муаллифнинг бевосита кузатишлари орқали таҳлил ва талқин этилган. Хусусан, тараққиёт йўлининг бешта тамойилига асосланган ва халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган "ўзбек модели"нинг мазмун-моҳияти, унинг илмий-назарий пойдевори учун асос бўлиб хизмат қилган хусусиятларнинг очиб берилгани эътиборга молик.

Асарда иқтисодий ислоҳотлар концепциясининг мазмун-моҳияти ва уларнинг турмушга тадбиқ этилишининг самаралари қиёсий-таҳлилий материаллар, тарихий шароит ва вазият ҳисобга олинган ҳолда талқин этилган.

Қолаверса, мустақиллик даврининг фаслларга бўлиниб талқин этилишида ҳам ички мантиқ бўлиб, бу ривожланиш жараёнларини теранроқ англашимизга кўмаклашади. Инчунин, асарда эски тузумдан янги тузумга ўтиш жараёнлари, янги жамиятни қуриш борасидаги дастлабки тажрибалар ҳаётий лавҳалар, факт ва рақамларни умумлаштириш асосида талқин этилгани эътиборга молик.

Мақсуд ХОЛМУҲАМЕДОВ,
Фан ва технологиялар маркази босмахонаси директори

Хабарлар

Янги ўқув йили янги бинода

Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи ўқувчилари янги ўқув йилини тубдан реконструкция қилинган ва замонавий жиҳозланган янги бинода бошлади.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаши, истеъдод ва салоҳиятини кенг намоён этиши учун зарур шарт-шароит яратилган. Янгидан барпо этилаётган, реконструкция қилинаётган таълим муассасаларининг замонавий усулда жиҳозланаётгани уларнинг илм-фан, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритиши ва ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб камол топишида муҳим аҳамият касб этаётир.

— Коллежимиз 800 ўринларга мўлжалланган, — дейди Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи директори Исроил Ботиров. — Янги ўқув йилини қайта реконструкция қилинган янги бинода бошладик. Қурувчилар барча ишларни белгиланган муддатларда тез ва сифатли амалга оширди. Бунинг учун 849 миллион сўм маблағ сарфланди. Ўқувчиларнинг ўзлари танлаган касб сирларини янада пухта ўрганиши учун барча қулайликлар яратилди. Иситиш қозони янгидан қурилди.

Сурхондарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда еттита касб-ҳунар коллежи реконструкция қилиниб, иккитаси капитал таъмирланган. Барча қулайликларга эга устахоналар қурилиб, замонавий жиҳозланган.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА

Мустақил юрт ижодкорлари

Ўзбекистон давлат санъат музейида "Мустақил юрт ижодкорлари" номли кўргазма ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов хотираси ёдга олинди. Президентимиз ўз фаолияти давомида барча соҳа вакиллари қатори ижод аҳлига ҳам ўз истеъдодини намоён этиши, эркин ва самарали ишлаши учун барча шарт-шароит яратишга катта эътибор қаратгани алоҳида таъкидланди.

Кўргазмада Раҳим Аҳмедов, Ориф Муинов, Дилором Мамедова, Акмал Нуриддинов, Анвар Мирсоатов каби таниқли мусаввирларнинг мамлакатимизнинг мустақиллик йиллари турли соҳаларда қўлга киритган ютуқлари, юртимиз ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи рангтасвир асарлари намойиш этилмоқда.

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,
ЎзА

ТУРФА ОЛАМ

Қуввати ўн бир кунга етади

Хитойнинг "Xiaomi" компанияси янги "Amazfit Watch" "ақлли" соатини ишлаб чиқарди.

У "Huami" бренди остида тақдим этилган бўлиб, бир марта олган қуввати 11 куну 14 соатгача етади. "Ақлли" соат сувдан ҳимояланган айлана корпусга эга. Гардиши тирналмайдиган сополдан ясалган. Ақлли соатга 22 миллиметр қалинликдаги ҳар қандай боғич тўғри келади.

"Amazfit Watch" аккумуляторининг қуввати GPS ёниқ турган ҳолатда 35 соатга, ўртача фаол фойдаланганда 5 кунга, қадам ўлчагич режимида эса 11 куну 14 соатга етади. Қурилма 28 нанометрли технажараён бўйича тайёрланган GPS-сенсорга эга, шу туфайли смартфонга уланмасдан туриб, эгасининг қаердалигини кузата олади. Соатга 1,34 дюймли ва 300x300 пикселли экран, 512 мегабайт тезкор ва 8 гигабайт ички хотира, 200 ампер-соат сиғимли аккумулятор, GPS, акселерометр, гироскоп ва пульс ўлчагич ўрнатилган.

"Amazfit Watch" Хитойда 31 августдан бошлаб сотувга қўйилди. Қурилма нархи — 799 юань (тахминан 120 доллар).

Ҳайдовчисиз трактор

Қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарувчи "Case IH" компанияси яқин уч йил ичида ишлаб чиқарилиши кутилаётган "АТС" деб номланган ҳайдовчисиз бошқариладиган трактор лойиҳасини тақдим этди.

"АТС" трактори одатий кабинадан ҳоли бўлиши кутилмоқда. Трактор бошқарувчиси ўрнини GPS тизими, видеокамералар эгаллайди. Шу боис у тўлиқ мустақил режимда ҳаракатланади. Сунъий йўлдош орқали бошқарилиши боис белгиланган манзилга бехато етиб бора олади. Шу билан бирга, уни масофадан туриб бошқариш ҳам мумкин. Ундан фойдаланиш олдидан иқлим шароити, об-ҳаво ҳисобга олинади. Қолаверса, у бирор тўсиқ, мисол учун буюм ёки жониворга тўқнаш келса, бу ҳақда операторни огоҳлантириш имкониятига эга. "АТС" — тракторни роботлаштириш борасидаги илк лойиҳа эмас. Япония ва Янги Зелландияда "Yanmar" билан "Greenbot" компаниялари ҳам ҳайдовчисиз қишлоқ хўжалиги машиналари устида иш олиб бормоқда.

"Case IH" компанияси эса мазкур трактрни яқин уч йил ичида ишлаб чиқариб, сотишни режалаштирмоқда.

Ш.ГАФФОРОВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 2 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 925, Адади — 5053. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Дилфуза РЎЗИЕВА
Навбатчи: Усмон АБДУРАСУЛОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 00.10.
ЎзА якуни — 20.50.
ISSN 2010-7714
12345